

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Г.А. Қосимова, З.Х. Каримова

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
ФОНДЛАР**

Ўкув қўлланма

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2009

Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўкув қўлланма. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2009. - 212 б.

Ўкув қўлланмада иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, ахолининг юкори турмуш даражасини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти ва вазифалари, мазкур фондларнинг хозирги ва истиқболдаги ривожланишининг хусусиятлари кўрсатилган.

Ўкув қўлланманинг мақсади – талабалар, иқтисодчилар, молиячилар, илмий тадқиқот олиб борувчи тадқиқотчилар, аспирантлар учун бюджетдан ташқари фондларнинг назарий, хуқукий, ташкилий асослари хакида маълумотлар беришдан иборат. Шунингдек, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда, давлатнинг мақсадли жамғармалари фаолиятини такомилиштириш йўллари кўрсатилган.

Ўкув қўлланма 5340600-Молия таълим йўналиши ДТС талаблари асосида «Бюджетдан ташқари фондлар» фани бўйича тузилган намунавий ва ицчи-ўкув дастурига мос келади. Мазкур ўкув қўлланма «Молия» йўналишида таҳсил олаётган талабаларга «Бюджетдан ташқари фондлар» фанидан, “Давлат молиясини бошқариш”, «Халқаро молия», «Корхоналар молияси», «Молия-вий менежмент», «Бюджетнинг ғазна икроси» мутахассислиги магистрантларига “Давлат молиясини бошқариш” фанидан фойдаланишга мўлжалланган ҳолда тайёрланган.

Ўкув қўлланма Тошкент Молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2008 йил 5-февраль, 3-сонли мажлис баённомаси).

Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори, проф. И. Иватов;
иқтисод фанлари номзоди, доц. Х. Ахмедов

Нашр учун масъул: иқтисод фанлари доктори,
профессор Р.Х. Шодиев

ISBN 978-9943-12-105-7

© «IQTISOD-MOLIYA», 2009
© Қосимова Г.А., Каримова З.Х. 2009

КИРИШ

Иқтисодиётнинг тараққиёти даражасига қараб, ижтимоий хаёт йўналиши шаклланади, унинг ривожланиши билан юксала боради, ижтимоий вазият барқарорлашади, жамият аъзоларининг келажакка ишончи ортади ва фаоллиги тобора кучаяди. Молия тизими эса жамият аъзоларининг нафақат бугунги, балки эртанги ва келажакдаги фаровонлигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичи ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви шароитида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бюджетдан ташқари фонdlар тизими фаолиятини йўлга қўйишдан мақсад жамғармалардан самарали фойдаланишdir.

Ўзбекистон Республикасининг молия тизимида давлатнинг мақсадли жамғармаларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш, бюджетдан ташқари фонdlар ҳақида назарий билимлар бериш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бюджетдан ташқари фонdlарнинг фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш, самарали бошқариш ва молиявий назорат қилиш жараёнларини ўрганиш муҳим хисобланади.

«Бюджетдан ташқари фонdlар» фани бўйича тайёрланган мазкур ўкув қўлланма Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва олий ўкув юртларида бакалаврлар тайёрлаши давлат стандартлари талаблари асосида яратилган. Ўкув қўлланмага киритилган ҳар бир мавзуни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларидан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва мавзуга оид ҳуқукий-меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган. Китобга киритилган мавзулар бир-бири билан мантиқан боғланган. Мавзулар охирида асосий таянч тушунчалар, такрорлаш учун саволлар ва топшириклар берилган.

«Республикамизда бугунги кунда ДТС талабларининг бажарилиши, ўз навбатида таълим жараёнининг таркибий тузилишига,

унинг мазмуни, олинган натижаларни баҳолаш ва назорат қилиш тизимиға сифат жиҳатдан ўзгаришилар киритиш мақсадида таълим жараёни йўналишига қайта ўзгариши киритиш заруриятини асослаб беради. Бундай ўзгаришилар қаторида таълим жараёнининг ахборот-услубий таъминотини янгилаш, хусусан, ўкув адабиётлари, дарсликлар, ўкув кўлланмаларининг янги авлодини яратиш муҳим аҳамият касб этади¹.

Кўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга асосланилди. Ўкув кўлланма олий ўкув юртлари талабалари ва магистрантлар учун мўлжалланган бўлиб, ундан маҳсус билим юртлари ва лицей ўкувчилари, аспирантлар, бюджетдан ташқари фонdlарга кизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Ўкув кўлланмани тайёрлашда, шунингдек, Қ. Абдураҳмонов, А. Ваҳобов, М.Шарифхўжаев, Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов, Т.Маликов, Н.Ҳайдаров, Б. Ходиев, Н.Бекнозовларнинг мавзуга бағишинган дарслик ва ўкув кўлланмаларидан имкон қадар фойдаланилди.

Ўкув кўлланманинг еттинчи ва саккизинчи боби иқтисод фанлари номзоди, доцент З.Каримова билан ҳамкорликда ёзилган. Шунингдек, бешинчи боб, бешинчи параграфни ёзишда Н.Арабов Бандлик маркази фаолиятини баҳолаш тўғрисидаги мълумотлари, И.Жуманиёзов «Халқаро валюта фондига» бўйича материаллар билан иштирок этган.

Мазкур ўкув кўлланмада камчилик ва мунозарали жиҳатлар бўлиши мумкин. Муаллиф ушбу ўкув кўлланманинг тузилиши, мазмунини янада бойитишга қаратилган ҳар қандай таклиф-мулоҳазалар, истак-фикрларни миннатдорчилик билан қабул қиласи ва ўкув кўлланмани қайта нашр қилишда ва дарслик тайёрлашда уларни ҳисобга олади.

Муаллифлар

¹ Ходиев, Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўкув адабиётлари яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. Т. ТДИУ. 2005. 168 б.

I БОБ. «БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида бюджетдан ташқари фондлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар кандай мамлакат ўз тараққиёт йўлини белгилашда молия тизимининг қай даражада ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратиши табий ҳол, албатта. Молия тизимида марказлашган мақсадли жамғармалар алоҳида ўрин тутади. Мазкур жамғармаларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалари мавжуд.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан ташқари мақсадли пул фондларининг ўрни ва роли жуда муҳимдир. Чунки Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини самарали бошқаришда, аҳоли турмуш даражасини оширишда, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда бевосита Давлат бюджети билан бирга бюджетдан ташқари фондлардан ҳам фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши, турли мулкчилик шаклларининг ривожланиши билан вазият ўзгарди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишловчилар, корхоналар, давлат ва жамият манфаатининг янги муносабатига хос ижтимоий ҳимоянинг шакл ва механизmlарини яратиш зарурати келиб чиқди. Давлат бу жамғармаларнинг маблағлари билан ишлаб чиқариш жараённига аралашади, ташкилот ва муассасаларга кредитлар ва субсидиялар беради. Ижтимоий сиёсат чоратадбирларини молиявий таъминлайди, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатади. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг изчил фаолияти натижасида аҳоли кучли ижти-

моий ҳимоя қилиниши билан бирга, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожлантирилади.

Айни пайтда бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари нафақат давлатнинг даромадлар базасини таъминлаши ва келиб тушган пул маблагларини харажат қилиши лозим, балки жамиятда макроиктисодий барқарорликни ҳамда ахолининг оптимал бандлигини ҳам таъминлаши зарур. Чунки Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг ҳамма ишларимизда – бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими – буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манбаатларининг устуворлигидир. Халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш бўйича бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат»¹.

Бюджетдан ташқари давлат жамғармалари давлат томонидан жамият эҳтиёжларини ва мустақил комплекс равишда харажат қилиш учун жалб этилган маблагларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлардир. Бюджетдан ташқари давлат жамғармаларининг афзалликларига қуидагиларни киритиш мумкин.

- ◆ ижтимоий ва иқтисодий харажатларни молиявий маблаглар билан таъминлашнинг қолдиқ тамойилларини бартараф этиш имконини беради;
- ◆ бюджет харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олади ва бюджетдан маблаг билан таъминлаш муаммосини маълум даражада ҳал қиласи;
- ◆ маблаглардан мақсадли фойдаланади ва молиявий ресурсларни кўпайтириш имконини яратади.

¹ Каримов И. Инсон манбаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисидаги матбузаси. // Халқ сўзи. 2008. февраль.

Профессор А.Ваҳобовнинг фикрича, «Бюджетдан ташқари фонdlар аввал маҳсус фонdlар ва ўзига хос ҳисобрақамлар кўри-нишида мавжуд бўлган. Давлат ўзининг фаолият доирасини кен-гайтириши билан тобора янги харажатларга эҳтиёж сеза бошла-ди. Уларни қоплаш учун маблағлар маҳсус фонdlарда тўпланди ва маҳсус мақсадларга қаратилди. Бюджетдан ташқари фонdlар мақсадлилигига кўра ижтимоий ва иқтисодий, бошқарув даражасига кўра марказий ва минтақавий фонdlарга бўлинади»¹.

Кўпгина мамлакатларда давлат молияси таркибида алоҳида ўринни эгаллайдиган мақсадли бюджетдан ташқари фонdlар тегишли ҳукумат органларининг бюджетига боғлик бўлмайди ва юридик шахс ҳуқуқига эга. Бюджетдан ташқари мақсадли фонdlар ҳукумат органлари қабул қилган қонун доирасида ташкил этилади.

Бюджетдан ташқари мақсадли фонdlар давлат молиясининг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган. Пул фонdlари-дан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган ва давлат ҳукуматнинг юқори органларининг тегишли актлари асоси-да ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари мақсадли фонdlарни ташкилий тузилишига кўра жамланган бюджетга кў-шиладиган ва қўшилмайдиган фонdlарга ажратиш мумкин. Бюд-жетдан ташқари мақсадли фонdlарни функционал жиҳатига кўра ижтимоий ва иқтисодий фонdlарга бўлиш мумкин. Бюджетдан ташқари мақсадли фонdlарни ташкил этилишининг мувофиқли-гини таъминловчи яна бир муҳим омил бюджет тақчиллигидир. Бюджет харажатларини даромаддан ошиб кетиши молиявий ре-сурсларни қидириб топишигина эмас, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолидан тушган маблағларни қайта гурухлашни ҳам талаб этади.

Бюджетдан ташқари фонdlар иқтисодиётни барқарорлаш-тиришнинг дастлабки белгилари десак, муболаға бўлмайди. Бо-зор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу фонdlарнинг ҳам ижти-моий, ҳам иқтисодий аҳамияти катта.

¹ Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимилаги ижтимоий фонdlар. - Т.: Шарқ. 2003. -117 6.

1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида
мақсадли жамгармалар даромадларининг салмоғи**

Кўрсаткичлар	Й И Л Л А Р					
	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	мик- дори млн.сўм	фоиз- да	мик- дори млн.сўм	фоиз- да	мик- дори млн.сўм	фоиз- да
Давлат бюджети даромадлари	5100867,9	59,9	7108257,4	59,3	10421382,5	61,8
Давлат максадли жамгармалари даромадлари (Пенсия жамгармаси, Йўл жамгармаси, Иш билин тазминлашга кўмаклашувчи жамгарма, Давлат мулк кўмитасининг маҳсус хисобраками)	2165915,5	25,2	3200362,5	26,7	4963075,5	29,4
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт жамгармаси	928508,4	10,8	1115646,0	9,3	762888,0	4,5
Мактаб таълими жамгармаси	364550,0	4,1	494369,6	4,1	577335,1	3,4
Молия вазирлиги хузуридаги ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаши фонди	-	-	75000,0	0,6	130000,0	0,9
Давлат бюджети даромадларининг жами	8559841,8	100,0	11993634,0	100,0	16854681,0	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-2008 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўгрисидаги Қарорлари.

Давлат мақсадли жамгармалари орқали Ўзбекистон Республикасида 2008 йилги жамланган бюджетнинг 26,7 % микдорида

даромад тўплади ва харажат қилинди.

Профессор Л.А. Дробозинанинг фикрича, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар жамиятдаги айрим харажатларни молиялаштириш ва комплекс равишда тезкор мустақиллик асосида маблағларни сарфлаш, давлат орқали жалб қилинадиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланиш усулидир. Бундай фондлар вақтингчалик тусга эга бўлади. Давлат томонидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ва уларни молиялаштиришнинг тўхтатилиши сабабли фондлар ҳам ўз фаолиятини тўхтатади. Шундан келиб чиқиб, фондларнинг микдори доимо ўзгариб боради: баъзилари тутатилади, баъзилари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги конунида давлат мақсадли жамғармаларига куйидагича таъриф берилади: «Давлат мақсадли жамғармалари – Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиш нормалари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади»¹.

Мазкур қонуннинг 20-моддасида кўрсатилишича, Давлатнинг мақсадли жамғармаларига куйидагилар киради:

1. Республика Йўл жамғармаси.
2. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси.
3. Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитасининг маҳсус хисобвараги.

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ёрдамида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

⇒ корхоналарга кредитлар, субсидиялар бериш, яъни уларни молиялаштириш йўллари билан ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатилади;

⇒ ижтимоий инфратузилмани молиялаштириш, яъни субси-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети газиа юкоси. Мөъёрий-хукукий ҳужжатлар тўплами. Алишер Навоний номидаги Ўзбекистон Milliy кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007. -56.

дия, нафақа ва турли хил трансферларни бериш йўли билан аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатилади;

⇒ чет давлатларга, хорижий ҳамкорларга қарзлар берилади.

Жаҳон тажрибасида бюджетдан ташқари фондларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларни икки катта гурухга ажратиш мумкин:

❖ ижтимоий йўналтирилган фондлар (пенсия фондлари, мажбурий тиббий сугурта фондлари, давлат бандлик фондлари, ижтимоий сугурта фондлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш умуммиллий фондлари);

❖ иқтисодий йўналтирилган фондлар (ўз йўналиши ва манбаларига эга).

Фондларнинг мавжуд бўлиш манбаларининг кўпчилиги давлат томонидан белгиланадиган мажбурий бадаллар ҳисобига шаклланади ва фаолият кўрсатади.

Хозирги молиявий муносабатларнинг ранг-баранг тизимида молиянинг фаолият йўналиши мезонларини ажратиб кўрсатиш керак. Бунда куйидаги икки мезонни белгилаш лозим: ривожланиш ва ижтимоий йўналтирилганлик мезонлари. Бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш мезони тобора ижтимоий мезонга айланиб бораёғани муҳим ҳолатdir. Бу ҳолат, инсон капиталини инвестициялаш назариясидан келиб чиқади. Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакларини ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради. Давлатнинг молиявий фаолияти ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнига эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни ҳам қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараён ҳисобланади.

Молиявий муносабатлар вужудга келишининг дастлабки соҳаси ЯИМнинг бирламчи тақсимланиши жараёни бўлиб, бунда пул даромадлари ва жамғармаларининг турли шаклларининг вужудга келиши содир бўлади. ЯИМнинг хўжалик субъектлари ўртасида кейинги қайта тақсимланиши ва ундан мақсадли фойдаланишнинг аниқлаштирилиши энди молия негизида амалга оширилади. Молиявий ресурслардан маҳсус мақсадларга мўлжалланган пул жамғармалари орқали фойдаланилади. Жамғарма шакли афзалликларига ҳар қандай эҳтиёжни қондиришни иқтисодий имкониятлар билан бевосита боғлаш, ресурсларни ижти-

моий ишлаб чиқариш ривожланишнинг асосий йўналишларида жамлашни таъминлаш, жамият, жамоа ва шахсий манфаатларнинг бир-бири билан тўлароқ мувофиқлаштириш имконияти киради.

Давлат молияси таркибидаги давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамгармалари, давлат кредити ва корхоналар молияси ажратиб кўрсатилади. Давлат бюджети давлат молиясининг энг йирик бўгини бўлиб, унда солик тушумларининг асосий қисми жамланади ва бу тизим орқали давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини молия билан таъминлаш амалга оширилади. Ушбу тузилмага ки-рувчи давлатнинг мақсадли фондлари кўп мамлакатлар амалиётида уларнинг асосий вазифаси ижтимоий вазифаларни (мехнатга ярок-сизларни таъминлаш, ишсизларга ёрдам кўрсатиш, ҳаётий муҳим харажатлар йўналишларини молия билан таъминлаш) ҳал этишдан иборат.

Давлатнинг мақсадли фондларининг даромадларини бозор тамойиллари асосидагина эмас, балки мазкур жамият учун энг мақбул бўлган ижтимоий адолат тамойилларига кўра мақсадли қайта тақсимлаш тақозо этилади. Жамият манфаатлари йўлида ижтимоий, маданий фаолиятни амалга оширадиган ташкилотлар тарихан давлат тузилмасининг бир қисмига айланаб қолган.

Бюджетдан ташқари фондлар марказлашган ягона пул фонди бюджетидан анча аввал маҳсус фондлар ва ўзига хос ҳисоблар кўринишида мавжуд бўлган. Давлат ўз фаолият доирасини кенгайтириши билан янги харажатларга ҳам эҳтиёж сеза бошлади. Маҳсус фондларда уларни қоплаш учун маблағлар тўпланди ва улар зарур мақсадларга қаратилди.

Республикамизда фондлар сонининг ошиши ва ҳажмининг катталашиш анъанаси кузатилади. Лекин мутахассисларнинг фикрича, маҳсус фондларнинг кўпайиб кетиши маълум молиявий ноқулийликларни келтириб чиқаради ва уларни бошқаришда қўшимча харажатлар қилиш зарур бўлади.

1991 йил 30-сентябрда ратификация қилинган "Инсон хукуклари умумжаҳон Декларацияси"нинг 25-моддасида айтилишича, Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва бошқа зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилек ёки унга боғлиқ

бўлмаган шароитларга кўра, тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати деганда аҳолининг ҳаёт кечириш даражасини шакллантириш, инсон капиталини қайта яратиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш, уларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлаш соҳасида давлат томонидан олиб борилаётган ички сиёсат йўналиши назарда тутилади. Фуқароларнинг асосий инсоний ҳуқуқлари давлат ижтимоий сиёсати орқали рўёбга чиқарилади. Бунда давлат турли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, молиялаштириш нормативларини белгилаш, ижтимоий-иктисодий андозалар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш каби воситалардан кенг фойдаланади.

Жаҳон молиявий инқизозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олингандиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иктисодиётiga ўтишининг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иктисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилона ташки қарз сиёсати олиб борилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иктисодий ва банк тизимларининг не-чоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Республикамизда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритилиши тақозо этилади. Ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти шундаки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг меҳнат қобилиятини йўқотган ёки баъзи сабабларга кўра ишлаб, даромад топиш имкониятига эга бўлмаган қатламлари ижтимоий ҳимоя қилиш тизими орқали қамраб олинади. Масалан, мамлакатда кучли ва самарали пенсия тизи-

мининг шакллантирилиши вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш имконини беради. Мамлакатимизда мустақиллик қарор топганидан кейинги йилларда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги мавқенини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муайян ишларнинг хукуқий пойдевори барпо этилди. "Ҳар ким қариганда, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганида, шунингдек, бокувчисидан жудо бўлганида ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олишга ҳакли"¹, деган қоидага мувофиқ қонунларимизда фуқароларимизни хилма-хил шаклдаги ижтимоий ҳимоялаш кафолатлаб қўйилди.

1.2. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги

«Бюджетдан ташқари фондлар» фанини ўқитишнинг мақсади — келгусида юкори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун Ўзбекистон Республикасидаги бюджетдан ташқари фондлар ҳақида назарий билимлар бериш, уларда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бюджетдан ташқари фондларни бошқариш ва назорат қилиш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўйича асосий кўнникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан ўз предметини ўргатиш учун қўйидаги вазифаларни амалга оширишни белгилайди:

- ❖ бюджетдан ташқари фондларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида давлат мақсадли фондларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- ❖ бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ва иқтисодий фондларнинг молиявий жиҳатларини очиб бериш;
- ❖ мақсадли фондларни шакллантиришнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш;
- ❖ Давлат бюджети таркибидаги мақсадли жамғармаларнинг даромадларини шакллантириш механизмини кўриб чиқиш;
- ❖ даромадларни ва харажатларни бошқариш жараёнларига автоматлаштирилган ахборот технологияларини татбиқ этиш масалаларини аниқлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1992. 39- модда.

❖ Ўзбекистон Республикасида мақсадли фондларнинг даромадларини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш йўлларини белгилаш.

«Бюджетдан ташқари фондлар» фани «Иқтисодий назария», «Молия», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Давлат бюджети», «Махаллий бюджет» каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади. Шу билан бирга, «Бюджетдан ташқари фондлар» фани «Молиявий ресурсларни бошқариш», «Молиявий менежмент», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қиласди.

1.3. Давлат бюджети таркибида мақсадли жамғармаларнинг шаклланиши

Ижтимоий ва иқтисодий сиёsat мувозанати ўзида жамиятнинг ривожланиш мақсади ва унга эришиш тадбирлари мувофиқлигини мужассамлаштиради. Бу мувозанатнинг аниқ шакли жамғарма ва истеъмол, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат, иқтисодий ривожланишнинг турли моделлароро мувозанатида яққол кўринади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг юқори турмуш дараҷасини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишга асосланган ҳуқуқий демократик жамият куриш каби мақсадли вазифа қўйилар экан, бунда давлатнинг мақсадли жамғармаларининг ҳозирги ва истиқболдаги ривожланишининг ҳусусиятларини хисобга олишимиз керак.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида ва ислоҳотларнинг чукурлашуви шароитида кучли ижтимоий сиёsatни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлатнинг мақсадли жамғармалари тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

“Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бу гунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичida иқтисодиётда чукур тарқибий ўзгаришларни амалга ошириш, ахоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ

хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуклар қўлга киритилди».

Маълумки, ҳозирги кунда иқтисодиётнинг эркинлашуви ва бозор ислоҳотларининг чукурлашуви жараёни бораётган босқичда кучли ижтимоий сиёsat тўлалигича устувор бўлиб бормоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ахолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қиласди. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан бири. Шунинг учун давлат мақсадли фондлари ҳар қандай ижтимоий механизмнинг ажралмас элементидир.

Республикамиздаги ислоҳотларнинг барча босқичларида ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлари бўйича мақсадли жамғармалар шакллантирилди. Албатта, шу кунгача бу жамғармаларнинг амал қилиши ахолини ижтимоий ҳимоялашнинг жамиятимиз бойлигига айланган ютукларига ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Эндиликда ижтимоий сиёsatнинг янги босқичи талабларига мувофиқ, объектив равишда мақсадли жамғармалар сонини кўпайтириш ва уларнинг барчасини амал қилиш самарадорлигини оширишга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аник ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди»².

Президент И.Каримов 2002 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган маж-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. – Т.: Иктиносидиёт, 2009. – 6 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. – Т.: Иктиносидиёт, 2009. – 6 б.

лисида "Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланилаётганилиги тұғрисидаги масалага ҳам жиіддій қарашимиз зарур. Бугун биз давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига әгамиз, деб айта олмаймиз", - деб таъкидлаб ўтган әдилар. Шу сабабли, давлат бюджети таркибидеги мақсадли фондлар фаолиятини такомиллаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш мұхим ажамияттағы әгадир. Давлат бюджетининг асосий вазифаси иқтисодиётни молиявий воситалар ёрдамида самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдан иборат.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг 2004-2009 йилги Давлат бюджети харажатлари таркиби

(млн. сўм)

Харажатлар	Й И Л Л А Р					
	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоялаштириш харажатлари	1305416,5	1723777,2	2155663,9	2885872,4	4000593,5	6170982,0
Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармасига дотация	-	28563,9	50000,0	45000,0	65000,0	-
Иқтисодиёт харажатлари	367022,5	461434,6	557508,3	643381,6	933302,6	1305744,0
Марказлашган давлат капитал күйилмаларини молиялаштириш харажатлари	300000,0	363451,8	395000,0	460000,0	595000,0	820000,0
Давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, суд органлариниң таркибидеги харажатлари	524238,2	97445,7	116063,0	157862,3	243573,6	356841,0
Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	41300,0	16346,3	19450,0	20000,0	31500,0	34175,0
Бошқа харажатлар	537627,7	662080,8	698522,3	886551,1	1236493,7	2225284,0
Харажатлар жами	2621300,0	3353100,2	3992207,6	5100867,9	7108257,4	10913026,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлариги маълумотлари.

Иктисадчи Л.А. Дробозина бюджетнинг ижтимоий-иктисадий моҳиятини қуидагича таърифлайди: «ўзининг моддий мазмунига кўра давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг алоҳида шаклидир. Давлат бюджети ўзининг ижтимоий-иктисадий моҳиятига кўра миллий даромадни тақсимлашнинг асосий курсидир»¹. Уни бюджетнинг ижтимоий-иктисадий моҳиятига кўра берган таърифи айнан бозор иктисиёти шароитида миллий даромадни тақсимланишида ижтимоий характердаги соҳалар ва ахолининг ҳимояга муҳтоҷ кам таъминланган қатламини давлат томонидан қўллаб-кувватлашда, иктисиёти тартибга солишнинг муҳим унсурларидан бири сифатидаги мазмунига ургу беради.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор характеристикалар қилиши зарур. Булар, энг аввало, мамлакат иктисиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилишга мўлжалланган, ахолининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадлар учун режалаштирилган харажатлардан иборат. Бу умумдавлат харажатлари мақсадли жамғармаларни ўз ичига олган бюджет орқали молиялаштирилади.

Давлат бюджети асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар жамғармаси сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади. Давлат бюджетининг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иктисиёти давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш, давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишдан иборат.

«Давлат бюджети—давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдорлари назарда тутилади»².

Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари дейилганда, аввало,

¹ Дробозина Л.А. Общая теория финансов. Учебник. М.: Банки и биржи. Издательское объединение «ЮНИТИ», 1995 г. -21стр.

² Узбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисидаги» Конвенциясы Ҳыбоплия // Халқ сўзи 2000 йил 1-декабрь.

биргаликда қондириладиган эхтиёжларни тушунилади. Бу эхтиёжларни қондириш учун молиявий маблағлар талаб этилади. Демак, бунинг учун зарур жамғармалар ташкил этиш керак.

Иқтисодчи В.Родионованинг таъбири билан айтганда, «бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тузилишининг ажралмас қисмидир, унинг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарур моддий-молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади»¹. Бюджет давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларни молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондини шакллантириш ва харажат қилиш шаклини акс эттиради.

«Ҳозирги кунда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга бюджетдан ташқари манбалардан маблағларнинг жалб этилиши Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти туфайли келиб чиқмаган, балки у умумжахон тажрибаларига асосланади. Шу муносабат билан давлат бозор талблари асосида, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш жараёнида мазкур соҳага ресурслар қўйиш масълиятини ўз зиммасида сақлаган ҳолда, ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда шерикликка интилади»².

Молиявий сиёсатнинг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молия тизими соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга бўлган ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат. Республикаизда аҳолининг ҳар қандай қатламини турли шаклдаги ижтимоий ҳимоя билан таъминлашда, давлатнинг ижтимоий сиёсат олиб боришида ҳамда ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришда доимо муайян микдордаги пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилмаси:

→ Республика бюджети;
→ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар;

→ давлат мақсадли жамғармаларини ўз ичига олади.

Иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш куроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг

¹ Радионова В. М. Финансы. Учебник, 3-изд., Москва. Финансы и статистика. 2003. -1

² Kosimova G. A..Functioning of the United treasury count in execution of state budget. // Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: холати, тарқиби ва ислоҳ этиш йўналишлари. Илмий ишлар тўплами. Тошкент. 2007. №1. -38 б.

асосий манбаси ҳисобланади. Охир-оқибатда айнан у давлат ҳо-кимииятининг кундалик масалаларини ҳам, ривожланиш истиқболларини ҳам ҳал этишдаги салоҳиятни белгилайди. Иқтисодиёттинг эркинлашуви ва бозор ислоҳотларининг чукурлашуви бораётган ҳозирги босқичда кучли ижтимоий сиёsat тўлалигича устувор бўлиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади, қолаверса, бу ишларга давлатга қарашли жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш лозим.

Аҳолининг муҳтоҷ қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни аниқ тартибда кайта тақсимлаш зарурияти келиб чиқади. Бундай қайта тақсимлашнинг молиявий воситаси мақсадли фондлар орқали амалга оширилади. Давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳам ҳар қандай пул маблағлари жамғармалари сингари молиявий муносабатлар тизимиға киради ва муайян молиявий мазмунга эга бўлади.

Ўзбекистонда БМТ Таракқиёт дастури томонидан ташкил этилган Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази ижтимоий фондларни ижтимоий ёки хусусий ташкилотлар, шу жумладан, маҳаллий бошқарув органлари ёки нодавлат ташкилотлар билан биргалиқда аҳолининг камбағал ва моддий ёрдамга муҳтоҷ гуруҳларини қўллаб-кувватлаш бўйича лойиҳалар учун ажратилган маблағларни олдиндан белгиланган мезонларга мувофиқ тақсимлайдиган воситачилар, деб таърифлайди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталған усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»¹.

Чунки ўтиш даври ижтимоий сиёsatининг кучи ва аҳамияти инсонга, уни ҳимоялашга қаратилмоғи лозим. Бундай сиёsatнинг моҳияти шундаки, давлат бутун жамиятни аниқ ишлаб чиқилган, янги бозор муносабатларига ўтишни юмшатадиган ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олишга ҳаракат қиласди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими бундай хи-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

мояга бевосита мұхтож фуқаролар тоифасигагина эмас, балки иқти-
содиётни эңг юқори даражада ривожлантириш, жамиятнинг меҳнатга
ярокли ҳар бир аъзосининг меҳнатини рағбатлантириш, у ишлаб пул
топишни истайдиган ва топа оладиган шароит яратиши ҳам мүл-
жалланган. Яъни «барча ислоҳотларнинг-иктисодий, демократик,
сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади-инсонга муносиб турмуш
ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатdir»¹.
Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши айнан давлат мақ-
садли жамғармалари ривожига ва тараққиётига боғлик.

Давлатнинг мақсадли жамғармаларининг куйидаги хусусият-
лари мавжуд:

- даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги;
- маблағларнинг қатый мақсадли ишлатилиши;
- маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиш муддатлари-
нинг мос келмаслиги;
- мустақил молия-кредит ташкилоти сифатида фаолият қўр-
сатиши.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимоӣ ҳимоя қилиш
соҳасидаги давлат сиёсатига кўра аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз
табақаларини, аниқ сабабларга кўра меҳнат фаолияти юрита олмай-
диган, белгиланган микдордан кам даромад оладиган фуқароларни
кўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирларнинг яхлит тизими яратилди,
бу эса эңг мухим эҳтиёжларни таъминлашда ижтимоӣ ёрдам йўна-
лишлари билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг мақсадли жамғар-
маларини шакллантиришда уларнинг ташкил қилиниши бўйича
жаҳон тажрибаси ўрганилди, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-ик-
тисодий муносабатлар эътиборга олинди. Албатта, бундай уйгун-
лаштиришга эришиш натижасида ижтимоӣ сиёсатнинг самарадор-
лиги ва таъсирчанлиги ошди. Ушбу фондларнинг баъзилари бошқа
мамлакатлардагига ўхшаш бўлса, бошқалари эса ўхшashi йўқ,
яъни алоҳида бўлиб, бу бозор муносабатларига ўтишнинг ўзи-
га хос миллий йўлимиз борлигини тасдиқлаб турибди.

«Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиши, унинг
оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат
доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қили-
наётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иктиносий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995. -119 6.

бир-бири билан уйғунылғига боғлиқ»¹.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари қанчалик кенг қамраб олингандылыги ва илмий жиҳатдан чукур ўрганилганлығига қарамай, бозор иқтисодиётіга ўтиш шароитида бу масаланинг долзарбилиги сақланиб қолаверади. Иқтисодиёт тараққий этган сары мазкур фондларнинг ахамияти хам ортиб боради. Бу эса бюджетдан ташқари фондларнинг моҳияти ва вазифасини илмий тарзда тушунишни, таҳлил этишни, уларнинг фаолиятини жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштырышни талаб этади.

Асосий таянч тушунчалар

Бюджетдан ташқари фондлар, Давлат бюджети түзүлмаси, давлат молияси, давлат мақсадлы жамғармалари, бандлик даражасы, Давлат бюджети даромадлари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими, Давлат бюджети харажатлари, ижтимоий муаммолар, Республика бюджети, ижтимоий фондлар, иқтисодий фондлар, маңаллий бюджетлар.

Тақрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. «Бюджетдан ташқари фондлар» иқтисодий категориясыга таъриф беринг.
2. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг предмети нимадан иборат?
3. Давлат молияси тизимида мақсадлы жамғармаларнинг ўрни ни кўрсатинг.
4. Бюджетдан ташқари фондларнинг афзалликларини айтинг.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларида мақсадлы жамғармаларнинг улушини кўрсатинг.
6. Мақсадли жамғармаларнинг қандай хусусиятларини биласиз?
7. Давлатнинг мақсадли жамғармаларининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қандай орган томонидан тартибга солинади?
8. Бюджетдан ташқари фондларнинг иқтисодий мазмуни тўғрисида кластер чизинг.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

П БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

2.1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг аҳамияти

Давлат ўзининг фаолият доирасини кенгайтириши билан тобора янги ҳаражатларга эҳтиёж сеза бошлади, уларни қоплаш учун эса маҳсус фондларда маблағлар тўпланди. Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари мақсади жамғармаларни ташкилий тузилишига кўра жамланган бюджетга қўшиладиган ва унга қўшилмайдиган жамғармаларга ажратиш мумкин.

Давлат бюджети таркибидаги мақсадли ижтимоий жамғармаларга Ўзбекистон Республикасининг Пенсия жамғармаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ижтимоий жамғармалар хусусида: «аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади, бу ишларнинг ҳаммасига давлатнинг мақсадли жамғармаларининг маблағлари ни кенг жалб этиш лозим»¹, деб таъкидлади.

Давлат томонидан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий таъминот, ижтимоий ёрдам самарадорлигини ошириш, муҳтоҷ табақаларга бериладиган ёрдам аниқ йўналтирилган бўлишини таъминлаш, мақсадли маблағлардан фойдаланиш, бундай ёрдам кўрсатиш механизmlарини аҳоли учун тушунарли, содда бўлишига эришиш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кексалиқ, меҳнат қобилиятини ёки бокувчисини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. - Т., Ўзбекистон, 1995.-53 б.

йўқотишдан сугурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оиласларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вактинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш (ишизлик бўйича нафака), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб, имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлари шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътиллар), соғлиқни сугурта қилдириш (тиббий сугурта, вактинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи-ёшларни моддий қўллаб-кувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протезортопедия марказлари) орқали таъминланади.

Маълумки, аҳолининг кам таъминланган қатламларидан бири пенсионерлардир. Пенсия таъминотининг ижтимоий нуқтаи назардан муҳимлиги унинг хозирги кунда республикамиз фуқароларининг иқтисодий манбаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади.

Ижтимоий кафолатларни молиялаштириш ва зиддиятларни ҳал қилишда ҳамда иқтисодий муаммоларни бартараф этишда Пенсия жамғармаси муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манбаатларини кўзлайди. Бутун ислоҳотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-кувватлаш, инсон хукуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ҳамда хукукий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилди. Давлат пенсия таъминотининг молиявий муаммолари эса қўп жиҳатдан Республикализнинг Пенсия жамғармаси тараққиётига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган пенсия тизими инсоният тараққиётининг ютуғи ҳисобланади ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Пенсия тизими иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи маҳсус бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан молиялаштирилиши пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир.

Пенсия тизими касаллик, кекалик, баҳтсиз ҳодиса туфайли меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ижтимоий ҳимоядир.

Республикамизда аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланган демократик жамият қуриш вазифа кўйилар экан, бунда давлатнинг мақсадли жамғармаларидан Пенсия жамғармасининг ҳозирги фаолияти ҳолатини ҳамда истиқболдаги ривожланиши ва тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Мазкур соҳани ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларида ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларини вужудга келиши ва ривожланиши "ижтимоий хавф-хатар" тушунчасини эътироф этиш орқали белгиланади. Кишиларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлик даражасини баҳолашда «ижтимоий хавф-хатар» тушунчасидан фойдаланиш мумкин. «Ижтимоий хавф-хатар»нинг эҳтимоллик даражаси вужудга келадиган зарарни қоплаб, пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Пенсия тизимининг пиравард вазифаси инсон эҳтиёжини ҳамда унинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришdir деган хулоса чиқариш имконини беради. Иш ҳақи жамиятнинг кўпчилик аъзолари учун асосий тирикчилик манбаига айланиши билан ижтимоий ҳимоясизликнинг алоҳида тури, яъни иш ҳақидан маҳрум бўлиш туфайли моддий таъминланмаганлик хавфи вужудга келади. Бу ижтимоий хавф-хатар оммавий бўлади, асосан ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланадиган ва алоҳида кишига боғлиқ бўлмаган ижтимоий характер касб этади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантиришда уларнинг ташкил қилиниши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилди, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий муносабатлар эътиборга олинди. Албатта, бундай уйғунлаштиришга эришиш натижасида ижтимоий сиёсатнинг самардорлиги ва таъсирчанлиги ортди.

«Пенсия» категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва кексайганда чоғида ундан фойдаланиш шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Мехнатга лаёқатсизлар ҳимоясини ўз вақтида қишлоқ оиласлари ва жамоалар таъминлаган, бир қатор касбларда эса ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса туфайли ишловчининг меҳнат қобилияти йўқолган шароитда корпорациялар, черковлар ҳам ишчиларга моддий ёрдам кўрсатища мухим ўрин тутган.

Пенсия жамғармаси даромадларининг улуши
(фоиз ҳисобида)

Даромадлар	Йиллар						
	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Давлат бюджети даромадлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	24,6	25,2	26,3	26,9	26,2	27,6	26,7
Пенсия жамғармаси даромадлари	16,7	17,5	18,1	18,5	18,1	18,8	22,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Макро даражада пенсия тизимининг самарадорлиги унинг ижтимоий-иктисодий мақсадга мувофиқлигини ва инсон омилини тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг давлат томонидан тартибга солиниш даражасини акс эттиради. Молиявий нуқтаи назардан пенсия тизимининг самарадорлиги маблағларни жалб қилиш ва ахолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида маблағларни ишлатилиш даражасини ифода этади.

Давлатнинг тақсимлаш тизимида у ёки бу чоралар тартиби танланишини мамлакат пенсия тизимида вужудга келган ҳолат, демографик вазият тавсифи, жамиятда амал қилаётган адолат тушунчалари, сиёсий қарашлар белгилаб беради. Республикаизда амал қилаётган пенсия таъминоти тизими маълум тарихий йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг ривожланишини беш босқичга ажратиш мумкин.

Пенсия таъминоти ривожланишининг биринчи босқичи 1917-1956

йилларни қамраб олиб, «пенсия» тушунчасининг пайдо бўлиши билан таърифланади. 1917-1919 йилларда пенсия таъминоти юзасидан эллидан ортиқ декрет қабул қилинган бўлиб, уларнинг асосий фояси меҳнатга қобилиятсизларни ижтимоий жиҳатдан таъминлашни жамият зиммасига юқлашдан иборат эди. 1930 йилда «Пенсиялар ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган, 1956 йилда «Давлат пенсияси тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар пенсиялар шу низом асосида тўлаб келинган. Мазкур низомга мувофиқ, пенсия билан таъминланиш ҳукуқига фақат меҳнатдан жароҳатланиш ёки касб қасаллиги туфайли ногирон бўлган шахсларгина эга бўлган. Бу босқичнинг хусусияти ягона пенсия таъминоти тизимининг мавжуд бўлганлигидадир.

Пенсиялар ҳар бир тармоқ учун белгиланган алоҳида тартиб асосида тайинланган. Пенсия таъминотини ривожланишининг ушбу босқичига хос муҳим жиҳатлардан бири, иккинчи жаҳон уруши даврида пенсияга оид қонун ҳужжатлари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласаларини пенсия таъминоти ҳақидаги янги қарор билан тўлдирилди ва такомиллаштирилди, уларни тизимнинг даромад қисмида иштирок этмаган ҳолда, харажатлар қисмидаги иштироки, ҳозир ҳам муайян муаммолар ва эътиrozларни келтириб чиқармоқда. Бу босқичнинг муҳим хусусияти шундаки, пенсияга чиқиш ёши эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёш қилиб белгиланган.

Иккинчи босқич 1956 йилда қабул қилиниб, 1991 йилга қадар амал қилган «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва илк бор ягона пенсия тизимининг ўзакланиши билан ҳарakterланади. Ушбу қонун пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг ягона тартибини белгилаб берди. Мазкур қонунда жамoa хўжаликлари ходимларининг пенсия таъминоти кўзда тутилмаган эди. Жамoa хўжаликлари аъзоларининг пенсия таъминоти маҳаллий миқёсда, яъни хўжаликлараро пенсия жамғармалари тузиш йўли билан ҳал қилинган ва фақат 1964 йилга келиб-гина пенсия таъминоти аҳолининг барча қатламларини қамраб олди. Пенсия тизимининг мазкур икки босқичига хос хусусиятларни умумлаштирадиган бўлсак, бу босқичларда аҳолини пенсия билан таъминлаш тизими тўлиқ шакллантирилди.

Учинчи босқич ижтимоий таъминот тизимидаги ислоҳотларнинг бошланиши ва унинг асоси бўлган "СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 1990 йилда қабул қилиниши билан белгиланади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниш зарурияти

шундаки, аввалги пенсия қонунчилиги низолари билан жамиятда вужудга келган кўпгина ўзгаришлар ўртасида қарама-қаршиликлар пайдо бўлиб, жамоат истеъмол жамғармалари хисобига давлат томонидан пенсия таъминотини амалга оширишни кафолатлаш имкони бўлмай қолди. Бу босқичнинг муҳим хусусияти шундаки, амалиётда илк бор пенсия жамғармаси, ижтимоий пенсиялар ва даромадларни индексациялаш тушунчалари пайдо бўлди. Учинчи босқичда тенг тақсимлаш тамойилидан чекиниб, пенсия таъминотининг меҳнат миқдори ва сифатига эришишга уриниб кўрилди. Амал қилиб келган пенсия тизимида фуқароларга ишлаган даври муддатидан қатъий назар, бир миқдорда кексалик пенсияси тайинланган бўлса, янги қонунда эса кўп иш стажига эга фуқароларга пенсия таъминотида устунлик берилди. Мазкур қонунда пенсия миқдорини тайинлаш учун ойлик иш ҳақи даражаси мезон сифатида қабул қилинди.

Тўртинчи босқич 1991-2005 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўгрисида”ти қонунининг қабул қилиниши билан характерланди. Ушбу қонун ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бошқа метьёрий ҳужжатлар амал қилаётган пенсия таъминоти тизимининг ҳукуқий асосини ташкил этади. Бу қонуннинг моҳиятини пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ҳукуқий ҳимоялаш, пенсия миқдорини бевосита меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдорига боғлиқлигини таъминлаш ташкил этади. Мазкур қонуннинг негизи ва унинг бошқа собиқ Иттифоқ давлатларидан асосий фарқи пенсия ҳисоблаш схемасидир. Ушбу схема бўйича барча турдаги «пенсиялар уч қисмдан иборат бўлди»¹:

Биринчи қисм кафолатланган бўлиб, пенсиянинг таянч миқдорини ташкил этади. Бу қисм Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг талабидан келиб чиқсан бўлиб, пенсиянинг энг кам миқдори давлат томонидан белгиланади. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас². Иккинчи қисм – пенсия тайинлаш учун талаб этилган стаждан ортиқ бўлган ҳар бир тўлиқ йил учун пенсия миқдорини оширишдир. Бу қисмнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир шахснинг меҳнат стажи давомийлигини инобатта олиш имко-

¹ Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўгрисида»ти қонуни. 25-модда. Ўзбекистоннинг янги қонулари . 9-сон. – Т.: Адолат, 1995. -36.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 1992. -176.

нини беради. Учинчи қисм пенсияга қўшиладиган устама бўлиб, жамият олдида хизмат кўрсатган ёки соғлиги туфайли қўшимча ижтиё мой ёрдамга муҳтоҳ бўлган шахсларга берилади.

Янги қабул қилинган қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири, агар собиқ иттифоқ даврида пенсияларнинг беш тури мавжуд бўлган бўлса, энди пенсияларнинг куйидаги уч тури сақланиб қолинган: ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, бокувчисини йўқотганлик пенсияси. Қонунга мувофиқ, умуман меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга ижтиё мой пенсия ўрнига нафақалар тайинлаш кўзда тутилган. Кўп йиллик хизматлари учун бериладиган пенсиялар эса ёш бўйича тайинланадиган имтиёзли таркибга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Ахолини ижтиё мой ҳимояга муҳтоҳ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-куватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 27-моддаси 3-қисмида белгиланган чеклашлар 2002 йил 1 январда бекор қилинди. Мазкур моддага мувофиқ, ёш бўйича пенсия ҳамда 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари пенсияси уни ҳисоблаб чиқиш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг 75 фоизидан, 3-гуруҳ ногиронлар ва бокувчисини йўқотганлик учун оиласининг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига пенсия 40 фоиздан ошмас эди. Мазкур чеклашнинг бекор қилиниши ҳар бир фуқаро пенсия таъминоти даражасини унинг иш стажи давомийлигига боғлиқлигини кучайтириб, пенсиялар микдорининг ўсиши ва пенсия тўғрисидаги қонунларимиздаги ижтиё мой адолатлиликнинг оширилишини таъминлади. Республикамизда амал қилаётган пенсия тизими «авлодлар бирдамлиги» тизими бўлиб, 1991 йилда пенсия микдорини иш стажи давомийлиги ва ўртача ойлик иш ҳақига узвий боғлаш ҳамда маҳсус пенсия жамғармаси ҳисобидан тизимни молиялаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилинди. 90-йилларда пенсияга оид қабул қилинган қонулар пенсияни белгилаш ва тўлаш тартибига катта ўзгаришлар киритган бўлишига қарамай, у асосий муаммо – пенсия тизими молиявий таъминотини барқарорлаштириш масаласини ҳал қила олмади.

Амалдаги ижтиё мой суғурта тизимини бошқаришнинг ўта марказлаштирилганлиги, фонд шаклланишида суғуртанинг алоҳида шаклларини ажратиш ва автоном тизимда таъминлашни истисно қилувчи "умумий қозон" характеристири бугунги кунда тақсимлаш муносабатларини децентрализациялаш жараёни билан чуқур қарама-

каршиликка дуч келди.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг асосий сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларни бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувоғик кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиқкан ҳолда аҳамият қасб этади. Мамлакатлар узоқ муддатли истиқболда пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим қадамларни қўйдилар.

Юқоридагилардан холоса қилиб айтганда, пенсия таъминоти тизими олдида учта муҳим мақсад туради:

- фуқароларни кексайганда қашшоқлиқдан ҳимоялаш;
- меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан тўланадиган иш ҳақига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш;
- келажакда пенсия тизими орқали фуқаронинг турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

«Ижтимоий муҳофаза» атамаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг «Ижтимоий муҳофаза тўғрисида»ги конунида ишлатилган эди. Бу қонун кексалик, ўлим, ногиронлик ва ишсизликдан мажбурий сұғурталаш институти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Мазкур қонун мамлакат учун янгилик бўлган эди. Тез орада бу атама дунёнинг кўпгина мамлакатларида ва ХМТда кенг қўлланила бошланди, чунки у кексалар ҳамда меҳнатга қобилиятсизларга ёрдам бериш миллий дастурлари ва тизимларини ташкил этиш муаммосининг моҳиятини содда ва тушунарли тарзда ифодалаган эди. Кейинчалик ХМТ, Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг ижтимоий сұғурталаш ва ижтимоий ёрдам, ишлаётганларга меҳнатга қобилиятсизлик ҳолларида энг кам даромадларни кафолатлаш бўйича, шунингдек, меҳнат шароитлари ва уни муҳофазалаш, иш ҳақи соҳасидаги конвенциялар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул килиш чогида ушбу тушунчанинг доираси анча кенгайтирилди.

ХМТнинг бу соҳадаги "Ижтимоий таъминотнинг минимал мөърлари тўғрисида" 102-сонли Конвенция (1952); "Ижтимоий таъминот соҳасидаги тенг ҳуқуқлилик тўғрисида" 118-сонли Конвенция (1962); "Кекса меҳнаткашлар тўғрисида" 162-сонли Конвенция (1980); "Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни саклаш тўғрисида" 157-сонли Конвенция (1982), 167-сонли тавсияномалари (1983) ва бошқа халқаро

хужжатлар базаси сифатида ўрганилди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида ва ислоҳотларнинг чукурлашуви шароитида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни қўллашни талаб этди. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлатнинг мақсадли жамғармалари тизими фаолиятини йўлга кўйиш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш давлат молия, бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ёки бирор ижтимоий гурӯҳнинг, қоловерса, миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи жамият тизимининг муносабатларида ва Давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.

Пенсия таъминоти тизими ислоҳ қилинишининг асосий сабаби ҳам фуқароларнинг пенсия таъминотига оид мажбуриятларни бажариш учун давлатда молиявий ресурслар етишмаслигидир. Ҳозирги кунда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг мухимлиги фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Республикаизда пенсия тизими борасидаги муаммолар ва ислоҳ этишнинг объектив зарурати Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тараққий этиши жаҳон тажрибасини чукур таҳлил этишни, мамлакатда демографик вазиятнинг ўзгариб бориши эса мавжуд пенсия таъминотининг бозор моделини яратишни шарт қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимида вужудга келаётган муаммолар пенсия тизимини такомиллаштириб борища янги қонунчилик асосларини яратиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Республикаизда пенсия таъминоти тизимида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўплашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сонли «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2001 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пен-

сия жамғармасига айлантирилди. Бюджетдан ташқари пенсия фондинг даромадлари ва харажатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибиға кирилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солик қўмитасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўплаш ва маблағ тўлик тушиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Ушбу меъёрий ҳужжатга асосан, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вақтинча бўш ресурсларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидағи муддатли депозитларга ҳамда қисқа муддатли давлат облигацияларига жойлаштиришга рухсат берилади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида миллий, тарихий анъаналаримизни ҳисобга олиб, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда пенсия тизимини бошқаришининг янги бозор механизмини шакллантириш, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини ислоҳ этиш истиқболларини кўрсатиш иктисодиётни эркинлаштириш босқичидаги амалий ечимини кутаётган долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади. Давлат пенсия таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳалқаро андозаларга мувофиқ тарзда ривожлантириш қўшимча маблағлар талаб қилиниши боис, бу соҳанинг даромадларини шакллантириш ва харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

2.2. Бозор иктисодиёти шароитида Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари

Миллий пенсия тизими мамлакатнинг иктисодий-ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Бозор иктисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқаришнинг қисқариши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар сонининг ортиши ва бошқа қатор зиддиятли ҳусусиятлар фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини яратиш ва пенсия микдорини доимий равишда қайта кўриб бориш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Пенсия жамғармасининг

асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий таъминотга ва ижтимоий сугуртага бўлган хукукларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларининг маҳсус, мақсадли, бюджетдан ташқари ҳисобрақамларида давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни жамлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, шунингдек, ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тўлашга харажатларни малағ билан таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш бўйича қўйидаги функциялар юқлатилди¹:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари келиб тушиши ва уларни сарфлашнинг ҳар йилги ҳамда чораклар бўйича прогноз балансларини шакллантириш;
- пенсиялар, шунингдек, ижтимоий таъминот органлари томонидан тўланадиган нафақаларни ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш;
- пенсиялар, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тўлаш харажатларини маблағ билан таъминлаш;
- пенсиялар, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тўғри ҳисобланишини ҳамда уларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикасида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминоти тизимида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлик йиғилишини, аҳолини давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Пенсионерлар сони ва пенсия тўлаш харажатларининг 2004-2007 йиллардаги таҳлили

(млн. сўм)

Т.р Турли тонфадати пенсионерлар	Йиллар				2007 йил
	2004 йил	2005 йил	2006 йил	Контин- гент (Фу- каро) (сонча)	
Контин- гент (Фу- каро) (сонча)	Контин- гент (Фу- каро) (сонча)	Контин- гент (Фу- каро) (сонча)	Контин- гент (Фу- каро) (сонча)	Контин- гент (Фу- каро) (сонча)	Имадлик пенсия учун тўланган маблаг
1	Ишайдиган пенсионерлар- нинг жами	14281	25197,1	143489	38395,4
50 %					152,0
1.1.	микдорида пенсия олувчинар	10041	13689,4	95327	19336,2
100 %	микдорида пенсия олувчинар	42810	11507,7	48162	19059,2
					166,0
					56338
					27771,1
					145,7
					54248
					40613,4
					146,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолни ижтимоний мэҳофаза қилини вазирлиги маълумотлари.

Мазкур жамгарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларининг маҳсус, мақсадли, бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларида жамланади. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларининг раҳбарлари жамгарма маблағларининг тасарруфчилари ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат Пенсия жамгармасига мажбурий бадаллар ва ажратмалар йигилишини таъминлашни, шунингдек, ушбу маблағларнинг жамгармага тўлиқ тушиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасидаги солиқ органлари амалга оширади”¹.

Жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтоҷ, кам таъминланган, меҳнатга яроксиз аъзоларининг ва болали оиласаларнинг турмуш даражаси пасайишининг олдини олишдан иборат зарурият юзага келди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали тизими бундай ҳимояга бевосита муҳтоҷ фуқаролар тоифасигагина эмас, балки иқтисодиётни энг юқори даражада ривожлантириш, жамиятнинг меҳнатга ярокли ҳар бир аъзосининг меҳнатини рағбатлантириш, ишлаб, пул топишни истайдиган ва топа оладиган шароит яратишга ҳам мўлжалланган.

2.3.Пенсия жамғармасининг даромадлари ва шаклланиш механизми

Давлат бюджетининг тўғри ва оқилона бошқарилиши нафакат мамлакатнинг макроиктисодий барқарорлигини таъминлашга, балки хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятига ва аҳоли турмуш даражасига ҳар томонлама таъсир этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий юксалишига ҳам хизмат қиласи. Ижтимоий сиёsat ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқиласи.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 498-сон «Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида Карори 4-банди. //Халқ сўзи, 2000 йил 23 декабрь.

Иқтисодий қонун ва таърифлардан маълумки, давлатнинг мақсадли жамғармалари давлат молиясининг муҳим бўғини ҳисобланади. Шунингдек, улар бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойили – кучли ижтимоий сиёсатни кўллаб-кувватловчи кучли омил сифатида мамлакат иқтисодиётидаги фаолият кўрсатади. Республикаизда аҳолининг турли қатлами учун ҳар қандай шаклдаги ижтимоий ҳимояни таъминлашда, пенсия таъминотини такомиллаштиришда, давлатнинг ижтимоий сиёсатини олиб боришда ҳамда ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришда доимо муайян миқдордаги пул маблагларидан мақсадли фойдаланиш тақозо этилади.

Молиявий муносабатлар вужудга келишининг дастлабки кўриши ЯИМнинг бирламчи тақсимланиш жараёни бўлиб, бунда пул даромадлари ва жамғармаларининг турли шаклларини вужудга келиши содир бўлади. ЯИМ нинг хўжалик субъектлари ўртасида кейинги қайта тақсимланиши ва ундан мақсадли фойдаланишнинг аниқлаштирилиши эса молия негизида амалга оширилади. Молиявий ресурслардан маҳсус мақсадларга мўлжалланган пул фондлари орқали фойдаланилади. Ҳар қандай эҳтиёжни қондиришни иқтисодий имкониятлар билан бевосита боғлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш ресурсларини ривожланишнинг асосий йўналишларини таъминлаш мумкин бўлади. Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли категорияларини муҳофазалаш шакллари ҳақида гап боргандага, ижтимоий муҳофазани амалга оширишда бюджетдан ташқари пул фондларидан кенг фойдаланишини таъкидлаш зарур.

Давлатнинг ижтимоий пул фондлари бозор тамойиллари асосидагина эмас, балки мазкур жамият учун энг мақбул бўлган ижтимоий адолат тамойилларига кўра, аниқ мақсад учун жамланади. Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли ижтимоий фондлари икки хил йўл билан шакллантирилиши мумкин:

- ❖ юқори бюджетдан дотация ажратиш;
- ❖ мақсадли пул фондларининг даромад манбалари ҳисобидан шакллантириш.

Хозирги кунда республика ижтимоий ҳаётидаги асосий молиявий институт Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси иқтисодиётнинг таянч бўгинидир. Аҳолининг кам таъминланган, иқтисодий ёрдамга муҳтоҷ қатламини ижтимоий ҳимоя қилишдек масъулиятни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу жамғарманинг буғунги кундаги аҳамияти юксакдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 744-сон Қарорида мажбурий тўловлар ва ажратмаларнинг миқдорини ўзгариши берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма»га тушадиган маблағлар учун белгиланган ставка 2005-2006 йилларда 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 0,3 фоизни ташкил этди, 2008 йилда ўзгаришсиз қолди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушадиган маблағлар учун ставка 2007-2008 йилларда 23,5 фоизни ташкил этди, 2009 йилда 23,6 фоиз қилиб белгиланди.

5-жадвал.

**2005-2008 йилларда юридик шахсларнинг иш ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов тартиби салмоғи
(фоизда)**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2005	2006	2007	2008	2009
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси	31,0	25,0	24,0	24,0	24,0
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	30,0	24,2	23,5	23,5	23,6
Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма	0,5	0,5	0,3	0,3	0,2
Касаба уюшмалари Федерацияси	0,5	0,3	0,2	0,2	0,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-2008 йил декабрдаги Қарорлари.

Республикамизда яратилаётган ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари ва давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар миқдори нисбати унчалик катта кўрсаткични ташкил этмайди. Лекин аҳолининг даромадлилик даражаси юқори бўлмаган республикамизда бу кўрсаткичлар аҳолининг айрим қатлами учун оғирлик қиласди. Шунинг учун юридик шахсларнинг иш ҳақи жамғармасидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов миқдори камайиб бормоқда.

Пенсия фонди давлатнинг мақсадли жамғармалари таркибида салмоқли ўрин эгаллайди. Кейинги йилларда мазкур фонднинг даромади ва харажати таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, «1994 йил бюджетдан ажратилган трансферт тўловлари пенсия фонди даромадларининг 21,3 % ни қоплаган бўлса, 2000 йилга келиб 3,5% ни қоплади. 2000 йилда давлат томонидан бюджетдан молиялаштириладиган соҳалардаги минимал иш ҳаки, пенсия миқдори, ижтимоий тўловлар ва нафақалар миқдори икки марта оширилиши билан 2000 йил Пенсия фонди дефицитини қоплаш учун Давлат бюджетидан 7,9 млрд. сўм маблағ ажратилди»¹.

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Пенсия фондининг 2007 йилги харажатлари 1840,5 млрд. сўмни, даромадлари эса 1881,6 млрд. сўмни ташкил этди. Жумладан, ягона ижтимоий тўлов, бадаллар, ажратмалардан 1640,4 млрд. сўм маблағ тушди»². Бюджетдан ташқари Пенсия фондига Республика бюджетидан 2005 йилда 28564,0 млн сўм, 2006 йилда 50000,0 млн сўм, 2007 йилда 45000,0 млн сўм, 2008 йилда 65000,0 млн сўм дотация ажратилди. Жамғарма ўз фаолияти учун зарур бўлган даромадларни етарлича шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, Пенсия фондини даромад билан таъминлашда асосий оғирлик мулкчиликнинг турли шаклларидағи корхоналар ва муассасалар (94,5%) зимасига тушмоқда. Аҳоли маблағи эса Пенсия фонди даромадлари таркибига жуда кам (5,5%) жалб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига, “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон “Бюджетдан ташқари пенсия фондининг маблағларини шакллантириш ва ишлатилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига асосан Бюджетдан ташқари Пенсия фондига давлат суғуртаси бадалларини, мажбурий тўловларни ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича меъёрий хужжат ишлаб чиқилди.

¹ Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидағи южтимоний фонdlар. Т.: Шарқ. 2003. №7. -320 б.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроинкстисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 744-сон Қарорига асосан. <http://www.pottpa.uz>.

б-жадәвал.

Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармасига берилган дотациялар тахлили

(млн. сўм)

Даромадлар	Йиллар									
	2004 йил мисодори %	2005 йил мисодори %	2006 йил мисодори %	2007 йил мисодори %	2008 йил мисодори %	2008 йил мисодори %				
Давлат бюджети (максадли жамғармаларсиз)	2621300,0	100	3353100,2	100	3992207,6	100	5100867,9	100	7108257,4	100
Цу жумладан:										
Республика бюджети	1485506,17	56,7	1881089,2	56,1	2315480,0	58,0	2785073,8	54,6	3979762,8	55,9
Бюджетдан ташкари	-	-	28500,0	0,8	50000,0	2,0	45000,0	0,8	65000,0	0,8
Пенсия жамғармасига дотация	1135793,83	43,3	1472011,0	43,9	1676727,1	42,0	2315794,0	45,4	3128494,6	44,1
Макалий бюджет										

Манба: Узбекистон Республикаси Молия вазирини жаъномотлари.

«Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига кўра, жамғарма маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишини назорат қилиш Молия вазирлиги ва унинг худудий органларига юклатилди. Пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафакаларни етказиб берувчи Халқ банки бўлимлари ва «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг жамғарманинг шу мақсадларда ҳисобрақамларга ўтказиладиган маблағлари ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ тўланишида масъулияти оширилди.

Куйидаги жадвалда қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантиришининг асосий манбалари тўғрисида маълумот берилган.

7-жадвал.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантиришининг асосий манбалари

Т.р	Манбалар турлари
1	Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг, шунингдек, дехкон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий сугурта бадаллари
2	Фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари
3	Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг хақиқий хажмидан мажбурий ажратмалар
4	Муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар
5	Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар
6	Сугурта бадаллари ўз вақтида тўланмаганилиги ва маблағ ажратилмаганилиги учун хисобланган жарималар ва пенялар
7	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Мазкур Қарорга асосан сугурта бадалларининг микдори тўловчиларга солиқ органлари томонидан етказилади ва Пенсия фондига тў-

ланадиган мажбурий тўловлар соликлар ва йиғимларга тенглаштирилади. Бюджетдан ташқари Пенсия фондининг даромадлари ва харажатлари ҳар йили жамланган бюджетнинг таркибига киритилади. Иш ҳақи фондидан ажратмалар ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоботлар ҳар чорақда солик инспекциясига топширилади. Иш ҳақининг иккинчи ярми тўланадиган кунда пенсия ва нафақалар ҳам тўланади.

8-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси
даромадлари ва харажатларининг ўзгариши
(2004-2008 йиллар)**

(млн. сўмда)

Даромадлар	Йиллар				
	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
	744660,4	925791,3	1108887,3	1267766,7	1420518,2
Йил бошига қолдик	4094,6	3285,7	22117,5	49421,2	75356,4
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов (23,5)	586141,0	743825,0	886661,6	998881,4	1106047,8
Фукароларнинг мажбурий бадаллари (2,5)	51553,7	65110,9	77225,8	86751,2	95783,9
Сотилган маҳсулотлар хажмидан мажбурий ажратма (0,7)	90477,0	99886,6	108077,3	116723,4	126061,3
Бошқа даромадлар	12394,1	13683,1	14805,1	15989,5	17268,7
Харажатлар	741374,6	903673,9	1059466,1	1192410,3	1320047,5
Ишламайдиган фукароларга пенсиялар	669191,8	815932,1	957084,8	1077941,7	1194233,6
Ишлайдиган фукароларга пенсиялар	26061,0	31747,0	37101,3	41522,2	45674,4
Ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақа, дағи маросими нафақалари	43041,7	52242,5	60894,9	68038,7	74741,0
Бошқа харажатлар	3080,2	3752,3	4385,1	4907,6	5398,4
Йил охирига қолдик	3285,7	22117,5	49421,2	75356,4	100470,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси маълумотлари.

Келтириб ўтилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари 2004-2008 йилларда ўсан. Пенсия жамғармаси даромадлари 2004 йилда 744660,4 млн. сўмни, 2005 йилда 925791,3 млн. сўмни, 2006 йилда 1108887,3 млн. сўмни, 2007 йилда 1267766,7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 1420518,2 млн. сўмни ташкил қилган. 2008 йилги Пенсия жамғармаси даромадлари таркибида энг катта улушни юридик шахслар иш ҳақи фондидан ажратмалар (1106047,8 млн. сўм, яъни 77,4 фоизни) ташкил этади. Бошқа даромадларнинг Пенсия жамғармаси даромадларидаги улуши 0,02 фоизга teng. Фуқароларнинг мажбурий бадалларининг улуши 6,7 фоизни ташкил этади. Сотилган маҳсулотлар ҳажмидан мажбурий ажратма улуши 8,9 фоизга teng.

Пенсия жамғармаси харажатлари 2004 йилда 741374,6 млн. сўмни, 2005 йилда 903673,9 млн. сўмни, 2006 йилда 1059466,1 млн. сўмни, 2007 йилда 1192410,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 1320047,5 млн. сўмни ташкил қилган. 2008 йилги Пенсия жамғармаси харажатлари таркибида энг катта улушни ишламайдиган фуқароларга тўланадиган пенсиялар (1194233,6 млн. сўмни, яъни 90,0 фоизни) ташкил этади. Ҳомила-дорлик ва туғищ, бола туғилганда бериладиган, дафн маросими нафақаларининг Пенсия жамғармаси харажатларидаги улуши 0,06 фоизга teng. Ишлайдиган фуқароларга бериладиган пенсияларнинг улуши 0,03 фоизни ташкил этади, бошқа харажатлар улуши 0,01 фоизга teng.

«Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаб чиқиши ва тўлаш тартиби бузилганда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазолар кўлланилади. Жумладан, тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня ҳисобланади, айборд мансабдор шахсларга нисбатан эса амалдаги қонун хўжжатларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик чора-тадбирлари кўлланилади».¹

Кейинги йилларда Пенсия жамғармаси даромадининг шаклланишида бадаллик тўловини тўлаш интизомининг бузилиши ва Пенсия жамғармаси харажатларида эса Пенсия жамғармаси бошқарув аппарати органларининг таъминлаш соҳасига сарфланадиган маблаглар-


¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 15 ноўбрдаги «Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташкири Пенсия жамғармаси маблагларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги 498-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 18-бет.

нинг кўпайиши, ҳарбий хизматчиларга тўланадиган пенсия ва нафақаларнинг улуши ортиб бориши кузатилмоқда. Шу билан биргаликда меҳнатга лаёкатли ишсиз ахолини чет эл мамлакатларига шартномалар орқали жўнатиш ва ишлаган вақтида топган даромадидан Пенсия жамғармасига бадал тўлашдаги иштирокини таъминлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда жамғарманинг вақтинча бўш ресурсларини тижорат банкларидағи муддатли депозитларга ҳамда қисқа муддатли давлат облигацияларига жойлаштириш ишларини янада тезлаштириш керак.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, «молиявий ресурслардан фойдаланиш Пенсия жамғармасига йигилган пул фонdlари орқали амалга оширилади. Фонд шакли афзалликларига ҳар қандай эҳтиёжни қондиришни иқтисодий имкониятлар билан бевосита боғлаш, ресурсларни ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожланишнинг асосий йўналишларида жамлашни таъминлаш, жамият, жамоа ва шахсий манбаатларни бир-бири билан тўлароқ мувофиқлаштириш имконияти киради»¹.

Фонднинг мавжуд бўлиш манбаларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги давлат томонидан белгиланадиган мажбурий бадаллар ҳисобига шаклланади ва фаолият кўрсатади.

1-диаграмма.
Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари
(млн.сўмда)



¹ Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. Т.: Шарқ. 2003. №7. -326.

Бюджет харажатларини даромаддан ошиб кетиши молиявий ресурсларни фақат қидириб топиши эмас, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолидан тушган маблағларни қайта гурухлашни ҳам талаб этади. Пенсия фондини ташкил этиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгиларидан бири десак, муболага бўлмайди.

«Давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Бюджетдан ташқари фондлар – Россия Федерацияси субъектлари ва маҳаллий бюджетларнинг бюджетдан ташқари шаклланадиган пул маблағлари бўлиб, фуқароларнинг пенсия таъминоти конституцион ҳукуқларини таъминлаш, ижтимоий таъминот, соглиқни сақлаш, тиббий ёрдам, шунингдек, бюджетдан молиялаштириладиган бошқа умунижтимоий эҳтиёжлар харажатларига йўналтирилади».¹

«Россия Федерациясининг Пенсия фонди–мақсадли ижтимоий фондлар ичida энг йиригидир. Россия Федерацияси Пенсия фондининг асосий вазифалари мустақил молия-кредит ташкилоти сифатида қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ажратмаларни тўплаш ва жамгарманинг маблағларини мақсадли ишлатишдан иборат»².

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси», «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» каби ижтимоий жамғармалари моҳияти жиҳатидан соғ давлат фондлари эмас, чунки улар аралаш хусусиятга эга, шаклланиш манбаларига кўра корхона ва муассасалар ажратадиган маблағлардан иборат бўлади, марказлашган ҳолда ва давлат назорати остида жамғарилади, давлат томонидан ўрнатилган коидаларга мувофиқ тақсимланади. Бироқ уларнинг шаклланиши ва тақсимланишида касаба уюшмалари сингари нодавлат ташкилотлари ҳам иштирок этади. Бюджетдан ташқари давлат жамғармалари аралаш характерга эгалиги уларни ҳам бир бутун ҳолда, ҳам алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши талаб этади.

Иқтисодчи К.Абдураҳмоновнинг фикрига кўра, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида самарадорлик ва ижтимоий адолат ўртасидаги мувозанат амалга оширилади. Бу сиёsat бир томондан, ҳаддан ташқари самарадорликка интилишни адолатли чеклаш ҳисобига юмшатади, бошқа томондан, адолатга риоя қилган ҳолда самарадорликни оширади. Ҳар бир жамиятда даромадлар сиёсати

¹ Мыслиева И.Н. Государственные и муниципальные финансы: Учебник. Москва: ИНФРА-М. 2003. -210 стр.

² Федеральный закон О бюджете Пенсионного фонда Российской Федерации на 1999 год. 30.03.1999 год. №56 -ФЗ.

Конституция ва унга тенглаштирилган қонуний хужжатларда белгиланган қуидаги тамойиллар асосида юритилади:

- ✓ пенсия тизимида ижтимоий адолат;
- ✓ ижтимоий ҳамкорлик ва аҳолининг барча қатламларининг бирдамлиги;
- ✓ ўз моддий аҳволи учун шахсий масъулият;
- ✓ меҳнат ҳукуки ва уни муносиб рағбатлантириш;
- ✓ касбий уюшмалар ҳукуки.

«Минтақанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг мавжуд йўлларидан бири – корхоналар, ташкилотлар, колективлар ва бошқа бюджетдан ташқари муассасалар маблағларини концентрациялашдир. Бугунги кунда маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг маблағларини бирлаштиришга зарурият туғилганлиги сабабли ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун бу маблағларни бирлаштириш долзарб масала ҳисобланади».¹

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини таъминлаш усуллари ва унинг таркиби республикамиизда авлодлар бирдамлиги пенсия тизими сақланиб колаётганлиги ва ривожланётганлигини билдиради. Ўзбекистонда авлодлар бирдамлиги тизими аҳолининг айрим қатламлари томонидан адолатли тизим сифатида қабул қилинмоқда. Мазкур тизимда ишлаётган авлод ўз меҳнати натижаларини қайта тақсимлаш ҳисобига пенсионерларни таъминлаб турибди.

2.4. Пенсия жамғармаси харажатларининг таркиби

Бугунги кунда мамлакатнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар биринчи даражали аҳамиятга кўтарилимоқда. Бюджетдан ташқари фонdlар марказий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифодалайди. Бундай масалаларни ҳал қилишда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ўрни бениҳоя катта бўлмоқда.

Мақсадли жамғармалар молиявий захиралар ролини бажариш орқали республика ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан молиявий қийинчиликлар сезилган ҳолларда бундай жамғармалардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоқда. Щунинг учун ҳам бугунги кунда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ривожланиши-

¹ Полик Г.Б. Территориальные финансы. Учебное пособие. – Москва. ЮНИТИ. 2003. -264 стр.

ни таъминловчи иқтисодий рағбатлантириш механизми такомиллаштирилмоқда.

Куйидаги жадвалда қонун хужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берилган.

9-жадвал.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг асосий йўналишлари

T.р	Харажатлар йўналишлари
1	Фуқароларга ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланадиган пенсиялар
2	Болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти хуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёкатсиз фуқароларга нафақалар
3	Вактингча меҳнатга лаёкатсизлик учун нафақалар, ҳомиладорлик ва тугиш нафақалари
4	Корхона тутатилганда, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига учраган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга зарарни қоплаш учун тўланадиган тўловлар
5	Бола түғилганда бериладиган нафақалар
6	Дағн маросими нафақалари
7	Вояга етмаган ногирон боланинг ота-оналарига қўшимча тўлов
8	Қонун хужжатларига мувофиқ Пенсия жамғармасидан маблағ билан таъминланадиган бошқа ижтимоий тўловлар


Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 12-бет.

Ижтимоий таъминот вазирлиги келгуси йил учун Жамғармадаромадлари манбалари ва харажатлар йўналишлари бўйича Давлат Солик қўмитаси билан келишилган прогнозни ҳар йили 24 июлгача кўриб чиқиш учун Молия вазирлигига тақдим қиласди. Аҳолининг муҳтоҷ қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни аниқ тартибда қайта тақсимлаш зарурияти келиб чиқади, бундай қайта тақсимлашнинг молиявий воситаси бюджетдан ташқари фонdlар ҳисобланади. Кучли ижтимоий сиёsat мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан гина иборат эмас. Бу, энг аввало, сермаҳсул меҳнат қилиш учун

яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига кафолатли хукукни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқа мақсадли жамғармаларга нисбатан самаралироқ фаолият олиб бормоқда. Бу ҳолатни шаклланадиган даромад таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни кучайтиришдаги қатор ижобий ўзгаришларда кўришимиз мумкин.

2-диаграмма.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари (млн.сўмда)



Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади”¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 40-бет.

Асосий таянч тушунчалар

Пенсия, молиявий муаммолар, жамият эҳтиёжлари. маъжбурий бадаллар, ижтимоий фонdlар, иқтисодий фонdlар, ягона ижтимоий тўлов, давлат мақсадли жамгармалари, пенсионерлар, имтиёзли пенсия, Пенсия жамгармаси харажатлари, сугурта тизими, Пенсия жамгармаси даромадлари, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий муаммолар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. «Пенсия» иқтисодий категориясига таъриф беринг.
2. Пенсия таъминоти тизимининг тарихини айтиб беринг.
3. Пенсия жамгармасининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. «Ижтимоий хавф-хатар» категориясининг моҳиятини тушуништиринг.
5. Республикаизда юридик шахсларнинг иш ҳақи жамгармасидан ягона ижтимоий тўлов микдори 2009 йил учун қанча белгиланган?
6. Пенсия жамгармаси фаолиятининг ҳозирги замон молиявий муаммолари нималардан иборат?
7. Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасини шакллантиришнинг асосий манбалари нималардан иборат?
8. Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси харажатларининг асосий йўналишларини кўрсатинг.
9. Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси даромадлари дина-микасини гурухларга бўлиб, таҳлил қилинг.
10. Республикаиздаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда Пенсия жамгармаси фаолиятини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш.

ІІІ БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

3.1. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш йўллари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланган давлатлар даражаси томон тараққиётини таъминлаш пенсия таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этадики, у ижтимоий сугурта функциясини бажаради ва нодавлат муассасалар ролини оширишни, шу билан бирга, мажбурийлик ва бирдамлик шартлари сақланиб қолишини тақозо этади. Бунда пенсия сугуртаси тизимининг ислоҳотлари амалдаги пенсияларни молиялаштириш тамойилидан меҳнатқашларни мажбурий пенсия жамғармалари ҳисобидан молиялаштиришга ўтилиши билан бирга бориши лозим.

Ижтимоий пенсия тизимининг такомиллаштиришга муҳтоҷ жиҳатлари қаторига ташкилий ва молиявий масалалар ҳам киради. Пенсия тизимини номарказлаштириш ва бозор иқтисодиётига хос тизимини шакллантириш меҳнат қобилиятини йўқотишни молиявий қоплаш тизимни ишлаб чиқиш билан биргаликда сифатли ижтимоий хизматларни таъминлаш ва ижтимоий инфратузилмани вужудга келтиришни тақозо этади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат томонидан жамият эҳтиёжларини мустақил, комплекс равищда харажат қилиш учун жалб этилган маблағларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлардир. Мамлакатда бугунги кунда амалга оширилган чора-тадбирлар пенсия тизимининг кўйидаги молиявий муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш имконини бермаялти:

- пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни ўз вақтида тўламаслиқ;
- пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадга мувофиқ бўлмаган нафакалар тўлаш амалиётининг давом этаётганлиги;

- имтиёзли пенсия олувчилар сонининг ортиб бораётганлиги;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони ортгани билан, уларнинг жамғармада кам иштирок этाइтганлиги;
- меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси мазкур жамғарма маблағларини шакллантиришда иштирок этмаётганлиги.

Хорижий мамлакатлардаги моделларда бюджетдан ташқари пенсия фондлари жамғарив бориладиган хусусий пенсия тизими, давлат ижтимоий сугурта фондлари, мажбурий тиббий сугурта фондлари, аҳоли бандлиги фондлари кўринишида ифодаланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг пенсия тизимидағи асосий муаммолари бир хил: улар пенсияга чиқиш ёшининг барвактлиги, бюджеттега даромадларнинг тўлиқ тушмаслиги, пенсия тўловлари учун харажатларнинг катталиги, имтиёзли пенсияларнинг мавжудлиги, пенсияларга инфляциянинг таъсиридан иборат. Аҳолининг қариши, туғилишнинг камайиши каби демографик муаммолар аҳолининг фаол қисми билан пенсионерлар ўтрасидаги нисбатнинг бузилишига олиб келса, инфляциянинг юкори даражаси ишсизликнинг кўпайиши, давлат бюджети тақчиллиги каби иқтисодий омилларга кучли таъсир этади.

Маълумки, пенсия тўловлари «авлодлар бирдамлиги» тамойилига асосланган, яни пенсиялар ишлаётганларнинг бадаллари хисобига тўлаб борилади. Шунинг учун пенсионерлар ва ишлаётган фуқаролар сони ўртасида маълум бир мувозанат бўлиши керак. Лекин республикамиздаги демографик ҳолат ва ишсизлар сонининг ортиб бориши натижасида келажакда бу мувозанат бузилиши мумкин.

Мустақилликка эришган мамлакатлар пенсия тизимида ўтказилаётган ислоҳотларга ёрдам бериш мақсадида Лондондаги иқтисод мактабида Пол Жонсон томонидан компьютерда ушбу тизими такомиллаштиришнинг модели яратилди. Бу модел Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожлантириш институтини консультантлари томонидан Қозоғистон Республикасида синааб кўрилди. Такдим қилинган модел ёрдамида 1995 йилдан 2075 йилгача йиллик прогнозлар қилинди, ушбу модел ёрдамида ҳар хил параметрлар ва комбинациялар билан келгуси даврлар учун хulosалар қилиш имкони яратилади.

Мазкур модел иккиласи пенсия фондларини жалб қилиш йўли билан пенсия тизимини фундаментал қайта куриш йўлини кўрсатди. Моделда Жаҳон банки маълумотлари асосидаги аҳоли

таркиби ўзгармас элемент бўлади. Пенсионерларнинг умумий сони, бадал тўловчиларнинг сони, ўртacha иш ҳақи, ўртacha пенсия миқдори, пенсияни молиялаштириш учун керак бўладиган ажратмалар ставкаси ўзгаради. Агар шу параметрлар ҳар йилга киритилса, 2075 йилгача бўлган давр учун таҳлил натижаларини олиш мумкин.

Мазкур моделда хулоса сифатида ҳар йилги пенсия тизимини молиялаштириш учун керак бўладиган бадал ставкалари, пенсионерлар билан бадал тўловчилар ўртасидаги муносабат, ҳар йилги пенсияларнинг бошлангич йилдаги пенсияга нисбатан реал қиймати, ҳар йилги давлат, хусусий ва комбинациялашган тизимдаги ўртacha пенсия миқдори, бадал ставкалари каби маълумотлар аникланади. Шу ўринда Жаҳон банки мутахассисларининг баъзи таклифлари асосида пенсия ёшини аста-секин эркаклар учун 65 ёшга, аёллар учун 60 ёшга кўтариш кўзда тутилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ривожланган мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасаруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти ҳам мавжуд бўлган. Унинг зарурлиги куйидаги икки асосий сабаблардан келиб чиқади.

Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасаруфидан мустақилроқ бўлиш имконини бериш билан бир қаторда, уларга ўз ҳаётларини фаровонлаштириш, шу жумладан, ижтимоий жиҳатдан таъминлашиш борасида катта масъулият юклайди.

Иккинчидан, ҳар бир давлатнинг, у қанчалик ривожланган ва бой бўлишидан қатъий назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни, улар меҳнат қобилияtlарини йўқотгунларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди. Амалдаги пенсия тизими кескин ислоҳотларни жадал давом эттириш, Пенсия жағармаси балансида юзага келадиган тақчилликни бартараф қилиш ва ижобий қолдиққа эришиш имкониятларини беради.

Кўпгина мамлакатлар ўтиш даври иқтисодиётида бир қатор пенсия ислоҳотларини амалга оширилар. Чехияда пенсия билан таъминлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари заарли ва оғир меҳнат учун имтиёзларни бекор қилиш, иш юритувчиларнинг

сугурта қилинган бадалларига құшимча бадаллар киритиш, тұланған бадаллар ва олинган пенсиялар ўртасидаги алоқаны күчайтириш, күп режали сугурта тизимини ривожлантириш, индивидуал пенсия режалари имкониятларини кенгайтириш, пенсия ёшини эркаклар ва аёллар учун 2015-2020 йилларда 65 ёшгача оширишдан иборат әди. «Қозоғистонда амалга оширилаётган пенсия ислоҳотлари тезкор, кескин ва самаралилиги билан ажралиб туради. Ислоҳотлар натижаси билан тизим таркиби уч йил давомида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Давлат пенсия ислоҳотларини мақсадли йўналтиришга интилса ва эътиборни уни амалда татбиқ этишга қаратса, халқаро техник ёрдам ташкилотлари (USAID) ва халқаро кредит агентликлари билан ҳамкорликдан қандай натижаларга эришиш мумкинлигини ифодалайди»¹. Айни пайтда пенсия ислоҳоти бўйича эришилган ютуқлар, шунингдек, у билан боғлиқ муаммолар ва келажақда юзага чиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар муҳокама қилинмоқда.

XIX асрнинг 90-йиллари ва XX асрнинг 20-йиллари охиригача бўлган даврни пенсия тизими ривожланишининг биринчи босқичи дейиш мумкин. Дастрлабки пенсия жамғармалари сугурта бадаллари кўринишида шаклланган. Ишловчининг сугурта бадалларини тўлаш имконияти унинг бу тизимда иштирок этишини таъминлаб берган. Шу туфайли унда иштирок этиш фақат ишлайдиган эркаклар ва уларнинг оила аъзолари билан чегараланган. Шундай қилиб, пенсия олиш ҳукуки сугурталанган шахснинг бадаллар тўлашининг аниқ шартлари билан узвий боғланган ҳолда тизимнинг қамраб олиш соҳаси чекланган бўлиб, тўланадиган пенсия миқдори юқори бўлмаган.

Биринчи босқичнинг муҳим жиҳати, ўзаро ёрдам ва фуқароларга тибий хизмат кўрсатилиши бўлди. Бу борадаги тарихий қадам XIX асрнинг охирида қўйилди, яъни Бисмарк бошқараётган Германия ҳукумати саноатда ишловчилар учун мажбурий ижтимоий сугурта тизимини киритди. Бу тизим касаллик бўйича (1883й), ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар рўй берган ҳолатларда (1884й), ногиронлик ва қариллик (1889й) бўйича таъминотларни ўз ичига олди (LAYG)².

¹ Павлов С. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. // Вестник Казахстана. Алматы. 2005. №7. -Зстр.

² Қарант: Reichsgesetz betreffend die inylalidits und Alterssicherung vom 22.06/1889-(LAYG). Ногиронлик ҳолатида ва қариллик бўйича таъминотта оид Рейх конуни. У агар ишчи ногирон бўлиб колса ёки кариса, пенсияга даъвогарлик килиш ҳукукини беришни кўзлаган.

Германиянинг пенсия тизимиға оид қонун хужжатларида пенсия миқдорининг ҳисобланishiға алоҳида эътибор берилади. Қисқа қилиб айтганда, ойлик пенсия миқдорини фонд даромадларига тўланган взноста боғлиқлигини кўйидаги формулада кўриш мумкин.

Пенсия миқдори =
суғурта бадалларининг коэффициенти x пенсия
турларининг омиллари x ёш омили x ойлик пенсиянинг
хозирги қиймати

«Ҳар йили суғурта биографиясида ишловчилар суғурта взнослари билан «пенсия коэффициентлари»га эришадилар. Йиллик иш ҳақи билан пенсия ҳисоб рақамиға тўланган йиллик взнослар нисбати аниқланади. Пенсия ёшига етганда индивидуал пенсия миқдорини белгилашда йиллар бўйича фондда жамғарилган маблағлар асосий кўрсаткич ҳисобланади»¹. XX асрнинг бошларида Германия тажрибасида жиддий ижтимоий муаммолар пайдо бўлган ишчилар синфининг ўсиб бораётган талаблари билан тўқнаш келган бошқа Европа мамлакатларига мурожаат қилдилар.

Фарб мамлакатлари аста-секин ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириб бордилар. 1919 йилдан бошлаб Англо-Саксон ва Скандинавия мамлакатлари миллий қонунчилигига қарилек бўйича нафақа, кўзи ожизларга ва баъзи ҳолларда меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ёрдам билан таъминловчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи беғараз тизим киритилди. Европада 30-йилларгача қўлланилаётган ижтимоий таъминотнинг мажбурий тизимини қамраб олиш даражаси нисбатан паст бўлди, хусусан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган шахслар, уйда ишловчилар, уй хизматчиси ва оқ ёқалилар унинг ҳаракат доирасидан чиқариб ташланди. Кимнинг иш ҳақи маълум миқдор даражадан ошмаса, шу ишловчиларга мажбурий ёрдам кўрсатилган. Пенсия тизими томонидан касаллик бўйича кўрсатиладиган тиббий ёрдам диапазони ва нафақа миқдори нихоятда чегараланганди эди. 30-йиллар бошида жаҳонда юз берган иқтисодий инқизороз ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ривожланишида янги даврни бошлаб берди, ижтимоий қонунчиликнинг ҳаракат доирасини кенгайтиришга турткни бўлди ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий жараёнларига аралашувини тақозо эта бошлади. Шу тариқа ижтимоий пенсия таъминоти-

¹ Калдыбекова К., Мика Т., Родионова Н. Пенсии переселенцам в Германию вчера и сегодня. // Социальный вестник. Москва. 2008. №1. -52стр.

нинг миллий тизими тўла шакланиб, ижтимоий ҳимоя тизими ривожланишининг иккинчи босқичига ўтилди. Иккинчи босқичнинг муҳим хусусияти, ҳукмрон доиралар стратегияси ишчилар ҳаракати билан муносабатда ижтимоий ҳамкорлик томонига бурилди ва ижтимоий ҳимоя тизими эволюциясининг иккинчи босқичи жамоавий-шартномали деб аталди. Мазкур шартномага мувофиқ давлат ногиронлар, ишсизлар ва қарияларнинг ижтимоий таъминотини молиялаштиришда қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Ижтимоий пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнида ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси учун молиялаштириш манбалари шакллантирилиб борилди. Ижтимоий пенсия тизимини шакллантиришнинг дастлабки босқичидаёқ, пенсия олувчи шахсларнинг ўзлари бадал тўлай бошладилар. Ишловчиларга тўланадиган пенсия уларга бериладиган ёрдам эмас, балки уларнинг ҳукукларини рўёбга чиқариш шаклидир. Жамғаридар борилган бадаллар эса нафақа олувчининг моддий аҳволини яхшилаш учун олинган маблағдир. Фуқаролардан олинадиган мажбурий бадаллар уларни келажаклари учун жамғарма йигишга рағбатлантириди. Ижтимоий пенсия таркибида индивидуал жамғармалар салмоғи асосий ўринни эгаллай бошлади. Шунингдек, бадалларни тўлаш ушбу тизимда қатнашаётган шахсларга ижтимоий пенсия дастурини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берди.

Польшада 1994 йилда турли хил мутахассисликда ишлаётган шахслар томонидан олинадиган пенсиялар миқдоридаги фарқларни бекор килишни кўзда тутувчи пенсияларнинг янги формуласи жорий этилди. Даромадлар асосини ҳисоблаётгандан ишлатиладиган иш стажи оширилди, максимал пенсия миқдори камайтирилди. Руминияда 1992 йилда эрта пенсияга чиқиши кўзда тутадиган мутахассисликлар бўйича ишлаётган шахсларнинг бадал ставкаси оширилди. Болгарияда ҳам 1991 йилда эрта пенсияга чиқиши ҳуқуқини берадиган шахслар учун бадал ставкаси, 1992 йилда пенсияга чиқишининг минимал ёши оширилди. Эрта пенсияга чиқиши ҳуқуқига эга бўлган ишчилар сони қисқартирилди, ушбу тадбирлар орқали пенсия ёшидаги кишилар ҳам ишлашни давом эттирилар. Венгрияда 1992 йилда бадалларнинг энг юқори чегараси белгиланди, бадаллар киритиладиган минимал муддат оширилди. Пенсияларни индексация қилиш тизими ўзгартирилди ва ижтимоий суғуртанинг мустақил фонди ташкил этилди.

Чили эски пенсия тизимини ислоҳ қилишни янги тизимга ўтиш билан бир вақтда олиб борган мамлакатлардан биридир. Асосий муаммо шунда эдики, давлат пенсия таъминоти бўйича қарзларни янги хусусий мажбурий жамғармаларни ташкил қилиш билан бир қаторда давлат пенсия фондига тушумларни қисқартириш шароитида олиб бориши керак эди. Ижтимоий таъминот доирасидаги қарзлар ўз ичига янги тизим жорий этган вақтда пенсияга чиққанларнинг пенсиясини (1 категория), ҳали пенсияга чиқмаган, лекин яқинда ислоҳ қилинган эски тизим иштирокчилари сифатида қолишни истаган ишловчиларнинг пенсиясини (2 категория), янги тизим иштирокчилари бўлишга қарор қилган ишловчи аҳолининг пенсиясини (3 категория) ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи категориядаги қарзлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Учинчи категория пенсияси бўйича қарзлар масаласи пенсия облигацияларини чиқариш йўли билан ҳал этилади. Ушбу облигациялар кафолатли ҳисобланади, 4% микдорида фойда келтиради ва эгалари пенсияга чиққандан сўнг мажбурий тартибда очиладиган жамғарма ҳисоб рақамларига ўтказиладиган бир вақтли тўлов суммаларига алмаштирилиши мумкин. Чили ҳукумати ушбу тадбирни ўтказиш билан 70-80 йиллар давлат бюджетидаги бюджет такчиллигининг катта қисмини пенсия тизими доирасида қоплади.

АҚШда 1974 йилда Конгресс ёлланма хизматчилар пенсия даромадининг муҳофазаси ҳақида қонун чиқарди, унга биноан хусусий пенсия режалари учун мезонлар ўрнатилди, федерал бўлим мақомидаги Пенсия Даромадларини Кафолатлаш Корпорацияси уларни татбик этишга кўмаклашди. Хусусий пенсия режалари корпорациядан сугурта харид қиласидиган, компания пенсия тўлай олмаса, уни корпорация тўлайдиган бўлди.

Федерал пенсия тизимларининг энг йириги – АҚШ Фуқаро Хизмати Пенсия тизимига ҳам, федерал ёлланма хизматчиларга ҳам ҳукумат томонидан маблағ ажратилади. Кўшимча равища ишга ёлланувчи фуқаролар, пенсия билан таъминланмайдиган ва ўз пенсия режалари хизматларига яраша тўланмаслигига ишонганилар ўз даромадларининг бир қисмини маҳсус шахсий пенсия ҳисобига ажратади. Шахсий пенсия ҳисоблари банклар, жамғарма ва қарз уюшмалари, кредит иттифоклари, сугурта компаниялари каби молиявий институтлар томонидан бошқарилади. Федерал ҳукумат бу режа хизматидан фойдаланувчи шахсларга даро-

мад солиги бўйича имтиёзлар бериш орқали мадад беради. Шахсий пенсия ҳисобига қўйилган маблағлар фойда фоизни барпо этади, у ўз-ўзидан ҳисобга қўшилиб бораверади. Шахсий пенсия ҳисобидаги фойдага, ундан пул чиқарилмагунча, солиқлар солинмайди.

Янги пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланмоқда. Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделлариdir. Машҳур венгер иқтисодчisi Я. Корнаи тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Улар ўртасидаги фарқ қисман молиялаштириш техникасида юзага чиқади. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган ахолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди. Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлик.

Германияда тақсимот пенсия тизими 1891 йилда жорий қилинган бўлиб, ўша даврдан ҳозиргача унинг турли кўринишлари Европа мамлакатларида, Венгрияда ва МДҲ давлатларида кўлланилмоқда. Германиянинг пенсия тизимидағи тақсимот-тортилувчи модели схемасига кўра ахолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия харажатлари шаклланади ва ахолининг иқтисодий фаол қатламлари ўртасида тақсимланади. Бошқача қилиб айтганда, жорий пенсия харажатлари жорий даромадлар ҳисобидан қопланади. Ушбу тизим авлодлар бирдамлиги асосида курилган. Бир авлод ичida эса, даромадлар ахолининг алоҳида ижтимоий гурӯҳлари ўртасида табақаланди. Германияда тўлов интизомини рағбатлантирувчи балл тизими тақсимот моделини тўлдиради.

Чили модели-капиталлашган модел. Ушбу модел эркин бозор ислоҳотлари доирасида Чили мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. 1981 йилда эълон қилинган фармонга кўра, шу кундан бошлаб меҳнат муносабатларида иштирок этган ҳар бир киши учун давлат пенсия таъминоти бекор қилинди, бир вақтнинг ўзида улар хусусий пенсия фондларининг мижозига айланди.

Капиталлашган модел схемаси қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия

бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисоб рақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, сугурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига эга бўлади. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти харажатлари, натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел сугурта тамойилига асосланади. Капиталлашган модел «Чили модели» номи билан халқаро миқёсда машхур.

Пенсия тизимиға давлат бюджетидан ЯИМнинг 4 фоизи микдорида молиявий ёрдам берилади. Мазкур ёрдамнинг манбалари бюджетнинг даромадларидан маблағ бериш, хусусий сугуртачилар ўртасида сотилган давлат облигациялари, жисмоний шахслар даромадига солиқнинг ставкасини ошириш, давлат мулкини сотиш ва хусусийлаштиришдан келадиган даромадлардан иборат.

Капиталлашган пенсия модели давлат пенсиясига қараганда ўртacha 30 фоизга юқори бўлган пенсия микдорини таъминлайди. 2000 йилда хусусий пенсия фондларининг жами активлари суммаси ЯИМга нисбатан 40 фоизни ташкил этди, 2020 йилга бориб эса бу даражага 130 фоизга етиши мумкин. Чили моделининг умум тан олинган ижобий томони шундаки, у бу модел ХПЖларининг ривожланиши туфайли миллий капитал бозорининг шаклланишига кўмаклашади. ХПЖлари ўз фаолияти давомида тизимли равишда ўз харажатларини камайтириб бормоқда. Бу кўрсаткич ХПЖларининг иқтисод ва ҳаётйлик даражасининг юқорилигидан дарак беради. ХПЖлар институционал инвесторлар сифатида мамлакат иқтисодиётiga сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда. Юқори жамғариш қобилиятининг мавжудлиги, муваффакиятли инвестициялар туфайли ХПЖларнинг йирик маблағлари иқтисодиётга йўналтирилиб, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятининг ошишига ва баркарор иқтисодий ўсишини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Капиталлашган модел шахсий пенсия жамғармаларини, бандликни таъминлашда, тўлов интизомини оширишда кучли манфатдорликни юзага келтиради. Капиталлашган Чили пенсия моделининг ижобий ва салбий томонлари қатор Ғарбий Европа мамлакатларида эскирган тақсимот моделини ислоҳ қилишда инобатга олинмоқда, натижада тақсимот элементлари сақлаб қолинган ва

капиталлашган модел тамойилларини ўз ичига олган ўзига хос араш пенсия тизими вужудга келди. Бу тизим: «Пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич оширишдан иборат. Пенсияга чиқиш ёши 65 ёшгача кўтариш ишловчилар ва бадал тўловчиларнинг зиммасига тушадиган оғирликни камайтиради. Агар пенсия ёши оширилмаса, 2025 йилда 10 та бадал тўловчига 8 пенсионер, 2050 йилда 11 пенсионер тўғри келади. Пенсияга чиқиш 65 ёшгача оширилса, 2025 йилда 10 тўловчига 7 пенсионер, 2050 йилда 9 пенсионер тўғри келади. Аёллар ва эркакларнинг пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш Европа Ҳамкорлигининг талабига риоя қилишгина эмас, мамлакатда «гендер тенглиги»ни таъминлаш ва давлат пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш оғирлигини камайтириш имконини беради»¹.

Россия Федерациясининг 1995 йилдаги «Нодавлат Пенсия фондлари фаолиятини лицензиялаш ва Нодавлат Пенсия фонди активларини бошқариш ваколатлари ҳақида Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши билан Россияда нодавлат пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи (1995-2001ий) бошланди. Мазкур хужжат нодавлат пенсия таъминоти тизимида давлат назоратини кучайтириш учун асос бўлди. Фонд муассисларининг хужжатлари рўйхатдан ўтказилди ва лицензия берила бошланди. «Шунда маълум бўлдики, агар илгари корхоналарда бир хил касбдаги ходимлар маблағларидан шакллантирилган фондларда ходимларнинг атиги 10 фоизи қатнашган бўлса, 1995-1996 йилларда ҳар бир йирик ташкилот хусусий нодавлат фонд шакллантиришга ҳаракат қилди. Бу эса фондлар сонининг тезлик билан ошишига ёрдам берди, 1996 йилда фондларнинг сони 26 тадан 252 тага етди. Шундай қилиб, 1996 йилнинг охирида тўланган пенсия бадалларининг 87 фоизи корхоналар, фирма ва ташкилотларга тўғри келди, 13 фоизини 300000 ортиқ жисмоний шахслар тўлади»². «1998 йилда нодавлат пенсия фонди маблағлари янада концентрациялаша бошлади. Молия-саноат гурӯҳлари, йирик ташкилотлар ва битта тармоқдаги бир неча корхоналардан тузилган фондлар лидерлик қила бошлади. Булар жумласига «Сурғутнефтегаз ЖПФ» (1,9 млрд. рубль), «ЛУКойл-Грант» (1,5 млрд. рубль),

¹ Аудрюс Битинас. Причины реформы пенсионной системы современной Литвы. // Социальный вестник, Москва. 2007. №5. -13стр.

² Зотов И. Роль НПФ в реализации новой модели пенсионного обеспечения. // Человек и Труд. Москва. 2002. №11. -20стр.

«Газфонд» (1,3 млрд. рубль), «Электро-энергетика» (302 млн), «Уголь» (205 млн), «Газ» (107 млн), «Тепло» (60 млн), «АвтоВАЗ» (56 млн)» киради. Бу фондлар мисолида корпоратив фондлар шакллантирилди, маблағлар ходимларни рағбатлантириш учун ишлатилди. Пенсия ёрдамида ходимларни қўшимча рағбатлантириб, бадал тўловчиларни ўзига боғлаб олди»¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам пенсия тизимининг қўшимча корпоратив, коллектив ва хусусий турларини шакллантириши рағбатлантириш керак.

3.2. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг заруриятлиги

Бозор иқтисодиётининг энг мухим шартларидан бири ҳар бир шахснинг ўз манфаатларини биринчи навбатда ҳимоя қилиши, ўз имкониятларини ифодалашидир. Давлат фуқаролар ўз турмуш даражаларини оширишлари учун уларга тегишли қонунлар тизими орқали зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиши ва уларнинг бу борадаги интилишларини кўллаб-кувватлаши лозим. Бозор муносабатлари ривожланиши, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб борган сари бу икки омил, албатта, ижтимоий таъминот тизимига ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш ва бошқариш механизмининг уч хил тури кўп учрайди.

1. Барча мамлакатлarda кенг тарқалган жорий тушумлардан молиялаштириладиган давлат трансферт дастурларини амалга ошириш.

2. Ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларини амалга ошириш (ихтиёрий якка жамғармалар барча мамлакатларда мавжуд солиқ рағбатлари билан мустаҳкамланади, бунда ишловчилар ва пенсионерлар ўз жамғармалари бўйича инвестицион таваккалчиликка йўл қўяди).

3. Иқтисодий инқироздан инфляциядан, жамғармаларни йўқотишга ва қадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиласидиган сұғурта тизимини ривожлантириш.

¹ Михайлов А., Мудраков В.И. Все, что вы хотите знать о негосударственных пенсионных фондах. Москва. Издательство Гравия. 2001. №11. -42стр.

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизимиning ташкил этилиши жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир деган хulosага келиш мумкин.

Пенсия тизими молиялаштиришдаги ислоҳотларни тезлиқда амалга ошириб бўлмайди, уларни республикамизда бошқа ислоҳотлар билан жумладан, меҳнат бозоридаги, солик тизимидаги, молия ва кредит тизимидаги ислоҳотлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Пенсия тизими молиялаштириш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда миллый урф-одатларимиз, оиласаларга, қарияларга ёрдам эътиборга олиниши керак. Пенсия тизими молиялаштиришда Давлат бюджетидан молиялаштириш сақланиб қолиниши лозим. Пенсия тизими молиялаштиришдаги ислоҳотларни ҳар томонлама мукаммал дастурлар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ислоҳотларнинг бу дастурлари пенсия ёшидаги қарияларни даромадларини кафолатлашнинг самарали механизмига таяниши зарур.

Ўзбекистон Республикасида кучли ижтимоий сиёsat олиб борилар экан, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш муаммоларига алоҳида эътибор берилади. 2003-2009 йилларда ўртача пенсия микдорини ошириш вазифаси бажарилади.

Пенсия жамғармаларининг моҳиятини белгилашда уч ёндашув кўрсатилади, яъни унинг ижтимоий таъминот учун мўлжалланган маблағлар эканлиги; мустақил молия-кредит ташкилоти; ижтимоий йўналишдаги бюджетдан ташқари жамғарма эканлиги эътироф этилади.

Пенсия жамғармаларидаги фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий ва ихтиёрий жамғарма бадаллари уларни давлатнинг молиявий иштироки асосида шаклланувчи, муайян жамғарма ташкил этган аҳоли тоифаларига тўловларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш учун мўлжалланган мустақил пул жамғармалари сифатида таърифлаш имконини беради.

Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиктисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўртacha пенсия миқдорининг ўзгариши
(2003-2009 йиллар)

Ўртacha ойлик пенсия миқдори	Пул бирлиги	2003				2004				2005				2006				2007				2008				2009			
		йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	миқдори	нишбатан	йил	йил	миқдори	нишбатан	йил	йил	миқдори	нишбатан	йил	йил	миқдори	нишбатан	йил	йил	миқдори	нишбатан			
Минимал	сўмда	10166	12124	17867	24017	36025	1,50	49715	65872	2,74																			
	АҚШ долларида	10,39	11,49	15,21	19,42	27,91	1,44	37,05	47,19	2,43																			
	сўмда	16000	21433	31297	43610	67377	1,55	99281	123200	2,83																			
	АҚШ долларида	16,3	20,3	26,6	35,3	52,2	1,48	69,3	88,3	2,50																			
	сўмда	25984	30989	44452	59239	95079	1,61	131209	173852	2,93																			
Максимал	АҚШ долларида	26,55	29,37	37,84	47,89	73,66	1,54	97,77	124,54	2,60																			

Манба: Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси маълумотлари.

Тұловларни олишга қатъй ишонч ишловчини мәхнат унумдорлигини оширишга интилишини сусайтиради, деган ғоялар асосли эмас. Ишловчиларнинг пенсия жамғармасыга тұловлари, иктисадий нұқтаи назардан уларнинг иш ҳақининг бир қисмидир. У киши кучининг қийматига киради, аммо тұловлар институционал мұайян кечиктирилганды мұхлатда амалга оширилади. Бу ишловчиларнинг пенсия жамғармасыга құйған ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос максадли улуши, омонатидир. Ёлланма ишловчини самарали мәхнатта ундоччи сабабларнинг юкори даражаси бир томондан, пенсия миқдорининг тегишли яшаш минимумига нисбати, пенсия тұловларининг харид имкониятига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ишловчининг малака даражаси ишлаган даврлари мобайнида мәхнат фаолиятининг интенсивлиги даражасига боғлиқдир. Пенсия миқдорининг мәхнат фаолияти мобайнида оладиган иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқлиги самарали мәхнатта рағбатлантириш имконини беради. Бу ўринде мұайян қонуниятни аниқлаш мүмкин, яъни пенсия тизими орқали ҳимоялаш даражаси фуқароларнинг индивидуал молиявий иштирокига тұғри, даромадларни қайта тақсимлаш даражасига тескари мутаносибликда бўлади.

Давлат томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган жамғариш ёки ишловчилар иш ҳақининг бир қисмини бадал кўринишида пенсионерлар фойдасига ундириш пенсия тұловлари манбаининг ишончли асосини таъминлайди. Бу имконият нафакат эмиссия йўли билан, балки ижтимоий сиёsat доирасида зарурый ҳолларда иш ҳақи миқдорини жорий иш ҳақи ва пенсия ажратмаларига тақсимлашга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилиши мүмкин. Татбиқ этилаётган авлодлар бирдамлиги қайта тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, пенсия тизими ишловчиларнинг тегишли молиявий муассасаларга хусусан, жамғариладиган пенсия жамғармаларига маблағлар қўйишини инкор этмайди.

Жамғарип бориладиган пенсия тизимига бадалларни қайта тақсимлашнинг давлат механизми ёрдами билан индивидуаллаштирилган ҳисобрақамлардан фойдаланган ҳолда, молиявий таъминлаш, пенсия тизимини ташкил этишининг ўзига хослиги, белгиланган ягона бадалларни ҳисобга олиб, пенсия миқдорини белгилаш кабилар хосдир. Жамғарип бориладиган пенсияни олиш учун мұайян жамғарма стажига эга бўлиш ва қонунда кўрсатилган пенсия ёшига этиш зарур. Жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимда бадаллар капиталлаштирилади ва пенсия ҳисоби индивидуал

ҳисоб асосида шакллантирилиб борилади, шахсий ҳисобларда жамгарилган жамгарма бадаллари пенсия даражасини белгилайди.

Жамгариладиган пенсия тизимлари ҳукуматнинг молиявий кафолатларидан фойдаланади, улар даромадни таъминлаш имконини берувчи молиявий бозорларнинг иштирокчиларига айланади. Натижада пенсия тўловлари ишловчиларнинг нафақат пенсияга чиккунга қадар бўлган иш ҳақидан, балки, меҳнат фаолияти мобайнида тўланган бадаллари миқдорига фоизни ифода этади.

Бир марталик қайта тақсимлашда пенсия тизимидан фарқли рашида жамгариб бориладиган пенсия тизимида жамгарма бадаллари нисбатан юқори даражада белгиланади ва тегишли захира фонди шакллантирилади. Жамгариб бориладиган пенсия тизими нинг кўлланиши мавжуд пенсия тизимидағи камчиликларни камайтириш ва унинг афзалигини кучайтиришга йўналтирилгандир. Бундай таркибни умумлашган уч даражали тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин:

- ◆ давлат назорати остида амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими. Мазкур моделда пенсия миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади, иш берувчи ва ёлланма ишловчидан олинадиган бадалларни қайта тақсимлаш тамойили асосида молиялаштирилади;

- ◆ мажбурий жамгарма тизими орқали бериладиган ва минимал жамгарма стажини "тўплаган" кишилар учун давлат бюджети доғизациясидан фойдаланувчи ижтимоий пенсия тизими;

- ◆ тўла капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, индивидуал ҳисоб рақамларни юритиш орқали амалга ошириладиган пенсия тизими.

Демак, икки ҳолатда ҳам давлат тизими олдингидаидек кексиган шахсларга минимал пенсия ёки камбагалликдан ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади. Чет эл давлатларида молиявий бозорнинг маъмурый имкониятлари етарли даражада ривожланган, давлат пенсия фонди фаолиятини амалий тартибга солиш ва унинг устидан назоратни амалга ошириш имкониятига эга бўлинган.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, Пенсия фондлари активларининг асосини қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ташкил этади. Хусусий пенсия фондлари пул маблағларини узок муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Хусусий пенсия фонди пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-

30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат.

Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қофозлардан олинадиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Бошқача килиб айтганда, қимматли қофозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қофозлар хозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг пенсия кўринишида қайтарилади.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя етишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда хусусий пенсия фондлари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай тузилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот харажатларини камайтириш имконини беради.

Жаҳон тажрибасидан маълум бўлдики, пенсия тизимини фақат давлат томонидан молиялаштириш етарли самара бермайди. Хозирги кунда пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш - минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларига қўшимча пенсияни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда алоҳида, хусусий пенсияни таъминлаш белгиланган. АҚШ, Голландия, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия каби мамлакатлар шу йўлдан бормоқда.

Хусусийлаштириш дастурини тезлаштириш жараёни инвестицияларнинг янги ички имкониятларини тақдим этади. Хусусий фондлар ўртасида реал рақобатга эришилса, инвестиция имкониятлари сони ва хилма-хиллиги ўсиши керак. Айнан, молия соҳасида пенсия ислоҳотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислоҳотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозори ривожланиши, пенсия фондлари пулларини инвестиция қиласидаган молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда кўпайиб бораётган инвестициялар жараённида давлат ва хусусий инвестицияларни молиялаштириш зурур.

"Пенсия таъминотининг жамғариш қоидасига асосланган тизими республикамида мавжуд, янги ижтимоий фондларни шакллантиришда бу ҳолатни албатта ҳисобга олиш лозим. Шу муносабат билан мамлакатнинг энг йирик ижтимоий фонди бўлган Пенсия фондининг фаолиятини такомиллаштириш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Хозир бизда икки хил авлодлар бирдамлиги ва жамғарма тузилмаларининг тарафдорлари мавжуд. Гап шундаки, даро-

мад миқдори кам бўлган одамлар ўзининг ҳамма даромадларини истеъмол қилишга мажбур бўлганлиги сабабли жамғариш пенсияси тизимига ўта олмайди. Бироқ жамғариш тизимидан бутунлай воз кечиш керак, деган хулоса қилиш ҳам ноўриндир.

Жамғарib бориладиган пенсия иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлик турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи маҳсус бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан молиялаштирилиши жамғарib бориладиган пенсия тизими нинг хусусиятли жиҳатидир. Жамғарib бориладиган пенсия кексалик, касаллик, баҳтсиз ҳодиса туфайли, меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган жамғармадир.

3.3. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти

Республикамизда 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия тизими амалиётга жорий қилинди. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлик турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади.

Жамғарib бориладиган пенсия тизими молиявий категория сифатида пул маблагларининг мақсадли фондларни шакллантириш ва ундан кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усуllibарни йиғиндинисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Жамғарib бориладиган пенсия категория сифатида пул маблагларининг мақсадли фондларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усуllibарни йиғиндинисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Бу борада қабул қилинган қонуннинг мақсади – фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишидир. "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекис-

тон Республикаси худудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш хукуқига эга"¹.

Ўзбекистон Республикасида "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунин талабларини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида Қарор қабул қилди ва Республикамиизда 2005 йил 1 январдан амалдаги фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлашда Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қўйидаги тамойилларга амал қилиш кўзда тутилган:

- жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характеристери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар, кишининг ижтимоий химояланиш хукуқининг таъминланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия, мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги, тенг хукуқлилиги, шахснинг ижтимоий даражаси таъминланади ва унинг кексалик чоғида яхши яшashi учун таъсир кўрсатиши;
- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилинишдаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимнинг барқарорлиги давлат томонидан кафолатланиши;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахс ва иш берувчининг молиявий иштироки мажбурийлиги, зарурий ҳолатларда давлат субсидияларининг жалб этилиши. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга унинг жамғарган бадаллари тўланишидаги молиявий иштироки туфайли ҳосил бўлган маблағдан унга қонунга кўра турли шаклдаги моддий ёрдам ва хиз-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. //Халқ сўзи, 2004. 2 декабрь.

матлар кўрсатилиши таъминланади;

- аҳолининг тегишли ижтимоий категорияларни қамраб олувиши кишилар гурухи (ишчилар, хизматчилар, меҳнаткашларнинг алоҳида касб бўйича категориялари, алоҳида худудларнинг барча аҳолиси) ёки мамлакатнинг барча аҳолисининг у ёки бу пенсия таъминот туридан манфаатдорлиги;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсларнинг харажатларини молиялаштириш бўйича мажбурият, эга бўлган хуқуқ ва кафолатлари нуқтаи назаридан тенглиги;

- олдиндан кўрилмаган кишиларнинг соғлиғи ёки уларнинг моддий ахволига хавф солувчи ҳолатларда барча меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини хуқуқий имкониятларини яратиш.

Жамғариб бориладиган пенсия иктиносидий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи маҳсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш хукуқига эга.

Асосий таянч тушунчалар

Жамғариб бориладиган пенсия тизими, давлат мақсадли жамғармалари, пенсияларни молиялаштириш механизми, бадаллар, хусусий пенсия тизими, давлат ижтимоий сугурта фондлари, мажбурий ажратма, йигим, корпоратив ва колектив пенсия жамғармаси, тақсимот-тортилувчан ва капиталлашган моделлар, давлат кафолати.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг мақсади нималардан иборат?

2. Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш ва бошқариш механизмининг қандай турлари мавжуд?
3. Пенсия даромадларини шакллантиришда «авлодлар бирдамлиги» тамойилини ўрнини тушунтиринг.
4. Жамғарид бориладиган пенсия таъминоти тизимини мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида қандай тамойилларга амал қилиш кўзда тутилган?
5. Жамғарид бориладиган пенсия тизимиға бадалларни кайта тақсимлашнинг қандай механизми ишлайди?
6. Пенсия таъминотининг тақсимот-тортилувчан ва капиталлашган моделларининг мазмунини тушунтиринг.
7. Жамғарид бориладиган пенсия таъминоти тизимини бошқаришда давлат кафолати бериладими?
8. Гуруҳларда Ўзбекистон Республикасида ҳам пенсия тизимининг қўшимча корпоратив, коллектив ва хусусий турларини шакллантириш муаммоларини муҳокама қилинг.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИ

4.1. Йўл жамғармасининг аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар учун ижтимоий фаровонлик яратиш давлатнинг энг муҳим функциясига айланади. Бундай шароитда давлат томонидан аҳоли фаровонлиги учун керакли товарлар ва хизматлар зарур микдорда ишлаб чиқарилади. Уларни ишлаб чиқариш кўпинча бевосита бюджетдан молиялаштириш ҳисобига амалга оширилади. Бирок, бир қатор ижтимоий воситалар мавжудки, уларни тақдим этиш масаласи хусусий сектор томонидан ҳал этилиши мумкин. Бундай воситаларга автомобиль йўллари ҳам киради.

Маълумки, йўллар кишилик жамияти шакллангандан бўён ҳалқларни бирлаштириб турадиган, ўзаро савдо-сотик алоқаларини амалга оширадиган муҳим тизим ҳисбланган. Йўлларни ривожлантирумасдан, унинг ҳолатини яхшиламасдан туриб, иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Буни инобатга олиб, мамлакатимиз ҳукумати томонидан автомобиль йўлларини куриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Республикамизда 2008 йилда ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосий турлари бўйича хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг юқори ҳажмларига эришилди. Биз транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўлларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча мintaқалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминлашмоқда.

Жумладан, ўтган йил давомида 1108,0 млрд. сўмлик темир йўл транспорти хизматлари, 397,2 млрд. сўмлик автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялаш ишлари, 1375,0 млрд. сўмлик алоқа хизматлари, 1786,1 млрд. сўмлик электр энергияси таъминоти хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожи ва узлуксизлиги таъминланди.

11-жадвал.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми,

(млрд. сўм)

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	2008 йил	2009 йилга Мўлжал	Ўсиш суръати, %
Темир йўл транспорти	1108,0	1390,0	125,5
Автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялаш	397,2	531,5	133,8
шу жумладан:			
халқаро аҳамиятдаги	175,9	251,9	143,2
Давлат аҳамиятидаги	95,0	143,6	151,2
маҳаллий аҳамиятдаги	23,9	25,0	104,4
Алоқа	1375,0	1596,4	116,1
шу жумладан:			
Симли алоқа	264,0	304,9	115,5
уяли алоқа	952,0	1104,7	116,0
Электр энергияси таъминоти	1786,1	1820,1	101,9

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқорози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг ўйлари ва чоралари» номли асарини ўрганиши бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иктиносидиёт, 2009. 966.

Иктиносидиёт реал секторининг жадал ўсиши ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларига бўлган эҳтиёжнинг тўхтовсиз ра-вишда ўсишига олиб келмоқда. Шунга кўра, жадвалдан кўрина-дики, 2009 йилда ушбу тармоқлар хизмат кўрсатиш ҳажмини аҳамиятли даражада, жумладан, автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялаш ҳажмини 133,8% га, темир йўл транспорти хизматлари ҳажмини 125,5% га, алоқа хизматлари ҳажмини 116,1%га ошириш кўзда тутилмоқда.

Йўл хўжалигининг ҳозирги замон даражаси ва йўл коммуникацияларининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, уларни ривожлантириш муаммолари мамлакатимиз учун долзарб масала ҳисобланади. Афсуски, автомобиль йўлларининг ривожланиши ва уларга

сарфланган инвестициялардан олинадиган самарадорлик билан боғлиқ барча масалаларнинг ҳисобга олиниши бирмунча мураккабдир. Йўлларнинг ривожланиши аҳолининг бандлигига бевосита ёки билвосита таъсири кўрсатишига эътибор қаратиш мумкин. Бу нафақат иш ўринларининг бевосита автомобил йўлларининг курилиши ва фойдаланишга топширилишида яратилиши, балки мазкур аралаш тармоқларга инвестицияларнинг жалб этилиши билан изоҳланади. Тўланадиган соликлар чиқарив ташланган ҳолда йўл ишларига сарфланадиган харажатлар таркибида, 70% га яқини бошқа тармоқлар (курилиш материалари саноати, йўл машинасозлиги, нефтни қайта ишлаш, транспорт) маҳсулотларининг харид килинишига тўғри келади. Шу билан бирга, йўл ёқасида хизмат кўрсатишининг ривожланиш даражаси ҳам автомобиль йўллари тармоғининг ўсишига бевосита боғлиқ. Бозор ислоҳотлари автомобиль йўлларига бевосита яқин бўлган савдо, умумий овқатланиш, турли хил хизмат кўрсатиш ва бошқалар шаклидаги тадбиркорлик учун кенг имкониятларни тақдим этди. Бу маҳаллий аҳоли, иш топиш мураккаб бўлган узоқ миңтақалар учун айниқса, муҳимдир. Йўллардан интенсив фойдаланиш натижасида юзага келадиган истеъмол талабининг ортиши, муайян жиҳатдан ушбу муаммонинг ҳал этилишига имкон беради. Йўл транспорти тизимидағи бандлини Европа Иттифоқи маълумотлари мисолида кўрсатиш мумкин: бугунги кунда унда 13,5—14 млн. киши банд бўлиб, Европа Иттифоқи мамлакатларида ишловчиларнинг умумий сонининг 6% дан ортигини ташкил этади.

12-жадвал.

Юкларни транспорт турлари бўйича ташиш динамикаси

(км. да)

Транспорт турлари	Йиллар					
	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Автомобиль транспорти	11619	12482	13370	14243	15054	15753
Ҳаво транспорти	158,7	161,9	166,8	171,8	176,9	182,2
Темир йўл транспорти	18475	18500	18580	18600	18650	18900
Сув транспорти	8,5	10,2	11,9	13,6	15,3	17
Жами	30261	31154	32129	33029	33896	34852

Манба. Йўл жамгармаси маълумотлари.

«ХХ асрнинг 60-70-йилларида Ғарб мамлакатларида мақсадли бюджетдан ташқари йўл жамғармалари юзага кела бошлади. Уларнинг ташкил этилиши кўпгина мамлакатлар учун бюджет жараёнинг стандарт муаммолари: бюджетнинг йўл хўжалигига бўлган ажратмаларини қисқартириш билан бирга бюджетни ижро этиш босқичида харажатларни камайтиришга таъсир кўрсатди»¹.

Одатда, ёқилги-мойлаш материалларининг (ЁММ) реализация килинишига солинадиган солиқ, айрим акциз турлари, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларидан олинадиган тўловни ўз ичига оладиган даромад манбалари йўл жамғармаларига қатъий бириктириб кўйилган. Бундай жамғармаларда жамғариладиган маблағлар, мақсадли тарзда йўл хўжалигига йўналтирилган, бу эса умум давлат йўл тармоғини мақбул даражада барқарор ва олдиндан молиялаштиришни кафолатли таъминлаши лозим. Жамғармага келиб тушган маблағлар, одатда, мустақил ҳукумат агентлиги ихтиёрига ўтказилган.

Бироқ, вакт ўтиши билан мазкур жамғармаларнинг фаолияти норозилик туғдира бошлади, чунки улар ташкил этилишида ўзларига юклатилган вазифа - йўл хўжалигини тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришнинг ҳал этилишини таъминламаган. Мақсадли йўл жамғармаларига нисбатан ортиб бораётган танқид бир қатор мамлакатларда мақсадли йўл жамғармаларининг тугатилиши ва бюджетнинг даромад қисмида уларга келиб тушган маблағларга мувофиқ равишда харажатлар қисмида маблағларнинг бирлаштирилишида намоён бўлган институционал ўзгаришларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган марказлашган иқтисодий жамғармаларга Республика Йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк кўмитасининг маҳсус ҳисоб ракамини киритиш мумкин.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари таркибида алоҳида ўринни Республика Йўл жамғармаси эгаллайди. Бюджетдан ташқари Республика Йўл жамғармаси бошка мақсадли жамғармалар каби самарали фаолият олиб бормоқда. Бу ҳолат, айниқса, шаклланадиган даромадлар таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни кучайтиришда бир қатор ижобий ўзгаришлар кўринишида содир бўлмоқда.

Республика Йўл жамғармаси фаолияти давлатнинг олдида тур-

¹ Ахмеджонов А. Вопросы совершенствования финансирования дорожного хозяйства. Экономическое обозрение //2002. №7. стр11.

ган иқтисодий вазифаларни молиявий таъминлашга мўлжалланган мақсадли пул маблағлари жамғармасини шакллантириш ва маблағларни йўл хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун харажат қилиш шаклида акс этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги "Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-3292-сон Фармони билан ташкил этилган бўлиб, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва саклаш учун мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органидир.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг тармоғини ривожлантириш дастурларини ҳамда уларнинг зарур даражадаги техник ҳолатига ва автомобилларни ўтказиш имкониятларига эришишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш Республика Йўл жамғармасининг максадидир. Шунингдек, бу жамғармада йўл курилишини бошқариш тизимига йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлари ҳам олиб борилади.

Республика йўл жамғармаси ўз фаолиятини Республикаизнинг Конституциясига, қонунларига, Олий Мажлисининг қарорларига, Президентнинг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Низомда Республика Йўл жамғармасининг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари, жамғарманинг хуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Марказий банкда ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган гербли муҳрга эга.

Мазкур жамғарманинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

◆ Республика Йўл жамғармаси маблағлари тушиши ва сарфланишининг йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

◆ инвестиция лойиҳаларининг техник иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини

куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тендер хужжатларини экспертизадан ўтказиш;

→ йўл хўжалиги обьектларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибга келтириш;

→ умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни саклаш бўйича харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш;

→ умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш, маблағлардан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

Республика Йўл жамғармаси маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасини бошқариш кенгашига юкландади.

Республика Йўл жамғармасининг ноқонуний сарфланган ва мақсадли фойдаланилмаган маблағлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамғармага ундириб олинади¹.

Республика Йўл жамғармаси юкландан вазифалардан келиб чиқиб қуидаги функцияларни бажаради:

• Республика Йўл жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ҳар йиллик балансларини ишлаб чиқади ва йиғма Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

• Жамғарма келгуси йил харажатларининг тасдиқланган параметрларини "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниясига, даромадларнинг йил чораклари бўйича тақсимланган параметрларини Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитасига ва Давлат Божхона қўмитасига етказади;

• Жамғарма даромадларининг тушум манбалари ва республика минтақалари бўйича, шунингдек, харажатларининг асосий йўналишлари бўйича ҳисобини олиб боради;

• Давлат Солик қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси билан биргаликда Жамғармага тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш ишларини олиб боради;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 21 августдаги «ЎЗАВТОЙЎЛ» давлат - акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги 361-сон Қарори.

- даромадлар тушиши прогнози бажарилишини таҳлил қилади, Давлат Солик кўмитаси ва Давлат Божхона кўмитаси билан биргаликда даромадлар тушиши прогнози бажарилишига салбий таъсир кўрсатган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

- йўл хўжалиги обьектларини қуриш, реконструкция килиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича йигма аниқ рўйхатларни кўриб чиқади ва "Ўзватойўл" давлат-акциядорлик компанияси тасдиқлаши учун розилик беради.

13-жадвал.

Ўзбек миллӣ автомагистрали тармоғи таркибига кирувчи автомобиль йўллари

Ўзбек миллӣ автомагистрали йўналишлари ва унинг таркибига кирувчи автомобиль йўллари номи	Умумий узунлиги, (км)	4 қаторли қисмлар узунлиги, (км)	2 қаторли қисмлар узунлиги, (км)
Бейнов-Кўнгирот-Бухоро- Навоий-Самарқанд-Тошкент- Андижон	2047	908	1139
Бейнов-Кўнгирот	328	-	328
Кўнгирот-Нукус	111	16	95
Нукус-Бухоро	540	3	537
Бухоро ш.ни айланаб ўтиш	5	-	5
Бухоро-Навоий	107	107	-
Навоий-Самарқанд	169	169	-
Самарқанд-Тошкент	308	308	-
Тошкент-Андижон	387	305	82
Гулистон-Оҳангарон	92	-	92
Бухоро-Олот	98	83	15
Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз	436	241	195
Бухоро-Қарши	177	177	-
Қарши-Ғузор	48	48	-
Ғузор-Термиз	211	16	195
Самарқанд-Ғузор	174	22	152
Жами:	2755	1254	1501

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иктиносидёт, 2009. 99б.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Йўл жамғармасининг ижро этувчи директори Молия вазири-нинг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин-

ланади ҳамда моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

2009 йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Бейнов – Бухоро – Самарқанд – Тошкент – Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро – Олот ва Самарқанд – Ғузор йўлларининг стратегик участкаларини қуриш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўламини кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда.

4.2. Йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш манбалари

Республика йўл жамғармаси даромадлар ва ҳаражатларни шакллантириш тартибини, шунингдек, Жамғармага ажратмалар ва йиғимлар ставкаларини такомиллаштириш юзасидан мақсадли ишларни олиб боради. Жамғарма даромадлари ва ҳаражатлари бўйича мөъёрий-хукукий хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун тегишли органларга киритади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланадиган аниқ рўйхатлар ва ҳаражатлар сметаси асосида, шунингдек, йўл хўжалиги обьектлари бўйича қурилиш ва таъмирлаш ишларининг амалда бажарилишини ҳисобга олган ҳолда Жамғарма ҳаражатларини молиялаштиради.

Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитасидан тезкор ҳисботни ҳамда ажратмалар ҳисобланганлиги ва тушганилиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни, Жамғармага тўловлар бўйича вақтида тўланмаган тўловлар микдори ҳақидаги маълумотларни, тижорат банкларидан жамғарма маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни, "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси ва унинг бўлинмалари-

дан - йиллик бухгалтерия ва статистика ҳисоботини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Республика Йўл жамғармаси даромадлар прогнозининг тушум турлари ва минтақалар бўйича бажарилишининг аҳволини таҳлил қилиш ҳамда даромадлар узлуксиз тушишига салбий таъсир кўрсатган омилларни бартараф этиш юзасидан кўшма чора-тадбирлар кўради.

Республика Йўл жамғармасининг даромадларини шакллантирувчи юридик шахслар - асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари маблаг тўловчилар ҳисобланади. Улар бўйича тўланадиган айланмага, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотлар сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади. Агар хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча турлари билан шуғулланса, у ҳолда у алоҳида ҳисоб юритиши ва тўловларни фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак¹. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идораларида рўйхатдан ўтказиладиган сотиб олинган ва вактинча олиб чикиб кетиладиган автотранспорт воситалари қийматидан йигимлар суммаси тўловчи (фойдаланувчи) корхоналар томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибига, бюджет ташкилотлари томонидан эса - тайминот сарф-харажатлари сметасига киритилади.

Республика Йўл жамғармаси даромадлари Давлат бюджети даромадларининг 2003 йилда 6,0 фоизини, 2004 йилда 6,5 фоизини, 2005 йилда 6,7 фоизини, 2006 йилда 6,5 фоизини ташкил этди. Давлат бюджети даромадлари таркибидаги Республика Йўл жамғармасига тўланадиган ажратмалар ва йигимлар микдори камайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарорига мувофиқ, Республика Йўл жамғармасининг даромад қисми шаклланининг асосий манбалари куйидагилар ҳисобланади:

► корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг амалдаги ҳажмидан 1,5% микдорда ажратиладиган маблаглар (ККС чиқариб ташланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблагларини сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

холда);

◆ ишлаб чикарувчи, воситачилик қилувчи, савдо корхоналари, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари ва савдотаъминот ташкилотлари томонидан — (ҚҚС чиқариб ташланган холда), ҳақиқий товар айланмасидан, улгуржи ва чакана дорихона муассасалари томонидан — ялпи даромаднинг 1 % миқдорида ажратилиладиган маблағлар;

◆ банклар (Марказий банк тизими бундан мустасно), сугурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатиш шохобчалари), кимошди савдолари, казино, тираж белгилаш, видео- ва аудиокассеталар ижараси, пул ютуқларига эга бўлган ўйин автоматларидан фойдаланиш, лотерея ўйинларини ўтказиш, оммавий концерттомуша тадбирларидан даромад оладиган корхоналар томонидан ажратилиладиган маблағлар — амалдаги даромаддан 1,5% миқдорда;

◆ автотранспортга эга бўлган барча корхона ва ташкилотлар томонидан автомобиль транспорти ва автотранспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича даромадлардан ажратмалар — 2,5% миқдорида;

◆ сотиб олинган автотранспорт воситаларининг қийматидан олинадиган, мулк шаклидан қатъий назар, ушбу маблағларнинг харидорлари тўлайдиган йигимлар: харид қилинган енгил автомобиль нархидан — 6% миқдорда; автобуслар, юк ва маҳсус автомобиллар нархидан — 20% миқдорда;

◆ "Ўзавтойўл" концерни корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкини сотиб олишдан бюджетга келиб тушиши лозим бўлган умумий суммадан ажратмалар — 50% миқдорда;

◆ Қорақалпогистон Республикасига ёқилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш ҳажмидан ажратмалар — 7% миқдорда;

◆ хорижий мамлакатлар юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикасига кирганлиги учун тўлов (битта автоташувчидан — 400 АҚШ доллари миқдорида);

◆ курилиш, курилиш-монтаж, таъмирлаш-курилиш, йўлга қўйиш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарган ишларининг амалдаги ҳажмидан ажратилиладиган маблағлар, — 1,5% миқдорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 деқабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети

параметрлари тўғрисида»ги 744-сон Қарорида мажбурий ажратмалар ва йигимларнинг фоизларига ўзгартиришлар киритилган (14-жадвал).

14-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги
Республика Ўўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва
йигимлар ставкалари**

Тр	1. Мажбурий ажратмалар	Объект	Фоиз
	2	3	4
Тўловчилар			
1	Шартнома асосида воситачилик хизмати кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар	комиссион тақдирланиш (КҚС чегирган холда)	1,0
2	Тайёрлов, воситачилик, таъминот-сотиш ташкилотлари	товар айланмасидан (КҚ солигини чегирган холда)	1,0
3.	Улгуржи савдо корхоналари Ассоциацияси тизимиға кирган Республика маҳсус-улгуржи базалар ва уларнинг худудий (вилоят, вилоятлараро, ва туманлараро) базалари	Ялпи даромад	1,0
4	«Ўздинмаксулот» АҚ корхоналари	Маишӣ хизмат киймати (КҚ солигини чегирган холда)	1,0
5	Кредит ва сугурта ташкилотлари	Даромад	1,5
6	Молиявий лизинг хизмати кўрсатувчи ташкилотлар	Фоизли даромад	1,5
7	Иссиклик, сув ва газ таъминоти тизимидағи коммунал хўжалик корхоналари	Реализация килинган товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар (газ, сув, иссилик, сотиб олиш киймати ва КҚС чегирган холда)	1,5
8	Курилиш, курилиш-монтаж, ремонт-курилиш, илмий тадқиқот билан шугулланувчи ташкилотлар	Бажарилган ишлар (КҚ солигини чегирган холда)	1,5
9	Автотранспорт корхоналари	Реализация килинган товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар (КҚС чегирган холда)	2,5

1	2	3	4
10	Иктисодиёттинг бошқа тармокларидағи корхоналар	Реализация килингандай товарлар, күрсатилған хизматлар, бажарылған ишлар (КҚС солигини ва акциз солигини өзгіргендегі холда)	1,5
2. Йигимлар ва ажратмалар			
1	Сотиб олинган ва вактінчалик олиб кириладын автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олғанлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йигимлар:		
1.1.	енгил автомобилнинг нархидан йигим		6,0
1.2.	Бошқа автотранспорт воситалари: автобуслар, юк машиналари, маҳсус автомобиллар нархидан йигим		20,0
2	"Ўзавтойўл" концерни корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулкни сотиб олишдан бюджетта келиб тушиши лозим бўлган умумий суммадан ажратмалар		50,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли Қарори.

15-жадвал маълумотларида кўриниб турибдики, Республика Йўл жамғармасининг даромадлари 172221,0 млн. сўмни ташкил этди. Автомобиль йўлларидағи фойдаланувчилардан мажбурий ажратмалар миқдори 149619,5 млн. сўмни, яъни 86,7 фоизни ташкил этди. Сотиб олинган ва вактінчалик олиб кириладын автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олғанлар (фойдаланувчилар) томонидан ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган жами йигимлар миқдори 12206,3 млн. сўмни, яъни 7,0 фоизни ташкил этди. Шундан енгил автомобилнинг нархидан йигим миқдори 9303,4 млн. сўмни, яъни 5,4 фоизни ташкил этди. Чет эл давлатларидан Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келган автотранспорт воситалари учун тўлов миқдори 7395,4 млн. сўмга (жами даромадларнинг 1,6 фоизига) тенг.

15-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Республика Йўл жамғармасининг даромадлари**

(млн.сўмда)

Кўрсаткичлар		Микдори
Даромадлар		172221,0
1	Автомобил йўлларидан фойдаланувчилардан мажбурий ажратмалар	149619,5
	Жумладан:	
1.1	корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан ажратмалар (КҚ, акциз солигини чегирган холда)	114543,5
1.2	Тайёрлов, воситачилик, таъминот-сетиш ташкилотлари маблағлари-дан ажратмалар- товар айланмасидан (КҚ солигини чегирган холда); савдо корхоналари, жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ажратмалар- товар айланмасидан; улгурки ва чакана дорхоналарнинг ялпи даромаддан ажратмалар	28557,8
1.3	Банклар, сугурга ташкилотлари, видеосалонлар, аукционлар, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтириш, изкарага бериш, пул югукли автомат ўйинлари, лотерея ўйинларидан, шунингдек, оммавий концерт-томуша тадбирларини ўтказишдан даромад олувчи корхоналар маблағларидан -даромаддан ажратмалар	6518,2
2	Автотранспорт корхоналари томонидан маблағлардан ажратмалар- КҚСни чегирган холда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси хажмидан	2999,8
3	Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари кийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йигимлар:	12206,3
	Жумладан:	
3.1	Енгил автомобилларни нарихдан йигим	9303,4
3.2	Бошка автотранспорт воситалари: автобуслар, юк машиналари, маҳсус автомобиллар нарихдан йигим	2902,9
4	Чет эл давлатларидан Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келган автотранспорт воситалари учун тўлов	7395,4
Жами даромадлар		172221,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон Карори.

16-жадвалда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармасининг 2007 йилги даромадлари кўрсатилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республика йўл жамғармасининг даромадлари 292996,0 млн. сўмни ташкил этди. Республика йўл жамғармасида 2007 йил бошига 26,0 млн. сўм қолдиқ қолди. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилардан мажбурий ажратмалар микдори 272700,0 млн. сўмни, яъни 93,1 фоизни ташкил этди. Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт

воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган жами йигимлар миқдори 9110,0 млн. сўмни, яъни 3,1 фоизни ташкил этди. Чет эл давлатларидан Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келган автотранспорт воситалари учун тўлов миқдори 9860,0 млн. сўмга, яъни 3,4 фоизга teng, бошқа тушумлар миқдори 1300,0 млн. сўмни, яъни 0,4 фоизни ташкил этди.

16-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Йўл жамғармасининг 2007 йилги даромадлари

(млн. сўмда)

T.р	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Даромадлар, жами	292996,0
	2007 йил бошига колдик	26,0
	Даромадлар	292970,0
1.	Корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш хажмидан ажратмалар (ККС, акциз солигини чегирган холда)	272700,0
2	Сотиб олинган ва вактичалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йигимлар:	9110,0
3	Чет эл давлатларидан Ўзбекистон Республикаси худудга кириб келган автотранспорт воситалари учун тўлов	9860,0
4	Бошқа тушумлар	1300,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 532-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Йўл жамғармасига тушумлар жойларда солиқ инспекцияларига ва Давлат Божхона қўмитасининг худудий бошқармаларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган жамғарманинг транзит ҳисоб

рақамлари орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказидаги унга тегишли маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Куйидагилар мажбурий ажратмалар ва тўловларни тўлашдан озод этилади:

- Давлат бюджетидаги ташкилотлар ва муассасалар (фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар);

- бюджетдан дотация олувчи томоша кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;

- йўл хўжалиги ташкилотлари - умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажаришдан олинадиган даромадлар бўйича;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси, Молия вазирлиги хузуридаги қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси;

- мотоараваларга ва автомобилларга эга бўлган ва уларни сотиб олган барча гурухларга тегишли бўлган ногиронлар;

- ихтисослаштирилган тармоқдан "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиб олаётган фуқаролар, шунингдек, ҳадя шартномаси асосида яқин қариндошлардан (ота-оналар, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр, хотин) автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

- юридик шахслар - фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган - йўловчилар ташишини амалга оширувчи транспорт во-ситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналиш таксиларидан ташқари);

- 40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган конларда ишлатиладиган автосамосвалларни сотиб олаётган корхоналар.

Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йигимларни тўлаш тартиби ва ставкалар микдори Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ кўмитаси томонидан маблағ тўловчиларга етказилади.

4.3. Харажатларни Йўл жамғармаси маблағларидан молиялаштириш

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низом жамғарманинг маблағларини тушиш ва сарфланиш тартибини белгилаб берди. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига мувофиқ, йўл ишларини молиялаштириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва саклаш Республика Йўл жамғармаси маблағлари хисобига амалга оширилади.

Республика Йўл жамғармаси маблағлари мамлакат йўл хўжалигини ривожлантиришнинг давлат дастурини молиялаштириш, илмий-техника тараққиёти, ходимлар малакасини ошириш ва ушбу хўжаликни бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилади. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва табиий оғатларни тугатиш даражаларини тенгглаштириш мақсадида Республика йўл жамғармасидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга субвенциялар ҳамда дотациялар ажратилиши мумкин. Вилоят ва туман йўл жамғармаларининг маблағлари умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини саклаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва куришга йўналтирилади. Ичкӣ хўжалик автомобил йўллари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига саклаб турилади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва саклаш харажатлари 109944,0 млн. сўмни, яъни 63,8 фоизни, умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини куриш ва реконструкция қилиш харажатлари 31500,0 млн. сўмни, яъни 18,2 фоизни, Тошкент шаҳрининг айланма йўлларини реконструкция қилиш харажатлари микдори 10000,0 млн. сўмни, яъни 5,8 фоизни ташкил этди. Салмоғи бўйича биринчи ўринда умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини ремонт қилиш ва саклаш харажатлари, иккинчи ўринда умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини куриш ва реконструкция қилиш харажатлари, учинчи ўринда Тошкент шаҳрининг айланма йўлларини реконструкция қилиш харажатлари, тўртинчи ўринда умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини лойиҳалаштириш харажатлари туради.

17-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги
Республика Йўл жамғармасининг 2005 йилги асосий
харажатлари**

(млн. сўмда)

Т.р	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Харажатлар	172221,0
1	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини лойиҳалаштириш харажатлари	2450,0
2	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини куриш ва реконструкция қилиш харажатлари	31500,0
3	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини ремонт қилиш ва саклаш харажатлари	109944,0
4	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини саклаш учун машина ва механизмларни сотиб олиш	8500,0
	Харажатлар	
5	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Йўл жамғармасининг бошқарув аппарати харажатлари	274,0
6	«Ўзвестйўл» ДАҚ марказий бошқарув аппарати харажатлари	250,0
7	«Ўзвестйўл» ДАҚ худудий йўл-курилиш корхона ва ташкилотларининг бошқарув аппарати харажатлари	1450,0
8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон Қарори бўйича резерв харажатлар	7573,0
9	Тошкент шаҳрининг айланма йўлларини реконструкция қилиш харажатлари	10000,0
10	Бошқа жорий харажатлар	280,0
	Жумладан:	
10.1	Республика йўл жамғармалари ўртасидаги ўзаро шартномаларни бажариш, ДБҚ ва банк ходимларини божхона постларида валюта тушумларини йиғиш ва назорат қилиш харажатлари	280,0
	Жами даромадлар	172221,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон Қарори.

17-жадвалда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармасининг 2007 йилги харажатлари кўрсатилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республика Йўл жамғармасининг 2007 йилги харажатлари 2922996,0 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, Республика Йўл жамғармаси харажатларида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳа-лаштириш харажатлари миқдори 3400,0 млн. сўмни, яъни 1,2 фоизни, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва сақлаш харажатлари 154644,8,0 млн. сўмни, яъни 52,8 фоизни, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш харажатлари 83097,0 млн. сўм, яъни 28,4 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон Қарори бўйича резерв харажатлари миқдори 11100,0 млн. сўмни, яъни 3,8 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги 484-сон Қарорига асосан амалга ошириладиган харажатлар 18832,0 млн. сўмни, яъни 6,4 фоизни ташкил этди.

Салмоги бўйича биринчи ўринда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва сақлаш харажатлари, иккинчи ўринда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш харажатлари, учинчى ўринда давлатнинг инвестиция дастури харажатлари, тўртинчи ўринда резерв харажатлари туради.

Йўл жамғармасига келиб тушадиган ва автомобиль йўлларини сақлаш ҳамда таъмиrlаşgа ажратиладиган суммаларнинг мутлақ ортиши, ҳакиқий ифодаларда бўлса-да, улардан кўпчилигининг ҳолати қо-ниқарсизлигича қолмоқда. Йўлларда диагностика кузатуви ўтказилмаётганлиги сабабли уларнинг техник ҳолатининг ўзгариши тўғрисидаги ишончли маълумотлар мавжуд эмас, бу эса таъмиrlaş ишларининг аниқ манзилли режалаштирилишини мураккаблаштиради ва уларнинг бажарилиш сифатини баҳолашга имконият бермайди. Шу билан бирга, жамғарманинг йўл хўжалигини кўллаб-куvvatлашга йўналтирилган харажатлари миқдори республикадаги Иктисолиёт, Соғликни сақлаш, Молия, Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг бюджетларидан ортиқ, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий таълим, Халқ таълими вазирликларининг бюджетларидан эса кам.

18-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги
Республика Йўл жамғармасининг 2007 йилги
асосий харажатлари,**

(млн.сўмда)

Кўрсаткичлар		Микдори
Харажатлар		292996,0
1	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойихалаштириш харажатлари	3400,0
2	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш харажатлари	83097,0
3	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва саклаш харажатлари	154644,8,0
4	Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини саклаш учун машина ва механизмларни сотиб олиш харажатлари	11500,0
5	Йўл жамғармасининг бошқарув аппарати харажатлари	560,0
6	«Ўзавтойўл» ДАҚ марказий бошқарув аппарати харажатлари	260,0
7	«Ўзавтойўл» ДАҚ худудий йўл-курилиш корхона ва ташкилотларининг бошқарув аппарати харажатлари	1840,0
8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон Қарори бўйича резерв харажатлар	11100,0
9	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги 484-сон Қарори	18832,0
10	Бошқа жорий харажатлар	280,0
Жумладан:		
10.1	Республика Йўл жамғармалари ўртасидаги ўзаро шартномаларни бажариш, ДБҚ ва банк ходимларини божхона постларида валюта тушумларини йиғиш ва назорат қилиш харажатлари	390,0
	Йўл курилиш ишлари учун захира	7372,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-632-сон Қарори.

Энг юқори ялпи ҳудудий маҳсулотга (ЯҲМ) эга бўлган бешта ҳудудга — Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро, Тошкент ва Андижон вилоятларига — жамғарманинг умумий харажатларининг 63,5% и тўғри келган. Энг паст ЯҲМга эга бўлган бешта ҳудудга — Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Самарқанд, Жиззах ва Хоразм вилоятларига маблағларнинг 17,8% и тўғри келган, холос. Йўл ҳўжалигига ажратиладиган барча маблағлардан фойдаланишнинг комплекс самарадорлиги қўпинча нафақат уларнинг мутлақ миқдори, балки фойдаланиш таркиби, хусусан, автомобиль йўлларининг эксплуатацияси ва янги қурилишга бўлган маблағ пропорциялари билан ҳам аниқланади. Йўл тармоги етарлича молиялаштирилмаганда маблағларни тақсимлашда мақбул мутаносибликларни кузатиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳолатда янги қурилишнинг ортиши ҳисобига мавжуд йўлларнинг эксплуатация қилиниши учун маблағларнинг камайиши охиргисининг капиталталаблиги сабабли самарасиз ҳисбланади. Йўлларнинг реконструкция қилиниши уларнинг доимий таъмирланиши ва 10-20 йил саклаб турилишига қараганда уч баравар қимматга тушади.

Жамғарма бошқарув кенгаши Жамғарманинг юқори органидир. Жамғарман Бошқарув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланади. Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади, унинг тузилмаси ва ходимлари сони ҳам Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ижро этувчи дирекциянинг таъминоти бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Республика Йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ижро этувчи дирекция Жамғарма даромадлари ва харажатларини ижро этилиши тўғрисида бухгалтерия ҳисботи тузади ҳамда Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин Молия вазирлигига тақдим этади ва Республика Йўл жамғармаси маблағларини йиғиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради.

Жамғарма Бошқарув кенгаши:

❖ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси иштирокида жамғармага тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш масалалари юзасидан айрим вазирликлар ва идораларнинг ҳисботларини эшитади;

❖ Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ва “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компаниясининг автомобиль йўллари тармогини ривож-

лантириш ва такомиллаштиришнинг белгиланган тартибда тасдиқланган дастурлари, шунингдек, уларга комплекс хизмат кўрсатишини ҳамда зарур даражадаги техник ҳолати ва ўтказиш имкониятларини таъминлаш тадбирларидан келиб чиққан ҳолда жамғарма харажатларининг асосий йўналишлари, маблағлардан фойдаланиш устуворликлари тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади;

❖ ижро этувчи дирекциянинг амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма даромадларини шакллантириш ва сарфлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

❖ Республика Йўл жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадли фойдаланилишини назорат қиласди;

❖ Жамғарма даромадлари ва харажатларини ижро этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Республика Йўл жамғармаси маблағлари Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказидаги Жамғарманинг маҳсус мақсадли ҳисоб рақамида жамланади. Молия вазирлиги хузуридаги Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари, маблағлар шаклланниши ва сарфлашишининг мақсадли йўналиши сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг йиғма бюджети таркибига киритилади ва Республика Йўл жамғармаси маҳсус ялпи балансида акс эттирилади.

Жамғармага тушумлар туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига ва Давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармаларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамлари (банкнинг баланс ҳисоб рақами 20207) орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказидаги (банкнинг баланс ҳисоб рақами 21508) маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Республикамида 2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тутатилди ҳамда Молия вазирлиги хузурида Республика йўл жамғармаси тузилди. Ушбу йўл жамғармаси маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари зиммасига юклади. Шу тариқа Республика йўл жамғармасининг асосий вазифалари такомиллаштирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги
Республика Йўл жамғармасининг 2009 йилги даромадлари
ва харажатлари**

(млн. сўмда)

T/p	Кўрсаткичлар	Микдори
	Даромадлар жами	556913,6
1.	2009 йил бошига қолдик	35713,6
2.	Даромадлар	521200,0
2.1.	Корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотилиш ҳажмидан ажратмалар	480000,0
2.2.	Сотиб олинган ва вактингчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари кийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йигимлар:	28000,0
2.3.	Чет эл давлатларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган автотранспорт воситалари учун тўлов	11700,0
2.4.	Бошқа тушумлар	1500,0
	Харажатлар, жами	539320,0
1.	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойихалаштириш харажатлари	4500,0
2.	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция килиши харажатлари	224997,0
	Йўл бўйидаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш	5835,0
3.	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмираш ва саклаш харажатлари	267099,0
	Йўл бўйидаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш	17876,0
4.	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини саклаш учун машина ва механизмларни сотиб олиш харажатлари	13500,0
5.	Йўл жамғармасининг бошқарув харажатлари	1522,0
6.	«Ўзавтойўл» ДАҚ марказий бошқарув аппарати харажатлари	422,0
7.	«Ўзавтойўл» ДАҚ худудий йўл-курилиш корхона ва	3080,0
8.	ташкилотларининг бошқарув харажатлари	17200,0
9.	Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш, реконструкция килиши ва саклаш харажатлари	7000,0
10.	Бошқа харажатлар	600,0
11.	2009 йил охирига қолдик	16993,6

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги 1024-сон Қарори.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йигимлар давлат солиқлари ва йигимларига тенглаштирилади, уларнинг микдори ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади. Ажратмалар солиқ солиш объектидан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиқиб, ҳар ойда қуидагича ҳисоблаб чиқилади:

➤ ягона солиқ тўлови тўламайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай;

➤ микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлмаган тўловчилар томонидан - ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай;

➤ ажратмалар ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай, тўланади.

Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки солиқ органларининг ортиқча тўлов мавжудлиги тўғрисидаги хуносасига кўра туман молия бошқармаси билан келишилган холда солиқ тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 30 кун муддатда қайтарилади.

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизмат юрсатиш ҳажмини юқори суръатларда ўстиришга мавжуд базалар асосида эришиб бўлмайди. Шу сабабли 2008 йилда ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини янгилаш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилди.

Жадвалдан кўринадики, 2009 йилда темир йўл участкаларини электрлаштиришни 3 баравардан кўпроқ, темир йўлларни модернизациялаш ва реконструкциялашни 127,3%, темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўллари қуришни 125%, кўприклар қуришни 121,4%, юқори вольтли линияларни қуришни 184,2% га ўстириш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибида автомобиль йўллари тармоғи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур тармоқнинг умумий узунлиги 183,6 минг километрни ташкил этиб, шундан 23,2% умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, 36,6% хўжаликлараро қишлоқ йўлларини, 33,6% қишлоқ ва шаҳар кўчаларини, 3% корхоналарга қарашли йўлларни, 3,6% турли идораларга қарашли йўлларни ташкил этади.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини
янгилаш бүйича ишлар хажми**


Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоклари	Үлчов бирлиги	2008 йил	2009 йилга мұлжал	Ұсиш суръаты, %
Темир йүлларни модернизациялаш ва реконструциялаш	км	220	280	127,3
Темир йүл участкаларини электрлаштыриш	км	28	86	307,1
Темир йүл локомотивларини янгилаш	бирлик	18	20	111,1
Юк вагонлари паркими янгилаш	бирлик	1543	1723	111,7
Йүловын ташиш вагонлары паркими янгилаш	бирлик	8	8	100,0
Темир йүл күпприкларини куриш	бирлик	4	3	75,0
Темир йүл вокзалларини куриш ва модернизациялаш	бирлик	2	2	100,0
Темир йүл разъездлари ва корхонага кириш йүлларини куриш	бирлик	4	5	125,0
Автомобиль йүллари куриш ва реконструкциялаш	км	1728	1634	94,6
шу жумладан:				
халқаро аҳамиятдаги	км	472	518	109,7
Давлат аҳамиятдаги	км	764	619	81,0
махаллий аҳамиятдаги	км	492	497	101,0
Күпприклар куриш	бирлик	28	34	121,4
	п/м	2211	2962	134,0
Толали-оптик линияларни ёткизиш	км	535	70	13,1
Уяли алоқа узатувчи станцияларни үрнатыш	дана	1697	500	29,5
35 Кв дан катта юкори вольтли линияларни куриш	км	232,3	427,9	184,2
6-10 Кв юкори вольтли линияларни куриш	км	250	149,7	59,9

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизори, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иктиносидёт, 2009. 97б.

2008 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида куриш ва таъмирлаш бўйича аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жами 288,6 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 133% кўп) ишлар бажарилди. Инвестиция дастури бўйича 111,4 млрд. сўм (128%), мукаммал ва ўрта таъмирлаш бўйича 113,5 млрд. сўм (124%), жорий таъмирлаш бўйича 53,9 млрд. сўм (131%), йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш бўйича 9,8 млрд. сўм (4 баравар ортиқ) ҳажмда ишлар амалга оширилди.

3-диаграмма.

Республика автомобиль йўллари тармоғи таркиби, км



Манба. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиши бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иктиносидёт, 2009. 986.

4-диаграмма.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва таъмираш кўрсаткичлари



Манба. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиши бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иктиносидёт, 2009. 986.

Шунингдек, 2008 йилда хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмираш бўйича 12671 млн. сўмлик, шу жумладан, ка-

маҳсулот ва моддий-техник ресурсларнинг йўл ташкилотларига ўз вақтида етказиб берилмаслиги, етказиб берилган маҳсулот сифатининг техник талабларга мос келмаслиги;

⇒ Йўл жамғармасидан республика худудларига субвенциялар ва дотациялар ажратиш тизимининг такомиллашмаганлиги, шунингдек, улардан фойдаланишда қатъий тартиб-қоидаларнинг мавжуд эмаслиги;

⇒ йўлларнинг ишлаб чиқариш буюртмаларини жойлаштиришда ҳақиқий рақобатнинг мавжуд эмаслиги;

⇒ автомобиль йўлларини бошқариш тизими органларининг такомиллаштирилмаганлиги;

⇒ йўл хўжалигини қонуний таъминлашнинг камчиликлари - ҳозирги вақтда йўл тармоғини ривожлантириш йўналишларини аниқлаб берадиган, автомобил йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, куриш, реконструкция қилиш ва сақлаш жараёнида ўзаро муносабатда бўлган органлар ва ташкилотларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги.

Йўл хўжалигининг ёмон ҳолати билан боғлиқ харажатлар асосан, йўллардан фойдаланувчилар зиммасига юклатилади. Жаҳон банки томонидан амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, йўлларни таъмирлаш ва сақлаш харажатларининг "иктисод қилиниши" транспорт хизматлари қийматининг, демак, ташиладиган товарлар умумий қийматининг ортиши билан боғлиқ бўлади.

Жаҳон Тикланиш ва тараққиёт банки мутахассислари томонидан амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатдики, Йўл жамғармаси барча йўл ишларини молиялаштирганда, янги йўлларни курилиши учун харажатлар мавжуд йўл тармоғининг эксплуатация қилиниши бўйича ишларнинг молиялаштирилишини сикиб чиқариш хавфи туғилади. Бунга йўл қўймаслик учун, бир қатор мамлакатлар қонунчилигида янги йўлларнинг курилиши мавжуд йўлларнинг таъмирланиши ва сақлаб турилиши бўйича барча зарур ишлар амалга оширилганидан сўнггина, йўл жамғармаси томонидан молиялаштирилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Шундай қилиб, йўл хўжалиги фаолияти самарадорлигининг ошиши бир қатор ижобий ҳолатларга олиб келади:

◆ юк ва йўловчи ташиш бўйича жорий харажатлар камаяди;

◆ йўл-транспорт ҳодисалари ва ундан келадиган заарлар камаяди;

питал таъмирлаш бўйича 1371 млн. сўмлик, ўрта таъмирлаш бўйича 4617 млн. сўмлик, жорий таъмирлаш бўйича 6683 млн. сўмлик иш бажарилди. Бунинг натижасида 4702 минг кв.м ҳажмдаги йўл тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

4.4. Йўл жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш

Бугунги кунда республикамиз молия тизимида муҳим ўрин туттган бюджетдан ташқари давлат жамғармаларининг, хусусан, Республика Йўл жамғармасини самарали бошқарилишида хорижий мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланилиб, унинг фаолияти янада такомиллаштирилмоқда. Республика йўл жамғармаси даромад ва харажатларини самарали бошқаришнинг зарур чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда иқти-садий рағбатлантириш механизми такомиллаштирилмоқда.

Республика Йўл жамғармасини автомобиль йўлларининг курилиши ва реконструкцияси учун қилинган харажатларининг сезиларли даражада ортиши мос равишда улар тармоғининг кенгайиши ва сифатининг ошиши билан кузатилмаслиги ҳам табиий.

Бугунги кунда, йўл хўжалигида мавжуд муаммоларнинг жiddий сабаблари куйидагилар ҳисобланади:

⇒ инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланиши ва нархлар шаклланиши амалиётининг такомиллашмаганлиги. Натижада смета қиймати билан таққослаганда объектларнинг ҳақиқий қийматининг сезиларли даражада ортиши содир бўлади;

⇒ йўл ишларига бўлган харажатлар кўпинча амалдаги молиялаштиришдан ортиқ бўлади, бу қарздорликнинг юзага келиши ва йўл корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади;

⇒ Йўл жамғармасига солиқ тўловлари бўйича қарздорликни қоплашнинг такомиллашган тизими мавжуд эмаслиги. Маҳаллий корхоналарнинг тўловга қодир эмаслиги шунга олиб келдики, уларнинг 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига Жамғармага солиқ тўловлари бўйича қарздорлиги 59,7 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур қарздорликни реструктуризациялашнинг ҳаракатли механизmlарини ишлаб чиқиши жамғарма даромадларини тўлдириш билан ҳолатни яхшилашнинг таянч элементи бўлиши мумкин;

⇒ Йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, автомобил йўлларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва саклаш учун асосий моддий-техник ресурсларни марказлашган харид қилишнинг ташкил этилишидаги камчиликлар, айнан

◆ йўловчи ва юкларнинг йўлдаги вақти йўқотилишига чек кўйилади;

◆ атроф-мухит ифлосланишининг олди олинади.

Йўл хўжалиги бутун дунёда рентабелсиз ҳисобланади, унинг ривожланиши ва тутиб турилишида бутун жамият манфаатларини намоён этувчи давлат катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, давлат автомобиль йўлларининг қурилиши ва қўллаб-қувватланиши бўйича нодавлат компанияларнинг яратилиши, у ерга қўшимча маблағларни жалб этиш ва мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида мазкур соҳада рақобат муҳитини шакллантиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Шунинг учун давлат йўл ишларини ишлаб чиқариш буюртмаларига жойлаштирган ҳолда, давлат ва хусусий қурилиш компаниялари ўртасида рақобат муҳитини яратиши лозим.

Жаҳон тажрибаси шундай хулоса қилишга имкон беради: бюджет маблағларининг етишмаслигини ҳис қилмайдиган мамлакатларда фақат давлат ҳисобига йўл хўжалигини керакли даражада ривожлантириб бўлмайди. Шу муносабат билан йўлларни пуллик асосда қуриш ва эксплуатация қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши ўйли билан қўшимча молиялаштириш манбаларини қидиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Автомобиль йўлларининг пуллик участкаларидағи узунлиги, масалан АҚШда – 8 минг км, Францияда – 9 минг км, Японияда – 7,9 минг км, Италияда – 5,1 минг км ни ташкил этади. Бизнинг мамлакатимиздаги ягона пуллик автойўл обьекти Амударё орқали Ко-рақалпоғистон Республикасига ўтиладиган понтон қўпrik ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, автомобиль йўллари ва йўл обьектларини пуллик асосда эксплуатация қилишга ўтказиш уларнинг транспорт-эксплуатация ҳолати ва ҳаракатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар комплекси бажарилганидан сўнггина амалга оширилиши мумкин. Шундай экан, йўл хўжалигида хусусий секторнинг ривожланиши йўл хўжалиги сифатини ошириш, соҳани молиялаштириш шарт-шароитларини яхшилаш учун зарур чора-тадбир ҳисобланади.

Йўл қурилишини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, ортиқча бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш учун йўналтирила-

диган маблаглардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриш ва улардан фойдаланишини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292 Фармони қабул килинди. Мазкур Фармонга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси курилиш ва йўл-транспорти коммуникациялари комплекси, "Ўзавтойўл" концерни, йўл хўжалиги тизими бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг таклифларига асосан Ўзбекистон автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концерни Автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш Давлат акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) этиб қайта ташкил қилинди.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари куйидагилардан иборат:

- республикада автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштирища ягона техникавий, инвестиция ва ташки иктисодий сиёsatни ўтказиш;
- умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган кўприклар ҳамда тоннелларга комплекс хизмат кўrsatiш ва уларни тегишли техник ҳолатда сақлаш, ўтказиш қобилиятини, шунингдек, компания таркибига кирувчи пудрат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни мувофикалаштириш;
- автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;
- умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳа-лаш, куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалаларининг комплекс ҳал этилишини таъминлаш;
- умумий фойдаланиладиган автомобильда курилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш чогида белгиланган қоида ва сифат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш худудий шўъба йўл курилиш ташкилотлари зиммасига, автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасига комплекс хизмат кўrsatiш ҳамда уларнинг техник ҳолати устидан доимий назоратни амалга ошириш эса туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари зиммасига юкланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Ўзавтойўл" компаниясининг "Ўзавтойўл" худудий давлат-акциядорлик бирлашмалари негизида юридик шахс ҳукуқига эга бўлган худудий шўъба йўл қурилиш ташкилотлари (Қорақалпоқавтойўл, Андижонавтойўл, Бухороавтойўл, Жиззахавтойўл, Қашқадарёавтойўл, Навоийавтойўл, Наманганавтойўл, Самарқандавтойўл, Сурхондарёавтойўл, Сирдарёавтойўл, Тошкентавтойўл, Фарғонаавтойўл, Хоразмавтойўл) ташкил қилинди. "Ўзавтойўл" компанияси таркибида туман автомобиль йўллари бошқармалари, эксплуатация-линия, йўллардан фойдаланиш, йўл-кўприклардан фойдаланиш бошқармалари негизида туман йўл хўжалиги пудрат таъмиглаш-эксплуатация корхоналари тузилди.

Асосий таянч тушунчалар

Йўл хўжалиги, бюджетдан ташқари фонdlар, Бошқарув кенгагиши, давлат мақсадли жамғармалари, Йўл хўжалиги фаолияти, бандлик даражаси, Республика йўл жамғармаси, автомобиль йўллари тармоғи, умумий фойдаланиладиган йўллар, «Ўзавтойўл» ДАК ҳудудий йўл-курилиш корхонаси, мажбурий ажратмалар, иизимлар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Республикаизда йўл хўжалигининг аҳамиятини тушунтиринг.
2. Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари йўл жамғармалари фаолият кўрсатадими?
3. Республикаизда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришнинг назарий асосларини кўрсатинг.
4. Республика Йўл жамғармаси фаолиятининг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Йўл жамғармаси тўғрисида»ги Низомининг ҳукукий асослари нималардан иборат?
6. Республика Йул жамғармасининг асосий функциялари нималардан иборат?
7. Республика Йўл жамғармаси даромадлари қандай шакллантирилади?
8. Республика Йўл жамғармасининг асосий харажатларини кўрсатинг.

У БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ

5.1. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар бандлигини таъминлаш сиёсатининг стратегияси ва тактикаси

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилар экан, Президентимиз кўрсатмалари бўйича қуидаги муаммоларга алоҳида эътибор берилади:

- ❖ ишсизликка қарши курашиш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш жойлари билан таъминлаш муаммоларини ечиш;
- ❖ иқтисодиётнинг ижтимоий соҳаларини, ижимоий инфратизимни ривожлантириш,
- ❖ таълим, соғлиқни сақлашни, спортни ривожлантириш бўйича дастурларни амалга татбиқ этиш;
- ❖ кам таъминланган оиласларни кучли ижтимоий ҳимоялаш.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илфор тармоқларига ва соҳаларига жалб қилиш меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишининг хусусиятларидир. Ҳозир қишлоқ хўжалигига барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтириш, таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берилади. Шунинг учун ҳам ҳозир республикада ҳар бир фуқарога меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун имкониятлар яратилмоқда.

«Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳакини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича кўлга киритилган натижалар ҳакида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонли-

гининг мухим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эктиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳаки, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафака, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади»¹.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг иккичи босқичида хотин-қизларни, айникса, оналарни меҳнат билан банд қилиш ва уларнинг саломатлигини яхшилаш масалаларини ижтимоий сиёсатнинг мухим йўналиши сифатида ҳал этиш вазифаси кўйилди.

Ижтимоий барқарорликка давлатнинг ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилиши маълум. Иқтисодий адабиётларда кўрсатилишича, ижтимоий сиёсатни асосий йўналишлари қуидагилар ҳисобланади:

1. Фуқароларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлиги, касб ва меҳнат соҳасини эркин танлаш бўйича кафолатланган конституциявий хукуқларини таъминлаш. Меҳнатга лаёкатли аҳолининг ўзи меҳнат фаолияти шаклини эркин танлаш хукуқидан фойдалана бориб, ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан зарур даражада таъминлаши, оиласининг фаровонлиги, соғлом авлодни камол топтириш учун жавобгар бўлиши керак.

2. Ижтимоий муҳофазалаш аниқ ва мақсадли йўналтирилган бўлиши керак. Аҳолини турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиб — ижтимоий муҳофазанинг янги тизимини ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоғи лозим.

Самарали ижтимоий муҳофазалаш деганда жамиятнинг ҳар бир аъзосига маълум турмуш даражасини, ўз қобилиятининг (меҳнат, тадбиркорлик, шахсий) ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, у ёки бу қобилияtlар йўқотилган тақдирда (кексалар, ногиронлар, касаллар, болалар ва бошқалар) кафолатларини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланмана. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. 346.

Куйидаги кафолатлар унинг таркибий қисмлари бўлади:

- ❖ меҳнатга лаёқатлиларни иш билан бандлигини таъминлаш (ишликсиздан муҳофаза қилиш);
- ❖ меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;
- ❖ меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида нормал турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);
- ❖ турар-жой, маданий хизматлар ва соглиқни сақлаш хизматларини минимал тенг меъёрда таъминлаш;
- ❖ замонавий малакавий ишчи кучини шакллантириш учун зарур бўладиган маълумотни олиш.

Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида ҳам, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида ҳам иш билан бандлик ва ишсизлиқдан ҳимоялаш сиёсатини давлат бюджетидан молиялаштириш дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига асосланган. Аммо бу тажрибаларни кўпчилиги Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатининг чора-тадбирларига мос ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Иш билан бандликнинг тўрт жиҳатини ҳисобга олиш керак бўлади:

- иш билан бандлик инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи-меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғликлигидир;
- иш билан бандлик - ҳозирги кунда меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва уларнинг оиласаларини турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолатидир;
- ҳар кимнинг ва жамият фаровонлигининг негизи бўлган юкори унумли меҳнатни шакллантирилишидир;
- меҳнат фаолияти инсонни ўзгартириши, унинг касбий имкониятларини очиб бериши ва кўпайтириши ҳамда шахснинг ривожланишини рағбатлантирилишидир.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка боғлиқ муносабатлардир. Иш билан бандликка ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Иш билан бандлик муаммосининг ижтимоийлиги унинг аввал бошдан инсонга, унинг манфаатларига ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади. «Агар ўтиш даврида аҳолининг

аксарият қисми кам таъминланган оилаларга мансуб эканлигини инобатга олсак, бу тоифа одамларни айрим корхона ҳамда ташкилотларнинг ва бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, давлат бюджети, касаба уюшма маблағлари, мулкдор табақанинг хайрия фондлари ҳисобига «чорасизлик» даражасига туширмасликка қаратилган чора-тадбир сифатида қарааш мақсадга мувофиқ бўлди»¹.

Ижтимоий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан бирга қўшиб қаралганда иш билан бандликка ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қаралиши керак. Ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гурухларга ажратиши, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўлларини белгилаб беради. Иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффакиятини эътироф қилиш ва ҳал этиш ҳам маълум даражада боғлиқидир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандликнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- ❖ иш билан тўлиқ ва самарали бандликни бирга қўшиб олиб бориш;
- ❖ меҳнат самарадорлигини ошириш йўлида унинг тармоқлари, соҳалари;
- ❖ қасблар ва ҳудудлар ўртасида ишчи кучининг эркин харакатини шакллантириш;
- ❖ янгича меҳнат, тадбиркорлик ва ходимларнинг юқори унумли меҳнат қилишдан кучли манфаатдорлигини таъминлаш;
- ❖ меҳнаткашлар манфаатларини бозор иқтисодиётининг салбий оқибатларидан аниқ мақсад билан ҳимоялаш;
- ❖ меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги ва меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳамда вазифаларининг уйғунлашуви, ходимларнинг ижтимоий бокимандалигига барҳам бериш, муносиб турмушни таъминлайдиган иш топиш имконияти учун фуқаро билан давлатга баравар масъулият юкланганигидир. Бу хусусиятлар иш билан бандликнинг янги сифат хусусиятларини белгилаб беради, уларнинг шаклланишига тегишли иш билан бандлик сифати мос келиши лозим. Биз иш билан бандлик ва ижтимоий сиёсатга қўйилган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ри-

¹ Мамарахимов Х. Ижтимоий сиёсат ва сиёсий тизим баркарорлиги. Иқтисодиёт ва таълим. 2003. 2-сон. -44 бет.

вожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи сифатида қараймиз. Бунда иш билан бандлик сиёсатининг мақсадлари иш билан бандликнинг норматив ҳолатини акс эттириши керак. Ҳозирги кун муаммоларини ҳал қилиш билан бундай ҳолатта эришиш мумкин.

Иш билан бандлик сиёсати умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий даражага эга.

Умумдавлат иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантиришга; фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шарти бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилганлигидир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти бошқарув усулларида иқтисодий самарадорликни оширишга, хўжалик юритиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг истеъмол талабини қондириш учун иш кучини қайта гурӯхларга бўлишга қаратилганлигидир. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка кўмаклашиш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб қолади. Энг яқин тактик мақсад иш ўринларига бўлган талаб ва таклифнинг баланслаштиришдир. Бунга фақат ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансли бўлишига эришиш шартларига комплекс ёндашув билан эришиш мумкин. Бу муаммони ечишда кўпинчча, оммавий ишсизликнинг олдини олишнинг зарур шарти бўлган иш ўринларининг тизимини ривожлантиришга эътибор берилади.

Ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар меҳнат бозоридаги ижтимоий-меҳнат муносабатларининг асосий мазмунини ташкил қиласиди. Ишсизлик муаммосини ўрганишдан мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор чора-тадбирлар ишлаб чиқишидир. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун кўшимча ишчи ўринларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Меҳнатга лаёкатли ёшга етмаган аҳолини ижтимоий муҳофазалашдан мақсад бозор шароитларига мослашиш имконини жисмоний ҳамда маънавий нормал ривожланишини таъминлашдир. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг муҳим мезони иш билан бандликка боғлиқ муносабатлардир. Иш билан бандликка ижти-

моий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммосининг ижтимоийлиги унинг аввал бошдан инсонга, унинг манфаатларига ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганини билан белгиланади.

«Республикамиизда 2000- 2008 йилларда ўргача йиллик ўсиш суръатлари аҳоли ўртасида 1,3 фоизга, меҳнат ресурслари ўртасида эса 2,8 фоизга тенг бўлди. Натижада меҳнат ресурсларининг аҳоли ўртасидаги сони ва салмоғи узлуксиз тарзда ошиб бормоқда. Меҳнат ресурсларининг сони 1991- 2000 йилларда 2,5 млн. кишига, 2000- 2008 йилларда эса 3,1 млн. кишига ўсди. Унинг салмоғи 1991 йилда 49,5 % ва 2000 йилда 51,8 % дан 2007 йилга келиб 58,3 % га етди¹. Бундай вазият ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришини тақозо этади. Акс ҳолда, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик деганда ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганинига ва натижада, унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян ҳолати тушунилади. Одатда, «ишсизлик» тушунчаси БМТ, Халқаро Меҳнат Ташиклиоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти талабларига кўра ишлаб чиқилади. Халқаро ташкилотларнинг берган таърифига кўра «ишсиз шахслар» деганда - ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб этилади. Масалан, Америка Кўшма Штатларида, сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар, ишсиз шахс деб эътироф этилади. Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади. Айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан, ишсиз деб ишдан бўшатилган ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

¹ Қаюмов А. Минтакаларнинг демографик салоҳияти ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши. «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтакаларнинг барҳарор ривожланиши» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. Молия. 2008 йил. 30 май. -176.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги конунига биноан ишсиз шахс деб, «ўн олти ёшдан бошлаб, пенсия билан таъминлаш хукуқини олишгача ёшдаги меҳнатга қобилиятли, ишга ва иш ҳақига эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр, меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади»¹.

Республикамизда ижтимоий ёрдам тизимини хукуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланди. Кучли ижтимоий сиёsat мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу энг аввало, сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхширок рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли хукуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.

Ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳар бир шахс меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини намоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг ягона ва барқарор манбаидир. Меҳнат қилиш хукуқи, тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш хукуқи меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчаси уларнинг ҳаёт кечириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжини шу неъматлар билан кондирилиш даражаси сифатида аниқланади. Шунга кўра аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи омилларни кўриб чикиш мумкин.

Иқтисодиётда бозор қонунлари ва талабларига мувофик равишида рўй берәётган ўзгаришлар иш билан бандлик концепциясининг ўзгаришини келтириб чикаради. Мулкчилик муносабатлари бирламчидир, улар иккиласми ишлаб чиқариш муносабатлари сифатида намоён бўладиган иш билан бандликнинг муносабатларини белгилайди. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқилаётган иш билан бандликнинг янги концепциясида касаначилик, уй хўжалигига бажарила-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги конуни. З-модда.

диган меҳнат фаолияти шаклларини мутлақо қонуний ва ижтимоий эътироф этилган шакллар сифатида кўрсатилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда давлатнинг узоқ муддатли стратегияси мавжудлиги бозор иқтисодиётининг эҳтиёжларига жавоб берадиган иш билан бандликнинг замонавий кўринишини қарор топишига сабаб бўймокда.

Инглиз олими Жон Мейнард Кейнс давлат бозор иқтисодиётини тартибга солишга аралашувининг зарурлигини асослаб чиқди. Ж. Кейнс «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида ялпи талабнинг ялпи таклифга тенглиги тўғрисидаги «Сэй қонуни»ни таңқид қилиб, бозор ўзини-ўзи тартибга сола оладиган кўнгилдагидек механизм бўла олмайди, у самарали талабни таъминлашга қодир эмас, чунки бозор субъектларининг даромадлари ундан юқорироқ бўлади, деб таъкидлайди. Шу боис Кейнснинг фикрича, давлат пул-бандлик ва бюджет сиёсати ёрдамида тўловга қобилиятли талабнинг ошиб боришини рагбатлантиришга аралашиб бориши зарур.

Президент И.Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" мавзусидаги маъruzасида XXI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чукурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларидан бири — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади. Ушбу вазифани амалга ошириш учун куйидагилар бажарилади:

1. Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиктисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, яқин беш йил ичida иш ҳақининг энг кам миқдорини 15 баравар оширилиши мўлжалланмоқда. Энг кам иш ҳақи миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан кўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баробар оширилишига имкон беради.

2. Аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш кўзда тутилади. Бунинг учун ўрнатилган қатъий чораларни кўриш натижасида яқин беш-олти йил ичida пулнинг қадрсизланиши даражасини 6-8 фоиз камайишига эришиш вазифаси белгиланган. Пулнинг харид қувватини ошириш учун ички истеъмол бозорини миллий кундалик зарур товарлар

билин тўлдириш чора-тадбирларини кўриш зарур бўлади. Шу мақсадда саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушкини яқин беш йил ичida 50% га етказиш вазифаси қўйилади.

3. Аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш ва шу билан бир қаторда факат ҳақиқатда ёрдамга муҳтоҷ бўлган кишилар ва оиласаргагина ижтимоий ёрдам берилишини таъминлаш. Бунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла) орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида ногирон болалар тиббий ва ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилишни, болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўрганиш ва сўнгра ишга жойлаштиришни кўзда тутадиган маҳсус Давлат дастурини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши вазифаси белгиланган. Бу ишларни бажариш учун эса давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни, хайрия ташкилотларини, тадбиркорлар ва ҳомийларнинг маблагини кенг жалб этиш кўзда тутилди.

4. Меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолини иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол ижтимоий сиёсат ўтказиш вазифаси қўйилди.

5. Аҳолининг турмушини яхшилаш мақсадида қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қабул килинган Давлат дастурини бажариш лозимлиги кўрсатаб ўтилди. Унга кўра 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 80% га, табиий газ билан таъминлаш 82% га етказилди. Бунинг учун эса, 1999- 2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрг яқин газ тармоқлари, 18 минг километр сув қувури тармоқлари ишга туширилди. Ушбу вазифаларни бажарилишининг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, И. Каримов халқ фаровонлигини барқарор, муттасил оширишни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўналиш килиб белгилаб, шу йўл билан ислоҳотлар факат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий қоидамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз, — деб таъкидлади.

Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва камбағалларга ажralиб кетишига йўл кўймаслик керак. Аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ кат-

лами- болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-кувватлаш ишларини амалга ошириш зарур. Шу боис ижтимоий қўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий химоялашнинг таъсиричан механизмини шакллантириш йўлини давом эттириш лозим. Моддий ёрдам муайян оиласларга етиб бориши, бироқ, бу муайян кишиларга мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши даркор. Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини бундан бўён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зурур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим. Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бутун чоралар билан қўмаклашиши ва ёрдам кўрсатиши лозим. Демак, маҳаллий ҳокимият органларининг хукукий ваколатларини ошириш керак. Шу билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ижтимоий йўналишни кучайтириш зарур. Бугунги кунда айни ҳокимликлар аҳолини кундалик зарур истеъмол моллари, ижтимоий, майний хизматларнинг хилма-хил турлари билан боғлиқ тизилмаларнинг бетўхтов ишлаши, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этиш учун масъулдир.

Ижтимоий муҳофаза мазмунини аниқлашга ёндашилганда қуидаги кафолатлар унинг таркибий қисмларига айланади:

- Ф меҳнатга лаёқатлиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш;
- Ф меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гурухларини нафақалар билан таъминлаш;
- Ф меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида нормал турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);
- Ф турар-жой, маданий хизматлар ва соғлиқни сақлаш хизматларини минимал teng меъёрда таъминлаш;
- Ф замонавий малакавий ишчи кучини шакллантириш учун зарур бўладиган маълумотни олиш»¹.

Миллий ижтимоий муҳофаза тизимларини ташкил этишдаги хилма-хиллик мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва хукукий ривожланиш даражаси, уларнинг жўғрофий жойлашиш хусусиятлари, давлат курилиши шакли, маданий ва тарихий анъаналари, фуқаролик жамиятининг мавжудлиги ва шу кабилар билан изоҳланади.

¹ Абдурахмонов К.Х. Мехнат иқтисодиёти. Дарслик. "Мехнат" нашриёти. 2004йил. 117-6.

5.2. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва иш ўрииларини яратиш муаммолари

Ўзбекистонда ишсизликнинг кескин кўпайиши иш билан бандлик сиёсатининг нормал эволюцияси йўлидан изчил боришга имкон бермайди. Шунинг учун иш билан бандликни таъминлашнинг хилма-хил дастурларини давлатнинг ҳақиқий молиявий имкониятлари билан мувофиқлаштиrmай, унинг барча йўналишларини бир йўлга қамраб олишга эътибор қаратиш мумкин эмас.

Бозор иктисадиётининг таркибий қисмларидан бири меҳнат ресурслари бозоридир. Меҳнат ресурслари бозоридаги мувозанатни белгилайдиган куйидаги мезонлар мавжуд:

- аҳолининг демографик ҳолати;
- пенсия ёши;
- нафақаларнинг миқдори ва характеристи;
- иктисадий ўсиш суръати;
- хусусийлаштириш суръати;
- ўзини-ўзи банд қилиш имконияти;
- илмий-техника сиёсати;
- ички меҳнат миграцияси;
- ташқи меҳнат миграцияси.

Республикада иш билан бандликнинг фаол сиёсатини олиб боришда ишсизларни ҳисобга олиш, рўйхатга қўйиш, уларни самарали кўллаб-куватлаш мақсадида ижтимоий ҳимоялаш услублари амалга оширилиши зарур. Мазкур чора-тадбирларга йўналтирилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган молиявий маблағларни мувофиқ тарзда тақсимлаб, меҳнат бозорини тартибга солишининг умумдавлат ва минтақавий соҳаларини белгилаб олиш керак. Маҳаллий меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида ажратилган маблағларнинг ҳар бир сўмини иш билан бандликнинг ўсиши кўринишидаги самара билан қайтиши, уни қаерга йўллаш кераклигини аниқлаш зарур бўлади. Иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш усувлари ҳам қайта кўриб чиқилиши керак. Маъмурий усувлар меҳнат бозори ишига бевосита, баъзида ҳатто бозор механизмини бузиб, аралашувни назарда тутади. Тартибга солишининг иктисадий усувлари буйруқ эмас, тавсия, рагбатлантириш усувлари асосида амалга ошади.

Шундай қилиб, иш билан бандликни тартибга солишининг фаол иктисадий усувларига куйидаги тадбирларни киритиш мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий вазиятни умумий соғломлаштиришда Давлат бюджетининг ролини ошириш, инвестициявий фаолини рафбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишга эришиш;
- иқтисодиётнинг нодавлат секторларини ривожлантириш ва кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, жумладан, хусусий бизнес ва ўзини-ўзи иш билан банд қилишни қўллаб-кувватлаш;
- иш билан бандлик тузилмасини яратиш мақсадида касбий ўқитиш, қайта тайёрлаш ва маслаҳат беришни таъминлаш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу вазифаларни амалга ошириш ҳамиша муҳим ҳисобланади. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ишсизлик даражасининг камайишига ва республикамизда кучли ижтимоий сиёsat олиб боришга имкон беради. Республикамизда «ходимнинг иш жойига ва бажараётган иш хусусиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, иш вақтида ўқишини давом эттириш хукуқи берилиши нафақат ишлаб чиқариш заруриятидан, балки, шахснинг ўзининг манфаати ҳамда эҳтиёжи учун керак бўлади»¹, бунда ишсизларнинг мактабда олган бошланғич билимларига мос равишида дастурлар тузилади, шу йўл билан давлат уларга таълим олиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг “Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёsatининг асосий принциплари” номли 5-моддасида таъкидланганидек, «давлат иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қиласан фуқароларни янги касбга бепул ўқитишини, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб, малакасини оширишни кафолатлади»¹. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёsatини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш ва меҳнат органларини самарали фаолият кўрсатиши учун Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган мақсадли «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат мақсадли жамгармаси маблағларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 25 июлдаги фармойиши билан ташкил этилган фуқароларнинг ёлланиб (кунбай) ишлаши тўғрисидаги масалани ўрганиш бўйича Республика комиссияси фуқароларнинг вақтинчалик, бир марталик иш-

¹ Худойбердиев З. Профессиональная подготовка кадров: как это делается в Западноевропейских компаниях? Экономический вестник Узбекистана 2001 № 11. -42стр.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни, 5-модда.

ларни бажариши масалаларини ўрганиб чиқди.

Таҳлиллар вақтингчалик бир марталик ишларни бажарувчи кўпчилик шахслар, энг аввало ёшлар, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётганлигини, уларнинг кўпчилиги зарур меҳнат кўнимкалари, касблар ва малакага эга эмаслигини кўрсатди. Вақтингчалик бир марталик ишларни бажарувчи фуқароларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, улар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш ва уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 18 майда «Вақтингчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Вақтингчалик иш билан таъминлаш марказларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- вақтингчалик бир марталик ишларга ёлланишда фуқароларга кўмаклашиш;
- вақтингчалик бир марталик ишларни бажарувчи фуқароларга янгидан ташкил этилган ва бўш иш жойларида ишга жойлашиш, касб-кор тайёргарлиги, ўз ишини ташкил этиш ва юритиш масалалари бўйича маслаҳат ва касбга йўллаш хизматлари кўрсатиш;
- вақтингчалик бир марталик ишларни бажариш учун фуқароларни ёллашда иш берувчи хусусий шахсларга кўмаклашиш;
- вақтингчалик бир марталик иш изловчи фуқароларни хабардор килиш учун хусусий иш берувчилар томонидан бериладиган иш турлари тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш;
- вақтингчалик бир марталик ишга ёлланувчи фуқароларни ишларни бажаришда жамоат тартибига риоя қилиш, паспорт режими қоидалари, шунингдек, меҳнат хавфсизлигининг асосий қоидалари тўғрисида хабардор қилиш;
- манфаатдор иш берувчилар ва вақтингчалик бир марталик иш изловчи шахслар иштироқида бўш иш ўринлари ярмаркаларини мунтазам равишда ўтказиш;
- вақтингчалик бир марталик иш изловчи фуқаролар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, овқатланиш шохобчалари ташкил этиш;
- жамоат тартибини сақлаш, вақтингчалик бир марталик ишларни бажарувчи фуқаролар томонидан қонун хужжатлари бузилишининг олдини олиш.

«Фуқароларни вақтингчалик бир марталик ишларни бажаришга ёллаётган иш берувчилар:

- ёлланган фуқароларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиб беришга;
- фуқаролар томонидан бажарилған ишлар учун иш ҳақини оғзаки келишувга мувофиқ түлиқ ҳажмда ва ўз вактида тўлашга;
- фуқаролар вақтингчалик бир марталик ишни бажараётган вақтида уларни зарур ижтимоий-маший шарт-шароитлар билан таъминлашга;
- ёлланган ходим томонидан амалдаги қонун хужжатлари таалблари бузилиши ва ходим вақтингчалик бир марталик ишларни бажараётган вақтида у билан юз берган баҳтсиз ҳодисалар тўгрисида Марказга ёки ваколатли органларга зудлик билан хабар беришга мажбурдир»¹.

Ички ишлар идоралари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда вақтингчалик бир марталик ишларни бажариш учун доимий яшаш жойидан ташқарига мунтазам равишида кетиб қолаётган, оиласи моддий таъминлашга оид мажбуриятларини бажаришдан бош тортиб юрган, жамиятга зид турмуш тарзи олиб бораётган шахсларни, улар доимий яшайдиган жойларида иш билан таъминлаш мақсадида мониторинг олиб боради.

Давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари ёрдамида ва бандликка таъсир этувчи таркибий соҳа структураларини яратишини рағбатлантириш билан бандлик муаммоларини ечиш мумкин. Ана шундай муассасалардан бири – Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси бўлиб, у янги иш ўринлари яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шунингдек, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни қўллаб-куватлашга кўмаклашади.

5.3. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг аҳамияти

Президентимиз И. Каримов 2007 йил мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида 2008 йил иктиносидий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини кўрсатиб бердилар. Унга кўра, Республикаизда меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш сифатини изчил оширишни таъминлаш, кичик

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 18 майдаги 223-сон Қарори билан тасдиқланган «Вақтингчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази тўгрисида»ги Намунавий Низом. 12-банди.

бизнес ва тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш лозим.

Республикамизда кишиларнинг меҳнат қилиш ҳуқуки, тадбиркорлик билан шугулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуки меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти ривожланган сари иқтисодиётнинг нодавлат секторини малакали ишчи кучига талаби ошади. Шу боис малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига, инфляция таъсиридан аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилиш, нарх ошишидан кўрадиган заарани аҳолининг даромадини ошириш орқали қоплаш мумкин. Аҳолига ишсизлик учун бериладиган нафақаларга ажратилган молиявий маблағларни уларни ишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат қилишга қайтариш учун субсидиялар, дотациялар кўринишда бериш ўз самарасини кўрсатиши мумкин.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш ташкил этилди. Ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича болалар ногиронлигининг олдини олишини, уларга мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касбга ўргатиш ва ишга жойлаштириш кўзда тутилган маҳсус давлат дастури ишлаб чиқилди.

Меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо қилиш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш фаол ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидир. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шартшароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда қишлоқ жойларда ислоҳотлар давомида қишлоқ хўжалигидан бўшаб келаётган ортиқча ишли кучларни жалб этишини ҳисобга олган ҳолда молиявий манбалар мустаҳкамланган янги иш жойлари барпо этмоқда. Шу билан бирга, жойларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишилар худудларни ободонлаштириш, йўллар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш каби ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб этилмоқда.

5.4. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этишнинг асосий мақсади ва даромадлари

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунида аҳолининг иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси тузилиши кўрсатилган.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги тегишли республика, худудий ва бошқа маҳсус дастурларга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси аҳолининг бандлик давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун ташкил қилинган. Бу жамғармани ташкил этиш зарурияти, мамлакатимизда ишсизларнинг юзага келиши билан изоҳланади, тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни кўллаб-кувватлашга кўмаклашади. «Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш марказлари самарали фаолият кўрсатишида маблағ билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибида ташкил этилган»¹.

21-жадвал.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг даромадлари ва харажатлари

(млн сўмда)

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2005	2006	2007	2008
Йил бошига колдик	1549,4	1804,6	4524,5	509,1
Даромадлар	28790,4	37352,5	41400,2	46206,2
Харажатлар	28535,2	34632,6	45415,6	46571,2
Йил охирига колдик	1804,6	4524,5	509,1	144,1

Манба: Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг маълумотлари.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сонли Карори билан тасдиқланган «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

«Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» жамғарма давлат мақсадли жамғармаси хисобланади ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қуидагилар хисобидан ҳосил этилади:

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳак тўлаш фондидан мажбурий ажратмалар;
- республика бюджетидан тегишли бюджетларни шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат органлари томонидан белгиланадиган миқдордаги дотациялар;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бузганлик учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан солинадиган жарима, хисоблаб чиқариладиган пенялар суммаси;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг қўшимча ва янги иш жойларини яратиш учун иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблагларидан шартнома асосида фойдаланишдан келган даромадлар;
- «кўшимча ва янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес субъектларини кредитлашда тижорат банклари томонидан очилган кредит линияларидан фоизлар», қонун ҳужжатларига мувофик бошқа тушумлар¹.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ажратмалари хисобига ҳосил этиладиган «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» давлат жамғармаси маблагларининг 70% туманлар ва шаҳарлар ўргасида қайта тақсимлаш шарти билан вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органларининг тасарруфида қолади, 30 % республика миқёсида марказлаштирилади.

Амалиётда маблаг келадиган асосий маңба - иш берувчи тўлайдиган иш ҳақи фондидан мажбурий ажратмалар мавжуд. Бу ўринда ҳам фондни таъминлаш асосан корхона ва муассасалар зиммасига тушишини таъкидлаб ўтиш зарур. Фонд ўз тасарруфига келиб тушаётган маблагларни тижорат фаолияти хисобидан кўпайтириш хукуқига эга бўлса-да, бундан кам фойдаланилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги конуни. 21-модда.

5.5. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма фаолиятининг молиявий муаммолари

Иқтисодий тизимларнинг ривожланиши иш билан бандликнинг белгиланган аниқ даражасига мос келиши лозим. Бунда иш билан бандлик даражаси, ижтимоий фойдали меҳнат соҳасида меҳнатга лаёқатли ахолидан фойдаланиш даражасини характерлайди. Бу кўрсаткичнинг кўтарилиши мамлакатда иқтисодий ҳолатлар мураккаблашувининг олдини олади. Шундай бўлсада, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатнинг ўзаро боғлиқлиги, пировардидаги ишсизликни ёки ишчи кучи тақчиллигини юзага келтириши мумкин. Табиийки, янгича муносабатлар шароитида бандлик хизмати фаолиятини баҳолаш учун янги усууллар, мезонлар мувофиқлигига янгича йўналишдаги стратегия ишлаб чиқилмоқда.

Бандлик хизматининг меҳнат бозори сегментидаги жойлашувининг жиддий равишда ўзгариши иш берувчилар билан ишсизлар ўртасида устун даражада фаолият юритишининг бевосита воситачилик ролидан билвосита воситачилик ролига ўтиши ишсиз юрган фуқароларни иш билан таъминлаш ва бўш иш жойларини тўлдиришни тезлаштириш мақсадида ҳар иккала мижознинг мустақил фаолият юритишлирига олиб келади. Бандлик хизмати ўз ишини асосий мижозлари билан шундай ташкил қиласиди, бунда иш берувчи меҳнат бозорининг ҳолатига қараб, келажакда ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши бўйича олдиндан ўз стратегиясини ишлаб чиқиши ва кадрлар тайёрлаш масаласини ҳам килиши зарур бўлади. Ишсизлар эса, касбий малакаларини ўстириш ва меҳнат бозоридаги рақобат курашига психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари зарурлигини ифодалайди.

Бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптималь усууллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан боғлиқ ҳолда:

1. Бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун татбиқ этилаётган усуулларни тизимлаштириш.
2. Худудий бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизими ва усуулларини тахлил этиш.
3. Бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўtkазиш ва тавсияномалар ишлаб чиқиш каби масалалар ҳам муҳим ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида бандлик хизмати ҳар қандай давлат таш-

килоти сингари погонали тузилмаларга эга, шунинг учун унинг фаолиятини баҳолаш турли даражалардаги бошқарув органлари сифатида, яъни: юкори даражада республика миқёсида, ўрта даражада ҳудуд (вилоят) миқёсида, куйи даражада жойлардаги меҳнат органлари (туман) миқёсида амалга оширилади.

Худудий бандлик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ҳисоблаш услугиятини қараб чиқадиган бўлсак, Республика Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги худудий бандлик хизмати органларининг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозори мониторингини мустаҳкамлаш мақсадида худудий бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш уч кисмга бўлинади:

1. Иш изловчи фуқароларнинг бандлик хизматига мурожаат этилганлик даражасини баҳолаш.

2. Иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

3. Иш берувчилар билан ишлаш¹.

Иш изловчи фуқароларнинг бандлик хизматига мурожаат этилганлик даражасини баҳолаш:

1. Корхоналардан бўшатилган ходимларни бандлик хизматига жалб этилганлик даражаси, бандлик хизматига мурожаат қилганлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати.

2. Бандлик хизмати кўмаги билан ишга жойлаштириш даражаси, муйян даврда жами корхона ва ташкилотларга қабул қилинганлар ичида бандлик хизмати ёрдами билан ишга жойлашганлар ҳиссаси.

Иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлиги:

1. Ишга жойлаштириш кўрсаткичлари ва харажатларини баҳолаш.

2. Бандлик хизмати кўмаги билан ишга жойлашганлар салмоғи, ҳисбот даврида жами ишга жойлашганларнинг иш излаш мақсадида ҳисобда турган жами фуқаролар сонига нисбати.

3. Ишсизларга нафақа тайинлаш муддатининг бажарилиши,

¹ Арабов Н. Давлат бандлик хизмати фаолиятини баҳолаш. // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №3. -56 б.

муддатида ишсизлик бўйича нафақа тайинланмаганларнинг қонун бўйича жами нафақа оладиганлар сонига нисбати.

4. Ишсизлик һафақаси тўланишининг кечикирилиши, ўз вақтида нафақа олмайдиган ишсизлар сонининг ҳисобот давридаги жами нафақа олувчиларга нисбати.

5. Ишсизлик бўйича нафақа тўловларининг тайинланиш сифати, нафақаларнинг тайинланиши бўйича шикоят қилгандарнинг талаби қондирилиши миқдорининг жами нафақа олувчилар сонига нисбати.

6. Ноқонуний йўллар билан олинган нафақаларнинг қайтарилиши ҳисобига аҳолини иш билан таъминлаш жамғармасига қайтарилиган маблағларнинг ҳиссаси, қайтарилиган маблағлар суммасини иш билан таъминлаш жамғармаси жами харажатларига нисбати.

7. Махсус дастурларга қилинган харажатлар, ҳисобот даврида аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси томонидан жами маҳсус дастурларга қилинган харажатларни ишсизлар сонига нисбати.

Ходимлар ишининг самарадорлигини белгилаш йўллари:

◆ ишга жойлаштириш бўйича ходимлар ишларининг самарадорлиги, муайян давр мобайнида ишга жойлашганлар сонининг асосий ходимлар сонига нисбати.

◆ аҳолини қабул қилиш бўйича ходимларнинг иш билан таъминланганлиги, бандлик хизматига иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқаролар сонининг асосий ходимлар сонига нисбати.

Иш берувчилар билан ишлаш технологиялари:

◆ ишчи кучига талабнинг қондирилиши;

◆ бандлик хизматида мавжуд бўш иш ўринларини ифодалаш коэффициенти, бандлик хизмати органларининг ой охиридаги бўш иш ўринлари миқдорининг статистка органларининг ой охиридаги бўш иш ўринларига нисбати;

◆ Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига сугурта ажратмаларининг келиб тушиш даражаси, ҳисобот даврида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига келиб тушган маблағлар суммасини ҳудуддаги ҳақиқий иш ҳақи жамғармасидан ажратилгай сугурта ажратмаларига нисбати.

Худудий бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш бўйича юқорида келтирилган кўрсаткичлар бандлик хизмати органлари ривожланишининг турли босқичларида кенгайиб бормоқда ҳамда фаолият йўналишларига боғлиқ равишда ўзгармоқда. Мутахассисларнинг фикрича, вилоятлар бандлик хиз-

мати органлари фаолиятларининг натижаларини ҳар томонлама ўзаро солиштириш мумкин бўлган кўрсаткичлар тизимининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши керак.

Куйидаги кўрсаткичларни ўрганиб чиқамиз:

иш изловчи фуқароларнинг бандлик хизматига жалб этилганлик даражаси (D_T), куйидагича хисобланган:

$$D_T = \left(\frac{M\Phi_I + M\Phi_M}{ИФА} \right) \times 100\% = \frac{49781+23250}{1418.200} \times 100\% = 5.2$$

Бу ерда: $M\Phi_I$ (киши хисобида) - иш топиш мақсадида бандлик хизмати органларига мурожаат қилган фуқаролар сони;

$M\Phi_M$ (киши хисобида) - маслаҳат учун бандлик хизмати органларига мурожаат қилган фуқаролар сони;

ИФА - иктиносий фаол аҳоли сони.

Бандлик хизмати органлари кўмаги билан ишга жойлаштириш даражаси (Диж)

$$D_{иж} = \frac{C_{иж}}{C_{ик}} \times 100\% = \frac{38397}{110974} \times 100 = 34.6\%$$

Бу ерда: $C_{иж}$ (киши хисобида) - бандлик хизмати органлари кўмаги билан ишга жойлашгандар сони;

$C_{ик}$ (киши хисобида) худудда корхоналарга ишга қабул қилинганлар сони.

Юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар нафақат ишсизлик ҳолагини ҳар томонлама таърифлайди, балки бандлик хизмати органлари фаолиятининг самараదорлигини баҳолашда асос ҳисобланади. Бирок, бандлик хизмати ўзининг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсади йўлида, иш берувчилар ва ишсизлар ўртасидаги воситачилик ролидан билвосита воситачилик ролига ўтиши орқали ўз мижозлари ҳаракатларини координатори сифатида янги иш билан бандлик концепциясини такомиллаштириши зарур.

Республикамида ишга жойлаштиришга кўмаклашиш масаласи иш берувчилар ва ишсизлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришни назарда тутади. Муносабатларнинг бундай баҳолаш мезони иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондириш имкониятлари ҳисобланади. Шундай экан, бандлик хизмати ишининг самараదор-

лигини баҳолаш учун иш берувчилар ва ишсизлар талабининг қондирилиш даражасини аниқлаш зарур.

Иқтисодчи Н. Арабов томонидан меҳнат бозори конъюктураси нуқтаи назаридан қуидаги кўрсаткичларни бандлик хизмати орғанлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг амалдаги комплекс кўрсаткичлар тизимига қўшиш таклиф этилади:

1. Меҳнат бозори сегментидаги талаб ва таклифнинг номуво-фиқлиги даражаси:

$$\Delta_{\text{и}} = \frac{Б \times 100\%}{С_{\text{и}}} ; (\%)$$

Бу ерда Б (минг киши) бандлик хизмати ҳисобидаги бўш иш жойлари сони;

С_и рўйхатдаги ишсизлар сони.

2. Иш изловчи фуқароларни ишга жойлаштириш коэффициенти (К_{иж})

$$K_{\text{иж}} = \frac{C_{\text{иж}} \times 100\%}{C_{\text{ии}}}$$

Бу ерда С_{ии} (минг киши) - бандлик хизматига иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқаролардан ишга жойлашганлари сони; С_{иж} (минг киши) - иқтисодиёт тармоқларида ишлайдиганлар сони.

$$K_{\text{иж}} = \frac{C_{\text{иж}} \times 100\%}{И_k} ; (\%)$$

И_к (минг киши) - иқтисодиётда жами ишга қабул қилинганлар сони.

3. Бандлик хизмати орғанларининг меҳнат бозорини қамраб олиш даражаси.

а) бўш иш жойлари сони бўйича;

$$\Delta_{\text{биж}} = \frac{Б \times 100\%}{И_k} ; (\%)$$

Бу ерда Б (минг киши) - ҳисобот даврида бандлик хизмати

органларида мавжуд бўш иш ўринлари сони;

И_к (минг киши) - ҳисобот даврида халқ хўжалигида жами ишга қабул қилинганлар сони.

б) корхоналарга жалб қилинганлар сони бўйича:

$$Д_{корх} = \frac{K \times 100\%}{К_{жами}} ;(%)$$

Бу ерда К (мингта) - бандлик хизмати органларига бўш иш жойларини таклиф этган корхоналар сони;

К_{жами} (мингта) - вилоятдаги жами корхоналар сони, рўйхатдаги ишсизлар сони бўйича:

$$Д_{Ри} = \frac{С_{ишсиз} \times 100\%}{Б_{ифа}} ;(%)$$

Бу ерда С_{ишсиз} (минг киши) - ҳисобот даврида бандлик хизмати органлари рўйхатидаги турган ишсизлар сони;

Б_{ифа} (минг киши) - ўрта йиллик иқтисодий фаол аҳоли ичида иш билан банд бўлмаганлар сони.

4. Мурожаат қилиш коэффициенти (К_м)

$$К_м = \frac{С_{жм} \times 100\%}{С_{ум}} ;(%)$$

Бу ерда С_{жм} (минг киши) - жорий даврда бандлик хизматига мурожаат қилган фуқаролар сони;

С_{ум} (минг киши) - ўтган даврда бандлик хизматига мурожаат қилган фуқаролар сони.

5. Иш жойларига талабнинг қаноатлантириш даражаси.

Корхоналарда иқтисодий жиҳатдан мақсаддага мувофиқ бўлмаган мавжуд иш жойларининг маълум миқдорини ифодалайдиган кўрсаткич ($Д_{ИМБ}$).

$$Д_{ИМБ} = \frac{И_н \times 100\%}{И_к} ;(%)$$

Бу ерда I_n - корхоналардаги талабга жавоб бермайдиган иш жойлари миқдори;

I_k корхоналардаги талабга жавоб берадиган иш жойлари миқдори.

Бу кўрсаткичнинг ўсиб бориши корхона фаолиятидаги салбий натижаларга ва расмий иш билан бандликнинг ошишига олиб келади. Бу коэффициент 0,5 га генг бўлганда, корхона хўжалик фаолияти ҳолатини таҳлил этиш асосида хулосалар чиқариб, ижтимоий иқтисодий жиҳатдан салбий натижаларга олиб келадиган бундай иш жойларини иш берувчилар томонидан қисқартиришга йўналтириши зарур.

6. Ишчи таклифи бўйича иш жойларининг қаноатлантириш даражаси. Ривожланиш истиқболи, иш ҳақи, меҳнат шароитлари бўйича ишчи кучи талабига мувофиқ корхоналарда мавжуд иш жойларини ифодалайдиган кўрсаткич ($D_{кор.кан}$)

$$D_{кор.кан} = \frac{I_{кан} \times 100\%}{I_{жами}} ; (\%)$$

Бу ерда $I_{кан}$ - корхоналарда ишчиларни қаноатлантириш жойлари миқдори;

$I_{жами}$ - корхоналарда жами иш жойлари миқдори.

Корхоналарда ишчиларнинг талабига жавоб берадиган иш жойларининг ортиб бориши кадрлар қўнимсизлигининг камайишига, ишчи-ходимларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлиги ошишига ва умуман, ишлаб чиқариш самарадорлиги юксалишига шароит яратади.

5.6. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўллари

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида шаклланади. Жамғарма маблағлари мамлакатнинг давлат мулки ҳисобланади. Жамғармани бошқариш иш билан таъминлаш марказлари зиммасига юқлатилиди.

Жамғарманинг маблағлари қўйидагиларга йўналтирилади:

- бандлик сиёсати дастурларини амалга ошириш;
- қасбга ўқитиш ва маслаҳатлар бериш;
- иш жойларини яратиш ва сақлаш;

- жамоат ишларини ташкил қилиш;
- ишсизлик нафақаси билан таъминлаш;
- бандлик дастурини ахборотлар билан таъминлаш;
- сұғурта захирасини ташкил қилиш;
- жамғарманинг жорий харажатларини таъминлаш.

Мазкур жамғарманинг фаолияти ижтимоий ҳимояга мұхтож ақоли учун иш үринларини яратиш ва сақлаб қолишиң қаратилиши ва бу фонднинг устувор харажатларыда яққол ўз аксина топиши лозим. Бу республиканинг ўсиб бораётган ахолисини иш билан таъминлашни эркінлаштириш шароитидаги ислоҳотлар учун мұхим ақамият касб этади. Мазкур тадбирлар «Ижтимоий ҳимояга мұхтож, иш топишида қийналадиган ва меңнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам микдорини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади ва жамғарма маблағлари амалдаги йўриқномага мувофиқ бошқарилади.

Асосий таянч тушунчалар

Бандлик даражаси, ижтимоий муаммолар, меңнат ресурслари, ижтимоий сиёсат, меңнат бозори, меңнат бозоридаги мувозанат, бандлик шакллари, ишсизлик оқибатлари, ишсизлик даражаси, ахолини ижтимоий ҳимоялаш тизими, кам таъминланган оиласлар, ижтимоий кафолатларни молиялаштириш, ақоли турмуш даражаси, ижтимоий ёрдам тизими, иш изловчи фуқароларнинг бандлик хизматига мурожсаат этилганлик даражаси, бандлик хизмати органларida мавжуд бўш иш үринлари сони.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ахолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида иш билан бандликнинг ақамиятини тушунтиринг.
2. Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат мақсадли жамғармасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини кўрсатинг.
5. Ўзбекистонда ишсиз шахс мақоми қачон берилади?

6. Вақтингчалик иш билан таъминлаш марказларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Иш изловчи фуқароларнинг бандлик хизматига талаб этилганлик даражаси (D_r), кандай ҳисобланади?
8. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси даромадлари қандай ўзланади?
9. Бандлик хизмати органларида мавжуд бўш иш ўринлари сони қандай ҳисобланади?
10. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари қандай ишлатилади?
11. Давлат бандлик сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида фикр-мулоҳазаларингизни ёзинг.
12. Республикамиздаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат мақсадли жамғармасининг ўрнини баҳоланг.

VI БОБ. МАКТАБ ТАЪЛИМИ ЖАМГАРМАСИ

6.1. Ўзбекистон Республикасида миллий таълим тараққиёти ва кадрлар тайёрлаш тизими истиқболлари

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблагларидан самарали фойдаланишнинг назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бюджет маблағлари доимо аник бир мақсадга йўналтирилган бўлади, бу маблағлардан оқилона фойдаланиш билангина ана шу мақсадга эришиш мумкин.

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиктисодий барқарорликка эришиш йўлида ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган дастурларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Республикаизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юртимиз таълим амалиётида тўпланган амалий тажрибалар ва ривожланган мамлакатлар ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Таълимни ривожлантириш дастурларининг аник ва ўз вақтида бажарилиши давлат дастурларининг ҳам пироворд натижада ижобий бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидланларидек, «Жамиятни маънавий жиҳатдан янгиламай туриб, республика фуқароларининг янги авлодини вояга етказмай туриб, эркин, мустақил фикрловчи шахсни тарбияламай туриб, фаровон, қудратли демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти сари илдамлаб бўлмайди»¹.

Дарҳақиқат, «талабалар, аспирантлар, инженер-техник ходимлар ва мутахаассисларнинг чет элдаги етакчи ўкув ва илмий марказларда, хорижий фирмалар, банклар, ва компанияларда таълим олиши ҳамда малака оширишини ташкил қилиш учун барча зарур

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент. Ўзбекистон. 1999. -266 б.

шарт-шароитлар яратилиши лозим»¹, чунки ишлаб чиқариш соҳаси вакилларини тарбиялаш, ўқитиш, малакасини ошириб бориш ижтимоий ҳимоя тараққиётининг гаровидир. Ўтиш даврининг қийинчиликлари шароитида аҳолининг даромадларини хисобга олиш ва таълимга бўлган талабни қондиришга ижтимоий ҳимоянинг бир тури сифатида қарашимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи хужжат сифатида таълим хизматлари ва меҳнати бозорларини шакллантириш ва таълим учун сарфланётган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самардорлигини оширишнинг янги усулларини излаш зарурлиги вазифасини кўйди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълим мини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди»².

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи, таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юкори савияга эга бўлган мутахassisсларни тайёрлаштириш. Ушбу мураккаб муаммоларнинг ечими ни топиш, уларни амалда кенг кўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар кўяди. Бунда аниқ вазифалар бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини жорий қилиш, техник воситалардан кенг фойдаланиш ва шу асосдан масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда ҳар томонлама билимли, ўз касбининг устаси бўлган мутахassisслар тайёрлашнинг устувор йўналишларидан бири кадрлар тайёрлаштириш. Таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш механизмини шакллантириш кадрлар тайёрлаш тизими ни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўзбекистонда таълим тизимини, жумладан, ўрта-маҳсус,

¹. Каримов И.А. Банк тизими, пул муоммаси, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т., Ўзбекистон. 2005. -100 6.

² Каримов И. А. Юксак маънавият -енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008 . - 646.

касб-хунар таълимини ривожлантириш ва молиялаштиришнинг янги боскичи «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан боғлиқ. Республикада истиқболга белгиланган вазифаларни ҳал этиш мақсадида 2009 йилгача академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаштиришнинг маҳсус дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бюджет, бюджетдан ташқари фондларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, ҳомийларнинг маблағлари ва хорижий кредитлар ушбу дастурни молиялаштиришнинг асосий манбаларидир.

Таълимни молиялаштириш тизими таълим - бу хизмат эканлигидан, бу хизматдан тўғридан-тўғри ва бильосита фойдаланувчилар муайян даражада сарф-харажат қилиши кераклигидан келиб чиқади. Шу боис, мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири - таълимни молиялаштиришга давлат маблағлари ажратилиши миқдори ҳисобланади. Маблағни қайси манбалардан олиш ва у қандай нисбатда ажратилиши тўғрисидаги масалани давлатнинг молия-бюджет сиёсатини амалга оширишнинг йўналишлари белгилаб беради. Кўпгина мамлакатларда таълимга сарфланаётган маблағларнинг энг кўп қисми давлат бюджетидан ажратилади. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари жамғармалар, корхоналар, молия ташкилотларининг маблағлари ва хорижий кредитлар, жисмоний шахсларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Республикамизда таълим тизими муассасаларини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобига амалга оширилмоқда:

- бюджет маблағлари;
- ўкув-ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти натижасида олинган даромад кўринишидаги маблағлар;
- муассасалар, ҳомийларнинг пул маблағлари;
- бюджетдан ташқари жамғармалар;
- корхоналар ва ташкилотларнинг таълимни ривожлантириш учун қўйган мақсадли пул маблағлари;
- жамоат ва хайрия ташкилотларининг маблағлари;
- ҳалқаро молия институтлари маблағлари.

Ўзбекистон Республикасидаги «Узлуксиз таълим концепция»сида узлуксиз таълимни маблағ билан таъминлашнинг турли йўллари таклиф этилди. Бунда таълим соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларни молиявий таъминлаш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш ҳам назарда тутилиб, бу йўналишда хара-

жатларни бюджет корхоналари ва ташкилотлари, талабалар ва уларнинг ҳомийлари ўртасида тақсимлаш бўйича қатор чора-тадбирлар қабул қилинди.

Республиканинг ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида 1999-2009 йилларда янги типдаги ўкув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва молиялаштириш дастури амалга оширилишини таъминлайдиган ҳажмларда лимитлар ва молиялаштириш манбалари ҳамда илгари қабул қилинган инвестиция дастурларининг амалга оширилиш муддатларини ва молиялаштирилиш манбаларини зарурат бўлса, қайта кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Мазкур Дастурга мувофиқ, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борилмоқда. Кўзланган вазифаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни имтиёзли шартларда жалб қилиш хукумат кафолатлари асосида амалга оширилади.

22-жадвал.

Халқ таълими тизимида умумтаълим мактаблари харажатларининг тутган ўрни

(фото)

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2006 йил хисобот	2007 йил хисобот	2008 йил хисобот	2009 йил режа
1	2	3	4	5
Давлат бюджети харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
Ижтимоий соҳа ва ижтимоий химоя харажатлари	50,8	49,9	52,0	56,5
Таълим харажатлари	29,6	29,6	30,1	32,6
Халқ таълими харажатлари	23,5	23,2	22,9	24,2
Мактаб таълими жамғармаси маблағлари	5,4	6,9	6,0	5,3
Жумладан:				
1	2	3	4	5
Умумтаълим мактабларининг курилиш харажатлари	4,3	5,2	4,4	4,0
Умумтаълим мактабларининг моддий – техника базасини таъминлаш харажатлари	1,1	1,7	1,6	1,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Таълим муассасалари Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланған намунавий дастурлар асосида тузилган ўкув иш режаси асосида фаолият юритадилар. Шуни айтиш зарурки, республикамизда мактаб таълими муассасаларининг харажатлар сметасидаги маблағлари микдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. 20-жадвалдан кўриниб турибдики, 2003-2006 йилларда давлатимиз томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар бюджет кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда.

Харажатларнинг ошиш сабаби, бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навонинг узоқ муддатга бир ҳолатда турмаслиги ҳамда ҳукуматимиз қарорларидан келиб чиккан ҳолда бу муассасаларнинг моддий-техник базаларини такомиллаштириш учун кўпроқ маблағларни жалб килиш натижасидир.

6.2. "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўгрисида"ги умумий ва ўрта таълим тизимини яхшилашга қаратилган Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳа бўйича кабул қилган қарорлари, республикамиизда таълим тизимининг молиявий таъминотига жавобгар бўлган вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўtkazilgan меъёрий-хуқукий хужжатлар шу соҳанинг ривожига ҳисса кўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бюджетдан ташқари "Мактаб таълими жамғармаси" тузилди ва унинг маблағлари «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури»ни молиялаштиришнинг асосий манбаси бўлди. Дастурда минтақаларда куйидаги чоратадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган:

- мактабларни ўкув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўкув-услубий материаллар билан таъминлаш;
- таълим тизимида кўлланилаётган ўкув стандартлари ва ўкув дастурларини такомиллаштириш;
- умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва улардаги спорт базаларини мустаҳкамлаш,

➤ умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда, кишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, педагог кадрлар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

➤ мактаблар шу жумладан, бориши қийин бўлган миңтақалар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини капитал реконструкциялаш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ишлаб чиқсан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш.

Шунингдек, мазкур дастурни амалга ошириш замирида ижтимоий ҳимояни кафолатлаш масаласини ҳал этиш, умумий ва ўрта таълим соҳасини бутун чоралар билан такомиллаштириш, мазкур тизимни янгича шароитларда, янгича талаблар асосида қайта қуроллантириш вазифаси қўйилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса килиш мумкинки, буларнинг барчаси таълим тизимида кескин бурилиш ясаш, келажакда мамлакатни кучли, билимдон кадрлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Таълим соҳасига давлат маблағларнинг ажратилиши йил сайин ўсиб бормоқда. Бу ҳолат республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури»га мувофиқ мамлакатимизда таълим сифатини янада ошириш учун замон талабларига мос ўкув муассасаларини куриш, унинг моддий-техника базасини янада кучайтириш, педагог кадрларни қайта ўқитиши, уларнинг иш ҳақи таъминотини янада мустаҳкамлаш, ўкув жараёнини яхши ташкил этиши учун давлат таълим стандартларига мувофиқ янги турдаги ўкув дарслклари, ўкув қўлланмалари билан таъминлаш ва бошқа бир катор харажатларни молиялаштириш учун бюджетдан салмоқли миқдорда маблағлар ажратилиши зарурлигини келтириб чиқаради.

6.3. "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг даромадлари ва харажатлари

«Мактаб таълими жамғармаси»га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610 - сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорининг 22 - иловасига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб барча корхоналар ва ташкилотлар учун, жумладан,

солиққа тортишнинг алохига тартибини қўллаётган корхоналар учун 1 фоиз миқдорида мажбурий ажратмалар жорий этилди.

Жумладан:

- улгуржи ва чакана дорихоналар учун - ялпи даромаддан;
- дилерлар - комиссион рағбатлантиришдан;
- қурилиш, қурилиш-монтаж корхоналари ўз маблағлари ҳисобидан бажарилган ишлар ҳажмидан ҚҚС чиқарилган ҳолда;
- лизинг компаниялари - даромадидан, маржадан;
- савдо ва умумий овқатланиш, тайёрлов таъминот корхоналари - товар айланмаси ҳажмидан;
- коммунал хўжалиги, иссиқлик, сув ва газ таъминоти тизими корхоналари - сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмидан сотиб олиш қиймати чиқарилган ҳолда;
- бошқа барча корхоналар — сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмидан ҚҚС ва акциз солиги чиқарилган ҳолда.

Республикамида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларда амалга оширилишини таъминлаш борасидаги тадбирлар комплекси бажарилмоқда. Мактабларнинг моддий-техник аҳволини тубдан яхшилаш, янги мактаблар қуриш ва қайта тиклаш, уларни замонавий ўкув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони билан бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг асосий вазифалари куйидагилар:

⇒ бюджет маблағларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредитлар ва грантларни 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириши Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

⇒ мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган бузилган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни муқаммал реконструкция қилиш, муқаммал ва жорий таъмирлаш, уларни ўкув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, парталар ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш;

⇒ жамғарма маблағларидан Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун қатый мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш.

«Мактаб таълими» жамғармасининг маблағлари 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш даври учун жорий этилади ҳамда давлат солиқлари ва йигимларига тенглаштирилган.

«Мактаб таълим жамғармаси»га тушадиган маблағлар капитал реконструкция қилиш, авария ҳолатидаги мактабларни бузиб ташлаб, ўрнига намунавий лойихалардаги замонавий мактаб бинолари барпо этиш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларнинг замонавий ўкув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарслеклар ва ўкув-услубий материаллар билан таъминлаш, таълим тизимида қўлланилаётган ўкув стандартлари ва ўкув дастурларини такомиллаштириш, мактабларда спортни ривожлантириш ва спорт базасини мустаҳкамлаш каби харажатларга йўналтирилади.

Республикамида таълимга Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари манбалардан ажратилаётган маблагларнинг замонавий, иқтисодий рағбатлантириш омилларини қўллаб-қувватлайдиган ва ижтимоий адолат тамоилиларига риоя этувчи механизмнинг татбиқ этилиши таълим муассасаларида маблағларнинг юқори самара билан ишлатилишига, улар орасида рақобат муҳити яратилиши ва таълим сифатининг оширилишига олиб келмоқда. Чунки, "халқ таълим министрети таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда, лекин ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши мумкин"¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2004-2009 йиллар мобайнида бузиб ташланадиган авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги мактаблар куриш, мактабларни, бориш қийин бўлган минтақалардаги мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларини куриш ва реконструкция қилиш

¹ И. А. Каримов. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори». Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутки. // «Халқ сўзи». 1997 йил 29 август.

параметрлари тасдиқланди.

6.4. Ўзбекистон Республикасида халқаро молия институтлари иштирокида ижтимоий дастурларни молиялаштириш

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат ахолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади. Бу йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» китобида тўлиқ баён қилин.

Республикамида ижтимоий соҳаларни тараққий эттиришда, ижтимоий дастурларни молиялаштиришда бюджетдан ташқари манбалардан маблағларни жалб этилиши, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётiga ўтиш зарурияти туфайли келиб чиқмаган, балки у умумжаҳон тажрибаларига асосланади.

Хозирги шароитда мамлакатимизда ижтимоий дастурларни молиявий жиҳатдан таъминлаш масаласида, асосан икки йирик манбанинг ўрни юқорилиги маълум. Уларнинг биринчиси мамлакатимиз давлат бюджетининг маблағлари бўлса, иккинчиси турли хорижий мамлакатлардан хилма-хил шаклларда жалб қилинган маблағлардан иборатdir.

Ижтимоий дастурларда кўзда тутилган вазифаларни бажариш ва кўзланган мақсадга эришиш учун давлат бюджети маблағларидан асосий манба сифатида фойдаланиш табиийdir. Чунки дастурда кўзда тутилган ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар алоҳида олинган худудий ёки минтақавий характерга эмас, балки мамлакат ёки умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг бажарилишида мамлакат давлат бюджетининг маблағлари ҳал қилувчи рол йўна-моқда.

Таълим харажатлари турли шаклларда молиялаштирилади:

1. Бюджет орқали молиялаштириш. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган харажатларни молиялаштириш амалга оширилади.¹

2. Ўзини-ўзи молиялаштириш. Бюджет ташкилотлари харажатларини ўз молиявий ресурслари эвазига молиялаштирилади.²

3. Халқаро молия институтлари орқали молиялаштириш.

4. Ҳомийлар маблағларидан фойдаланиш.

Республика учун Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки билан хамкорликни ривожлантириш жараёнини жадал-

лаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа молия институтларига аъзо бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда глобаллашув аспи бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёни, мустақил давлатларнинг халқаро институтлар ва ташкилотлардаги иштирокининг кенгайишига нафакат тарихий муқаррарлик сифатида, балки бутун планетани ҳам, алоҳида регионларни ҳам баркарорлигининг қудратли омили сифатида қараш зарур.

Бугунги кунда ижтимоий дастурларни молиялаштиришни такомиллаштириш амалиёти ва ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларни молиялаштиришда янги шакл ва услублардан фойдаланишимиз керак. Ижтимоий дастурларни халқаро молия институтлари томонидан молиялаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумотлар шуни кўрсатадики, дастурларга сарфланяётган маблағларнинг асосий қисми бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фонdlар маблағларидан амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароити даврида бюджет масаласи, молия ишлари жуда муҳим ва мураккаб масаладир. Ҳар бир худуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимояси, кам таъминланган оила ва шахсларнинг етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳар бир худуд давлат ҳокимият органларининг молиявий масалаларни тўғри ҳал қила билишига боғлиқ.

Республикамида қабул қилинаётган маҳсус ижтимоий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш Президентимиз, давлатимизнинг дикқат марказида турибди. Ижтимоий дастурларни молиялаштириш, биринчидан, давлат иқтисодиётининг аҳволи, иккинчидан, олиб борилаётган ижтимоий сиёсати билан белгиланади. Ижтимоий дастурларни молиялаштириш давлат тузилмалари (давлат маблағи), корхоналар ва фуқаролар (нодавлат маблағлар) ва ташки манбалардан бўлиши мумкин. Ижтимоий дастурларни бюджетдан молиялаштириш тартиби давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ тарзда бюджетларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишининг ягона қоидасини татбик этишга асосланган.

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялаштиришнинг янги манбаларидан фойдаланиш, республикада иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш даврида ижтимоий соҳанинг молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Бу тадбир фақат ўтиш даври шароити тақозосига кўра Ўзбе-

кистон учун заруратгина эмас, умуман дунё миқёсида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг объектив қонуниятидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташки иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқдарда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қўйин»¹.

Ўзбекистон Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа кенгаши уюшмаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр алоқа иттифоки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё ва Тинч океан иқтисодий ҳамда ижтимоий комиссияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстлик регионал иқтисодий ташкилоти, Ҳамдўстлик божхона кенгаши каби эътиборли халқаро ва молиявий ташкилотларнинг тенг хукукли аъзосидир. Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки бир қанча йирик давлатлар аро лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, минтақалараро муаммоловарни ҳал этиш имконини беради.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташки иқтисодий фаолиятни хукукий бошқариш стратегиясининг ўзига хосликларини ҳам минтақавий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-иктисодий ҳамкорликнинг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

Халқаро молиявий институтлар билан ташки савдонинг улуси кўпайиб бормоқда. Чет эллардан қўшимча моддий-молиявий ресурслар жалб этиш, жаҳон фан-техника тараққиёти ютуқларини иқтисодиётга жорий этиш, аҳолининг хилма-хил юқори сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, хизмат соҳасини ривожлантиришда чет эл тажрибасидан фойдаланиш, қўшимча иш ўринларини вужудга келтириш мақсадида халқаро молия институтлари билан ташки иқтисодий алоқалар ривожлантириб борилмоқда.

Хозирги пайтда Осиё Тараққиёт банки билан биргаликда республика иқтисодиётини ривожлантириш учун бир қатор лойиҳалар ва ёрдамлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган. Республикамида таъ-

¹ Каримов И. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Ўзбекистон. 2005. -419.

лим соҳасида хорижий ҳамкорлар билан ишлаш юзасидан муайян тажриба тўпланди. Миллий кузатиш маркази, шунингдек, ТАСІС нинг "Таълим тизимини ислоҳ қилишда Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига кўмаклашиш" лойиҳалари бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур лойиҳанинг асосий ташкилотчиси Нидерландиядаги ФОНТИС университетидир. Шунингдек, лойиҳада Буюк Британия Кенгаши ва АБУ Консалт, Нидерландия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Польша, Венгрия, Россиядан хорижий эксперталар қатнашади. Лойиҳа таълимни ривожлантиришнинг беш йўналишини: қонунчилик, бошқарув, малиялаштириш, билимларнинг сифати ва уларга баҳо бериш ҳамда ахборотлаштиришни назарда тутади.

24- жадвал.

**Ўзбекистонда техникавий ёрдамни қўллаб-қувватлаш
(2006 йил 31 июль ҳолатига)**

	Лойиҳалар	Микдори (АҚШ доллари)	Тасдиқланган сана
1	Таълим лавозимларини асосий ўзгартириш	350	23.04.99
2	Иккинчи ихтисослик ва қасбий таълим	150	23.04.99
3	Ёрдам ва бошқарувни уйғунлаштиришни яхшилаш	800	04.05.99
4	Темир йўлларни таомиллаштириш	450	06.07.99
5	Қишлоқ омонатлари, кредит уюшмаларини ривожлантириш	600	09.09.99
6	Таълимнинг юқори тизими, ўрта таълимнинг мувакқат шархи	1000	08.02.00
7	Сугурта тизимини ривожлантириш	300	11.05.00
8	Шаҳарларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	720	18.05.00
	Жами	4370	

Манба: Технико-экономические расчеты. (ТЭР) Проект Программа развития сектора образования.

Кейинги йилларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бирмунча камайган. Республикаизда иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича белгиланган вазифалар таълим соҳасида ҳам амалга оши-

рилмоқда. «Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ислоҳотларининг амалга оширишни ҳалқаро молиявий институтлар, чет эл давлатлари ҳукумати ва ташкилотлари қўллаб-кувватламоқдалар. Республикаизга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ва грантлар кўринишида ёрдам берилмоқда. Осиё Таракқиёт банки, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, TAC1C, USAID каби кўзга кўринган молиявий институтлари шулар жумласидандир.

Мактаб таълим мини ривожлантириш мақсадида Осиё Таракқиёт банкидан «Таълим секторини ривожлантириш Дастири» бўйича 70,0 млн. АҚШ доллари, кичик лойиҳаси бўйича 38,5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. «Таълим секторини ривожлантириш Дастири»ни молиялаштириш тартиби қуидагилардан иборат.

25-жадвал.

«Таълим секторини ривожлантириш Дастири»ни молиялаштириш тартиби

№	Кўрсаткичлар	Хорижий валюта	Миллий валюта	Умумий киймати
1	Таълим тизимини бошқарув секторини мустаҳкамлаш	2,8	0,7	3,5
2	Педагог кадрларни масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш	16,6	26,5	43,1
3	Ёш авлоднинг таълим олиш даражасини яхшилашда жамият фаолиятини кучайтириш	1,0	25,0	26,0
4	Кўзда тутилмаган харажатлар	1,8	9,3	11,1
5	Фоизлар ва мажбуриятлар	6,6	6,8	13,4
6	Лойиҳанинг умумий киймати	28,8	68,3	97,1
Молиялаштириш манбалари				
1	Осиё Таракқиёт банки	28,8	9,7	38,5
2	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати	0	58,6	58,6
Жами		28,8	68,3	97,1

Манба: Технико-экономические расчеты. (ТЭР) Проект Программа развития сектора образования.

Бу дастур қабул қилиниши ва амалда татбиқ этилиши мамлакат меҳнат потенциалини ривожлантириш, унинг сифат кўрсаткичларини ошириш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг қабул қилиниши ва «Мактаб таълими жамғармаси»нинг тузилиши бу соҳада эришилган муваффакиятлардан биридир. Бу дастурларда белгиланган барча тадбирларни босқичма-босқич бажариш учун ўз навбатида мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар, лицей, коллеж, олийгоҳларнинг молиявий муаммоларини ҳал этиш талаб этилади. Таълим муассасалари молиясининг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан ташкил топиши унинг ўзига хос хусусиятларини англатади. Мазкур муассасалар ўз фаолиятларини бюджет ва ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш ҳисобидан амалга оширадилар. Бугунги кунда таълим соҳасини бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағлардан молиялаштириш амалиётини янада такомиллаштириш долзарб масаладир.

Асосий таянч тушунчалар

«Мактаб таълими» жамғармаси, миллий таълим тизими, таълим харажатлари, ўқув дастурлари, ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари, техник воситалар, таълимни молиялаштириш тизими, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фонdlарнинг маблағлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичлар, ҳомийлар маблағлари, масофадан ўқитиши, хорижий кредитлар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасида миллий таълим тараққиёти ва кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳамияти тўғрисида нималар дея оласиз?

2. "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури"ни қабул қилинишидан мақсад нима?

3. «Мактаб таълими» жамғармасини ташкил этиш зарурияти ва мақсади нималардан иборат?

4. «Мактаб таълими жамғармаси» даромадлари қандай шаклланади?
5. «Мактаб таълими жамғармаси»нинг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. «Мактаб таълими жамғармаси» харажатлари қандай таркий тузилишга эга?
7. «Мактаб таълими жамғармаси»га мажбурий ажратмалар қандай миқдорда жорий этилган?
8. Ижтимоий дастурларни халқаро молия институтлари томонидан молиялаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни ўрганинг.
9. Республикаизда таълимни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича давра сухбати ўтказинг.

VII БОБ. ДАВЛАТ МУЛК ҚҮМИТАСИННИГ МАХСУС ХИСОБ РАҚАМИ

7.1.Давлат Мулк қўмитаси маҳсус ҳисоб рақамининг даромад манбалари

Давлат Мулк қўмитаси маҳсус ҳисоб рақами даромадларининг ташкил топиши ва ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 октябрдаги 481-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ишлатилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1998 йил 22 августдаги 362-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш, тушумларни ҳисобга олиш ва уларнинг ишлатилишини назорат қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарорларига асосан амалга оширилади ва унинг тартибга риоя қилинади. Бу тартибнинг 2- бандида кўрсатилишича, Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджетининг ажралмас кисми ҳисобланади.

Жамғарма қўйидагилар ҳисобига ташкил топади:

- акционерлик жамиятига айлантирилган давлат корхоналарини акцияларини сотишдан тушган даромад;
- давлат мулки объектларини аукционда, танловда, савдо биржаси ва савдо биржасидан ташқарида сотилганда;
- давлат мулкини ижарага беришдан тушган тўловлар;
- қонун хужжатларида кўрсатилган ҳолларда, айrim фуқароларнинг меросини ва ер участкаларини аукционда сотишдан, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар;
- Давлат Мулк қўмитасининг олдин заёмчиларга берилган кредит ва заёмлар ҳисобига кредитларни, заёмларни ва уларга ҳисобланган фоизларни қайтариб олишдан тушган даромадлар;

- Давлат Мулк қўмитасининг депозит ҳисоб рақамидаги бўш маблағларини тижорат банклари жойлаштиришдан тушган маблағлар;
- Давлат Мулк қўмитасининг депозит ҳисоб рақамига тушган бошқа даромадлар.

7.2.Давлат Мулк қўмитаси маҳсус ҳисоб рақами маблағларининг тақсимланиши

«Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш, тушумларни ҳисобга олиш ва уларни ишлатилишини назорат қилиш тартибининг З-бандига асосан давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан чет эл валютасида тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси томонидан ҳар ойда қуидаги пропорцияда, алоҳида тартибда тақсимланади:

- 40% - бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбай сифатида давлат бюджетига кўрсатилган маблағларни мақсадли ишлатилиши учун инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш;
- 15 % - бизнес фондига, яъни тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-куватлаш учун;
- 15 % - Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимиётларига ижтимоий-иктисодий соҳаларни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфатузилмаси институтларини ташкил қилиш учун;
- 3%- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, инвестиция ва бозор структураларини ташкил қилиш ва ривожлантириш харажатлари учун;
- 2%- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг ҳисоб рақамига-бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга ошириш учун ;
- 25% - хусусий корхонанинг ўзида қолади, бу мақсадли маблағлар ишлаб чиқаришнинг янгидан модернизациялаш, янги техника билан куроллантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун ишлатилади.

Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблагларниң тақсимланиши

- 65 фоиз- бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбай сифатида- давлат бюджетидан инвестиция лойиҳалари молиялаштирилади;
- 25 фоиз- Қорақалпоғистон Республикаси, вилюятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига ижтимоий-иктисодий соҳаларни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш ва бозор инфатузилмаси институтларини ташкил қилиш учун;
- 5 фоиз - Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасига тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни кўллаб-кувватлаш учун берилади;
- 1 фоиз - хусусийлаштириш ва ахборот таъминоти давлат дастурларини амалга ошириш ва давлат мулкини сотища тендер савдоси ўтказишдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг харажатлари учун;
- 2 фоиз —Ўзбекистон Республикаси монополияга карши кураш, тадбиркорликни ва рақобатни кўллаб-кувватлаш Давлат қўмитасида тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш, корхоналар таркибини қайта ўзгариш фондини шакллантириш учун;
- 2 фоиз - Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг ҳисоб рақамига бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга ошириш учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарорига асосан, 2006 йил январдан бошлаб давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси томонидан ҳар ойда юқоридаги пропорцияда алоҳида тартибда тақсимланади.

Асосий таянч тушунчалар

Давлат Мулк қўмитасининг маҳсус ҳисобрақами, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фонdlарнинг маблағлари, ҳомийлар маблағлари, хорижий кредитлар, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштириши, акционерлик жамияти, ер участкаларини аукционда сотиш, депозит ҳисоб рақам, тижорат банклари, давлат инвестиция дастури, модернизациялаши, инвестиция.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Давлат Мулк қўмитаси маҳсус ҳисобрақамининг даромадлари қандай манбалардан ташкил топади?
2. Давлат Мулк қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Жамғарма харажатлари қандай таркибий тузилишга эга?
4. Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан қанча миқдорда хусусийлаштириш ва ахборот таъминоти давлат дастурларини амалга ошириш ва давлат мулкини сотишда тендер савдоси ўтказиш учун ажратилиди?

VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ

8.1. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг мақсади ва вазифалари

Иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, унга давлат капитал қўйилмаларини сафарбар этишда давлатнинг аниқ мақсадларга мўлжалланган жамғармалари мухим аҳамиятга эга. Шундай жамғармалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги Фармони билан ташкил қилинган Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидир. Мазкур жамғарма иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини тъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида тузилган. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг таклифига биноан Устав капитали 1,0 млрд. АҚШ доллари мидорида бўлган давлатнинг мақсадли жамғармаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилди ва юридик шахс хукукларига эгадир.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари қўйидагилардан иборат:

- стратегик ресурсларга жаҳон нархларининг қулай конъюнктураси натижасида, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томо-

нидан навбатдаги йилга Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланадиган айрим солиқ ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган кўшимча тушумлар;

- хукуматнинг хорижий валюта ва активларининг бир қисми;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулот сотишдан оладиган даромадлари;
- давлат мулкини чет эл валютасида хорижий инвесторларга сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;
- Жамғарма активларини бошқаришдан олинадиган инвестиция даромадлари;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006-2009 йиллар мобайнида Жамғарманинг активларини Марказий банкдаги ҳисобварағида 1,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида шакллантиришни таъминлаши белгилаб қўйилди.

Жамғарма соликлар, йигимлар, божларнинг барча турларидан ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинади (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно).

Инвестиция жараёнларини жадаллаштиришда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги – «Узинфоинвест»нинг ўрни ва аҳамияти катта. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг устав капитали 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланиб, 2007 йилнинг 1 январигача жамғарманинг устав капиталига 500 млн. доллар маблағ жалб этилди. 2007 йилда инвестицион сиёsatни амалга оширишни маблағ билан таъминлаш мақсадида Жамғарма даромадларининг 928,5 млрд. сўм ҳажмида бўлиши кўзда тутилган.

Жамғарманинг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгиланди:

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;
- иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўл-

ган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;

- стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

- ёқилиғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштирилишини таъминлаш;

- биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш;

- инфратузилмани шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш:

- республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялаш учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг кисқа йўл билан чиқишини таъминлайдигай транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш:

- халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг кўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш.

Ўзбекистон худудида ўзлари учун ғоят муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (кўшма молиялаштириш)дан манфаатдор бўлган халқаро ва хорижий жамғармалар ҳамда инвесторлар ҳукумат қарорларига биноан Жамғарма ҳаммуассислари сифатида кўшилиши, мазкур молия институтларининг вакиллари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркибиға киритилиши мумкин.

Жамғарманинг асосий вазифаси фақат маблағларни жамлаш ҳамда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик муҳим лойиҳаларни молиялаштириш билан чекланмайди, балки хорижий инвесторлар чет эл компаниялари, банклари, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда ўзаро тенг шартларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Молиявий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда Президентимиз «Мамлакатимизда жаҳон

иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга карши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади¹, деб белгилаб бердилар.

«Иктисолидётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамгармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди»².

Бугунги кунда иктисолидётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.


Янги қурилиш лойиҳалари – 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қиласди. Дастурга киритилиши мўлжалананаётган бу лойиҳалар аввалимбор ёқилги-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошка соҳаларга тегишилдирилар.

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисолид дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланмана. – Т.: Иктисолидёт, 2009. 40б.

5-диаграмма.


Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳалари таркиби, (млрд. долл.)



Лойиҳалаштириш ва курилиш ишлари бошланаётган иншоотларни куйидаги маблағлар хисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари – умумий хисобда 8,2 миллиард доллар, “Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари – 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар – 13,5 миллиард доллар”¹.

6-диаграмма.

Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳаларининг молиялаштириш манбалари, (млрд. долл.)



¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. – Т.: Иктисолёт, 2009. 846.

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Асосий таянч тушунчалар

Давлат инвестиция дастури, иқтисодиётни модернизациялаш, инвестиция, хорижий кредитлар, инвестиция лойиҳалари, хорижий инвестиция, капитал қўйилмалар, стратегик ресурслар, жаҳон нархи, чет эл валютаси, ҳалқаро молия институтлари.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар

1. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини шакллантириш зарурияти нимада?
2. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига Давлат бюджетидан ажратмалар бериладими?
4. Жамғарма солиқлар, йигимлар, божларнинг барча турларидан ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинадими?
5. 2007 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг устав капиталига қанча маблағ жалб этилди?

IX БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

9.1 Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай мамлакат ўз тараққиёт йўлини белгилашда молия тизимининг кай даражада ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратиши табиий, албатта. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда республикамиз молия тизимида муҳим ўрин тутган давлат мақсадли жамғармаларининг самарали бошқарилишида ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ўринли фойдаланилмоқда.

Маълумки, хорижий мамлакатлар молия тизимида мақсадли жамғармалар алоҳида ўрин тутади. Уларда жамланадиган маблағлар ҳажми юқори бўлиб, масалан, Францияда маҳсус фондларнинг миқдори мамлакатнинг давлат бюджетига яқин. Японияда давлат харажатларининг ярмидан кўпи ана шундай жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилса, Буюк Британияда бу кўрсаткич бюджетнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Албатта, бу фондларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалари мавжуд. Давлат бу фондларнинг маблағлари билан ишлаб чиқариш жараёнига аралашади, ташкилот ва муассасаларга кредитлар ва субсидиялар беради, шунингдек, ахолига ижтимоий хизматлар кўрсатади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига асосан камбагаллик ва ахоли ўртасида кучли иқтисодий тенгсизликнинг олдини олиш мақсадида даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича давлат чора-тадбирлари тизими ижтимоий сиёsat деб юритилади. Кенг маънода “ижтимоий сиёsat” деганда шахснинг ҳаёт фаолиятини шундай шароитларини яратиш ва тутиб туриш бўйича кўрилган барча чора-тадбирлар тушунилади. У ўз навбатида шахснинг ривожланишига ёрдам беради ва унинг ижодий имкониятларини тўлиқ намоён қилишини рағбатлантиради.

Амалиётдан маълум бўлишича, Фарб мамлакатларида фондлар ва нотижорат ташкилотларнинг ваколатли мулк негизида тузиш кенг тарқалган. Фондлар ва нотижорат ташкилотларнинг айни шу турлари муайян ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ йўналтирилган. Бу ташкилотлар бюджети бир катор манбалар: таъсисларнинг таъсис хужжатида белгиланган тушумлар, ҳукумат субсидиялари ва солиқ тўлашдаги имтиёзлари кўринишида, аъзоларнинг аъзолик бадаллари ва ихтиёрий бадаллари, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг мулкий бадаллари ва хайрия улушлари ҳисобидан, нотижорат ташкилотлар тузилишига сабаб бўлган ижтимоий мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолиятидан олинган тушумлар, акция, облигация ва бошқа кимматли қофозлардан олинадиган дивидендлардан олинадиган даромадлардан шаклланади.

«Инсоният тараққиёти» концепцияси пайдо бўлиши билан камбағаллика, саводсизликка, ишсизликка қарши курашга оид маҳсус бандлик схемалари ва воситалари ишлаб чиқилди, ижтимоий инвестиция жамғармалари пайдо бўлди, аҳолини иш билан таъминлаш масаласига эътибор кучайди. Халқаро меҳнат ташкилоти раҳбарлигига, бутун дунё миқёсида меҳнат билан бандлик, аҳолини озиқ-овқат, тураг жой, кийим-кечак билан таъминлаш, таълимга ва соғлиқни сақлашга бўлган эҳтиёжларни қондиришга аниқ режа асосида ёрдам кўрсатишга киришилди.

Японияда жуда кўп кредит фондлари мавжуд. Жумладан, молиявий корпорациялар фондлари (уй-жой курилишини молиялаштириш корпорациялари, кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш корпорациялари) ва маҳсус банклар жамғармалари (Япония экспорт ва импорт банки, Япония ривожлантириш банки, қишлоқ хўжалиги учун марказий кооператив банки) мавжуд. Молиявий корпорациялар жамғармалари бюджет маблағлари, шунингдек, бериладиган кредитлар фоизлари ҳисобига ташкил этилади. Бу жамғармалар инқизотга учраган корхоналарни молиялаштириш ёки бошқа кредит манбасига эга бўлмаган компанияларга молиявий ёрдам бериш мақсадида уларга чегирма фоизларда қарз беради.

Японияда траст фондларига тушадиган фондлар қисман давлат облигацияларини сотиб олишга йўналтирилади, уларнинг катта қисми эса давлат молия институтларини, маҳаллий органлар бюджетларини ва давлат корпорацияларини молиялаштириш, шунингдек, давлат бюджетидаги маҳсус ҳисоб ракамга йўналтирилади.

Нафака ва сугурта бадаллари билан биргаликда, уларнинг тушуми ва сарфини ҳисобга олган ҳолда, улар «Инвестициялар ва қарзлар бўйича давлат дастури» деб аталадиган дастурни белгилайди. «Инвестициялар ва қарзлар бўйича давлат дастури» қонун чиқарувчи орган томонидан тасдикланган бўлиб, иккинчи бюджетга айланади.

Давлат молия институтлари миллий иқтисодиётнинг устувор, жорий вазифаларини ҳар томонлама ва тезкор қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш мақсадларига хизмат қиласди. Бу институтлар минтақавий ривожланиши молиялаштириш тизимини ташкил қиласди. Давлат молия институтлари мустақил бўлиб, "ўзини-ўзи молиялаштириш" тамойилига асосланган ҳолда иш олиб бориб, инвестициялаш ва кредитлар бўйича мустақил ҳамда холис, сиёсий ва молиявий нуқтаи назардан қарорлар кабул қиласди.

Кредит жамғармалари давлат жамғарма кассалари ва бошқа кредит ташкилотлари ихтиёридаги маблағлар бўлиб, қайтариш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Бу жамғармалардан давлат буюртмалари бажарилади ва мамлакат бевосита ривожланиб боради. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай иқтисодиётда ҳам мақсадли жамғармаларнинг мавжудлиги шу давлатнинг барқарор тараққиёти мезонидир.

Японияда солик тушумларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи маҳсус ҳисобрақам мавжуд. Солик тушумларининг маълум қисми унинг ҳисоб рақамида жамланиб, эҳтиёжларига кўра маҳаллий бюджетларга ўtkазиб берилади. Унинг қайта тақсимланиши аҳоли сонидаги фарқлар ва худудлар иқтисодиёти ривожланиш даражасига қараб, амалга оширилади.

Маҳсус фонdlар ҳукуқий асоси ва маблағларнинг ишлатиш мақсадига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Улар марказлашган ва маҳаллий фонdlар бўлиши мумкин. Марказлашган фонdlар-инвестиция, валюта фонdlари бўлиши мумкин. Маҳаллий фонdlарнинг сони жуда кўп. Масалан, Буюк Британияда барпо этилган фонdnинг маблағлари, асосан капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ишлатилади.

«Ижтимоий жамғармалар – аҳолига ижтимоий хизмат қўрсатишга йўналтирилган ресурслардир. Ушбу фонdlарнинг кенгайиши зарурияти ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ёлланма меҳнат билан шуғулланувчиларнинг сони, илмий-техник ривожланиш билан вужудга келган жамиятнинг турли гурухлари қарашлари орасидаги фарқнинг ва мамлакат аҳолисининг ёш даражаси ортиши натижаси

жасида вужудга келди. Охирги ўн йилликда саноати ривожланган мамлакатлар ижтимоий жамғармалари ҳажми абсолют микдорда 5-6 баробарга ортди¹. Ижтимоий фондлар ҳажмининг ортиши ижтимоий тўловларни ошириш имконини берди. Суѓурталанувчиларнинг сугурта бадаллари, тадбиркорларнинг сугурта бадаллари ва давлат субсидиялари хисобидан жамгарма ташкил топади.

Суѓурталанувчиларнинг бадаллари бевосита уларнинг фойдасидан ажратилади ва моҳиятига кўра, тўғри мақсадли солиқ ҳисобланади. Бадал ставкалари кўпгина ривожланган мамлакатларда даромад ҳажмидан қатъий назар, маълум фоизларда белгиланади ва бу йиллик максимал бадал суммаси ёки максимал даромад ставкасини белгилашда инобатга олинади. Суѓурталанувчилар ва тадбиркорлар учун эса сугурта ставкалари амал қиласи. Баъзи давлатларда (ГФР) ставкалар иккала грух тўловчилари учун бир хил бўлса, бошқа бир мамлакатларда (Буюк Британия, Франция) ставкалар турлича бўлади. Кўп давлатларда суѓурталанувчилар учун ставкалар даромадига кўра фоиз хисобида белгиланади, тадбиркорлар учун эса жами иш ҳақи жамғармасига эмас, балки олдиндан белгилаб кўйилган жами максимал иш ҳақига қараб белгиланади ва максимал ҳажмдан ошган сумма ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам компанияда малакали мутахассислар улушининг кўплиги улар иш ҳақининг ижтимоий жамғармаларга шунчалик кам пул маблағлари ўтказишига олиб келади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, махсус фондларнинг маблағлари ишлатилишига қараб иқтисодий, ижтимоий, шахсий ва мол-мулкни сугурталаш, илмий-тадқиқот, ҳарбий-сиёсий, халқаро фондларга бўлинади. Иқтисодий фондларнинг маблағлари хусусий компаниялар ва кам рентабелли давлат корхоналарини, асосан, иқтисодиётни ривожланиш цикларининг кризис пайтида молиялаштириш учун йўналтирилади.

Иқтисодий жамғармалар хўжалик фаолиятини тартибга солиш учун мўлжалланган бўлади, масалан инвестиция ва конъюнктурага оид жамғармалар шулар жумласидандир. Бундай жамғармаларнинг маблағлари даврий инқироз даврида хусусий компаниялар ва паст рентабелли давлат корхоналарига йўналтирилади. Бундай ёрдамлар эса, бегараз субсидиялар ва имтиёзли кредитлар кўринишида кўрсатилади.

¹ Махсудов М. Максадли фондлардан самарали фойдаланиш (хориж тажрибалари). // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №9. 45-476.

АҚШда федерал бюджетнинг маблағлари ҳисобидан шаклланадиган иқтисодиётни қайта қуриш ва ривожлантириш фонди мавжуд. Унинг асосий вазифаси банк операцияларида хусусий саноат компанияларини сұғурталашдан иборат.

Францияда иккінчи жағон уруши тугагандан кейин «Модернизация фонди» шаклланды, у бошқа фондлар билан бирлашиб, 1955 йилда «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш фонди» шакллантирилди. Фонд инвестиция дастурларини, шунингдек, министақаларни ривожлантириш режаларини, мамлакатда ишлаб чиқарыш күчларини жойлаштиришни, ишчи күчларини қайта тайёрлаш ва саноат корхоналарини индустрىал марказлардан бошқа районларга ўтказишни молиялаштиради. Миллийлаштирилган ва хусусий корхоналарга маблағлар умумдавлат ривожлантириш дастурлари асосида қайтарылмайдыган ссуда ва узок муддатлы имтиёзли кредит күренишида берилади.

Фан ва техника янада тараққий этиши натижасида, саноатда илмий тадқиқотларни құллаб-куватловчи ва шу йұналишдаги турли тадқиқотларни амалға оширувчи давлат илмий марказларини таъминлашға йўналтирилган илмий-тадқиқот жамғармалари ташкил қилиниш зарурияты туғилди. Шунга кўра, кўпгина ривожланган мамлакатларда турли илмий жамғармалар ташкил қилинган бўлиб, улар федерал бюджет тушумлари, саноат корхоналари фойдаларидан ажратмалар, шу билан бирга, университет ва коллежлардан тушадиган бадаллар ҳисобидан шаклланади. Бу жамғарма фундаментал тадқиқотлар бўйича турли дастурлар, илмий даражага эришганлик учун мукофотлар, илмий марказлар қуриш, кадрлар тайёрлаш, тажриба ўтказувчи компаниялар фаолияти ва ундан олинган натижаларни саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилиш ва бошқа шу каби соҳаларни молиялаштиришни кўзда тутади.

9.2.Бюджетдан ташқари фондларнинг турлари

Мақсадли жамғармалар ҳуқуқий мақоми ва ишлатилиш мақсадларига кўра фарқланади. Ҳуқуқий мақомига кўра маҳсус жамғармалар давлат ва маҳаллий фондларга ажратилади. Федератив давлатлар (АҚШ, Канада)да федерация аъзолари ҳам маҳсус фонд ташкил қилиш ҳуқуқига эга. Давлатнинг маҳсус фондлари марказий ҳокимият ихтиёрида бўлади. Буларга инвестиция, валюта, ижтимоий сұғурта ва бошқа жамғармаларни киритишмиз мумкин. Ма-

ҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида эса кўп миқдорда маҳаллий жамгармалар мавжуд бўлиб, улардан энг каттаси заём жамгармаси ҳисобланади. Буюк Британияда бундай жамгармалар XIX асрдан бўён мавжуд, бўлиб, улар капитал жамгармаларни молиялаштиришда фойдаланилади.

Мақсадли жамгармалар ишлатилишига қўра, иқтисодий, илмий-тадқиқий, кредит, ижтимоий, шахсий ва мулк сугуртасига оид, ҳарбий-сиёсий ёки давлатлароро ривожлантириш бўйича давлат дастурлари асосида фаолият юритувчи жамгармаларга бўлиниши мумкин. Кредит жамгармалари Францияда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар жумласига «Франция банки», «Гашқи савдо банки», «Депозит-омонат касса фондлари»ни киритишимииз мумкин.

АҚШ да 2 та йирик фонд мавжуд. Улар «Миллий илмий фонд» ва «Бюро стандартларининг илмий фонди» дейилади. Биринчи фонднинг маблағлари Федерал бюджетдан ажратилган маблағлар, саноат корхоналарининг фойдасидан, университет ва коллежларнинг ажратмалари ҳисобига шаклланади. Фонддан фундаменал тадқиқот дастурларини амалга ошириш, илмий изланишлар учун мукофотлар, илмий марказлар курилиши учун, кадрлар тайёрлаш каби харажатлар молиялаштирилади.

Иккинчи фонддан компанияларнинг тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш, илмий изланишларни саноат ва қишлоқ хўжалигига етказиш кабилар молиялаштирилади.

Буюк Британияда давлат бюджетига боғлик бўлмаган ва алоҳида мустақил балансга эга бўлган илмий тадқиқотларни ривожлантириш «Миллий корпорация фонди» мавжуд. Унинг маблағлари янги ихтиrolарни ишлатиш ҳуқуки берадиган лицензияларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига шаклланади. Давлат фондга муддатсиз аванслар ва ҳар йили субсидиялар беради. У илмий текшириш натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этаётган хусусий корхоналарни капитал қўйилмаларини ва унга боғлик муаммоларни ҳал қилиш харажатларини молиялаштиради.

Буюк Британияда Миллий корпорация фонди давлат бюджетидан ҳоли равища тадқиқотларни ривожлантириш бўйича мустақил балансга эга. Давлат бу жамгармага муддатсиз аванс ва йиллик субсидиялар беради. Бу маблағлар ҳисобидан эса турли муаммоларнинг илмий ечимлари ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этувчи хусусий муассасалар фаолияти молиялаштириб борилади. Шунингдек, давлат университетлари, миллий

ва хусусий компаниялар лабораторияларида олиб бориладиган таж-риба ишларини қўллаб-куватлаб, уларни саноатда ўзлаштирилишига кенг имкониятлар яратиб беради.

Ижтимоий фондлар аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишига йўналтирилган ресурслардир. Кейинги йилларда АҚШда ижтимоий дастурларнинг амалга ошириш учун турли даражада бошқариладиган кўп сонли ижтимоий фондлар фаолият кўрсатади. Булардан учта энг йирик фондларни кўрсатиш мумкин: «Кексайганда, ногиронликда ва бокувчинини йўқотганда сугурталаш фонди», «Давлат хизматчиларини сугурталаш фонди», «Мухтоҷларга ёрдам фонди».

«Японияда давлатнинг маҳсус фондлари молия ресурсларини ташкил этишнинг шакли бўлиб, улар марказий ёки маҳаллий ҳукумат тасарруфида ва мақсадга қаратилган ҳолда мавжуд бўлади. Улар молия тизимишининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Бу фондларни ташкил этиш ва сарфлаш тартиби молия ҳуқуқи орқали аниқ ва қатъий белгиланади. Бюджетдан ташқари фондлар давлат мулки ҳисобланади ва кўрсатилганларидан бошқа мақсадларга сарф қилиниши мумкин эмас. Бюджетдан ташқари фондлар марказлашган ягона пул фонди бюджетидан анча аввал маҳсус фондлар ва ўзига хос ҳисобрақамлар кўринишида мавжуд бўлган. Давлат ўзининг фаолият доирасини кенгайтирилиши билан тобора янги харажатларга эҳтиёж сеза бошлади. Уларни қоплаш учун маҳсус фондларда маблағлар тўпланди ва маҳсус мақсадларга қаратилди»¹. Бу фондлар ҳажмининг кенгайишига бир қатор сабаблар мавжуд: биринчидан, давлат органларида тадбиркорликнинг ҳўжалик ҳаётига аралashiши ва уларни молиявий қўллаб-куватлаш учун кўшимча маблағлар пайдо бўлмоқда, иккинчидан, бу фондлар бюджетдан мустақил ҳолда давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилишга мўлжалланган, учинчидан, бюджетдан ташқари фондлар маълум шароитларда, яъни актив қолдиққа эга бўлганда бюджет тақчилигини қоплаш учун ишлатилиши мумкин.

Германиядаги ижтимоий сугурта фонди таркибида жуда кўп автоном фондлар бўлиб, улар ижтимоий сугуртанинг алоҳида турларини қамраб олади. «Ишчи ва хизматчиларнинг пенсия фонди», «Беморлиги учун сугурта фонди», «Ишсизликдан сугурталаш фонди» ва бошқалар.

¹ Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Т.: Шарқ. 2003. №7. -117 6.

Буюк Британияда иккита асосий ижтимоий фонд мавжуд: «Миллий сұгурталаш фонди» ва «Давлат ташкилоттарининг пенсия фонди».

Японияда бюджетдан ташқари фондларнинг фаолияти — миллий даромадни давлат томонидан ахолининг маълум ижтимоий гурухлари фойдасига қайта тақсимлаш усулидир. Японияда қўйидаги бюджетдан ташқари фондлар фаолият кўрсатади: «Соғлиқни сақлашни сұгурталаш фонди», «Миллий пенсия фонди», «Ишлаб чиқарышда кўрилган зарарни сұгурталаш фонди», «Ишсизликни сұгурталаш фонди».

Японияда ҳам қўйидаги иқтисодий жамғармалар мавжуд:

- ❖ инвестициявий бюджет ёки давлат инвестициялари ва қарзлари дастури;
- ❖ марказий ва маҳаллий ҳукуматнинг автоном бюджетлари;
- ❖ маҳсус ҳисобрақамлар в.б.

Энг йирик фондлардан бири «Инвестицион бюджет» бўлиб, унинг мақсади давлат томонидан инвестициялар йўналтириш ва қарзлар бериш дастурини бажаришидир. Бу фонд сұгурта қилинган, жамғарилган пенсия ва бошқа маблағлардан шаклланади ва субсидиялар ва имтиёзли кредитлар кўринишида давлат секторини молиялаштиришда ишлатилади. Пасайтирилган нарх ва таърифлар сиёсатидан давлат корпорациялари фаол фаолият кўрсатиши учун шароит яратади. «Инвестицион бюджет» фонди корпорацияларга шундай хизмат кўрсатиб, мазкур фонд ёрдамида кенг тармоқли хусусий секторлар кўллаб-куватланади.

Жаҳон тажрибасида бюджетдан ташқари фондларнинг жуда кўп турлари мавжуд, лекин бу фондларни икки катта гурухга ажратиш мумкин. Ижтимоий йўналтирилган фондлар (пенсия фондлари, мажбурий тиббий сұгурта фондлари, давлат бандлик фондлари, ижтимоий сұгурта фондлари, ахолини ижтимоий қўллаб-куватлаш умуммиллий фондлари) ва ўз йўналиши ва манбаларига эга иқтисодий фондлар.

9.3. Бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш механизmlари

Хорижий мамлакатлар маҳсус жамғармаларига турли хил автоном ва бирлаштирилган бюджетлар, бюджетдан ташқари жамғармалар, маҳсус смета ва ҳисобрақамларни киритишимиз мумкин.

Уларга энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий вазифалар юклатилади. Давлат бундай жамғармалар маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш жараённига аралашиши, корхоналарга турли хил субсидиялар ва кредитлар таклиф килиши, шу билан бирга, ташки қарзларни тұлаши ва ахолига ижтимоий хизмат күрсатылыш чора-тадбирларини күриши мүмкін. Махсус фондлардаги маблағларнинг ишлатилиши мақсадлы характерга зерттеңіл. Масалан, ижтимоий суғурта фондидан пенсия ва нафақалар тұланади, кредит фонdlаридан муассаса ва ташкилотларға, компанияларға ва бошқа мамлакатларға ссудалар берилади. Аксарият ривожланган давлатлардаги ижтимоий суғурта жамғармалари суғурталанувчиларға пенсия ва түловларни тұлаш, шу билан бирга, нафақат мамлакат миқёсидаги тадбиркорларға, балки чет мамлакатларға ҳам ссуда маблағлари беріш мақсадыда ташкил қылинганды. Шуны алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма мақсадлы фондларда ҳам қараждат турлари аниқ күрсатылармайды. Бунга мисол қылған, Буюк Британия бош газначиси фондини олишимиз мүмкін. Бу жамғарма вазирик ва идоралар ҳисобидаги қолдик маблағлардан ташкил топған бўлиб, бошқа фондлардаги мувозанатни сақлаб туришга йўналтирилади.

Францияда алоҳида аҳамиятли фондларга қуйидагилар киради: «Беморлиги, ногиронлиги, болалилиги учун суғурта фонди», «Пенсия фонди», «Оилаларга ёрдам фонди», «Ишсизларга ёрдам миллий фонди».

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни күрсатады, аксарият давлатлардаги амалдаги бюджетдан ташқари мақсадлы жамғармалар фаолияти мамлакат ижтимоий ҳолатини янада яхшилаш, кичик тадбиркорлик тараққиётіга кенг йўл очиб беріш билан бирга, илм-фан соҳасини янада тақомиллаштириш ва шу орқали иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

9.4.Бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш

Бюджетдан ташқари мақсадлы жамғармаларнинг изчил фаолияти натижасида ахоли қучли ижтимоий ҳимоя қилиниши билан бирга иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиши мүмкін.

Республика олий ўкув юргларида илмий ходимлар олиб бораётган ишлар, келгусида нафақат мамлакатнинг ҳар қандай соҳасини ривожлантиришга асос, балки, мамлакат илмий салоҳият даражаси-нинг юксалиши ва фан-техника тараққиёті жараённанда мамлака-

тимизнинг ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Венгрияда бюджет ислоҳотларининг муваффақиятли бориши сабабли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилиши, муҳтожлик мезони ўрнига аҳолининг ўзини-ўзи молиялаштириш тамойилини устунлиги эгаллайди. Давлат бунда, биринчидан, аҳолининг маблағ жамғаришини рафбатлантиради, ижтимоий мақсадлар ҳамда давлат ижтимоий хизматларига муқобил тадбиркорлик, ҳомийлик шаклларини ташлаш имкониятини юзага келтиради, натижада давлатнинг бюджетдан ташқари ва хусусий молиялаштириш нисбатлари тизимида ўзгаришлар юзберади.

Польшада 1996 йилда СЕЙМ-Польша парламенти 10 та қонун лойиҳасидан иборат бўлган пенсия тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари пакетини муҳокама қилишга киришди. Ушбу қонун лойиҳаларида пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш, пенсия таъминоти бўйича давлат мажбуриятларини сезиларли даражада кисқартириш кўзда тутилди. Узоқ келажакда давлат пенсиялари ўртача иш ҳақининг 20 фоизигача қисқарди, қолган қисмини эса Хусусий Пенсия Фондлари ўз зиммаларига олди. Шу тарзда Польшада бир неча ўн йил давомида давлат пенсиясининг устунлик аҳамиятини босқичма-босқич капиталлашган пенсия тизими эгаллаб олди.

Чехияда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг бошқача, янада эҳтиёткорона йўли танлаб олинди. Мазкур йўл узоқ келажакда ҳам давлат пенсиясининг устувор аҳамиятини сақлаб қолишни назарда тутади. Марказий ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатлари сингари Чехияда ҳам пенсияга доир ёшни ошириш кўзда тутилмоқда. Давлат пенсиясини тартибга солиш тадбирлари давом этмоқда, уни индексация қилиш ҳукумат ваколатига берилган. Давлат пенсияси барқарорлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари билан параллел равишда давлат бюджети бадаллари орқали ихтиёрий суғурта бадалларини тўпловчи ва асосий давлат пенсиясини кўшимча пенсия билан таъминловчи пенсия кассалари қўллаб-куватланмоқда. Чехияда 45 та шундай кассалар амал қиласди, ихтиёрий пенсия кассалари аъзолари тахминан иш ҳақининг 3 фоизи миқдорида аъзолик бадали тўлайди.

Қозоғистон ҳукумати пенсия тизимидағи инқироз ва ислоҳотлар ўтказишига эҳтиёжларни тан олди ва 1995 йил декабрда «1996-1998 йилларда ислоҳотларни чуқурлаштириш» деб номланган режа қабул қилинди. У иқтисодий ислоҳотларни қисқа ва узоқ

муддатли стратегияларини қамраб олди. Бу стратегия күйидаги элементлардан иборат:

- ❖ табиий монополия ва майший хизмат соҳаларини тезкор хусусийлаштириш;
- ❖ хорижий инвестиция ва хусусий секторни ривожлантиришни кўллаб-кувватлаш;
- ❖ капитал бозорларини шакллантириш;
- ❖ марказий банк ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш;
- ❖ корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларга мажбурий ўтишини ҳисобга олиб, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.

МДҲ мамлакатлари орасида Қозогистон Республикаси пенсия ислоҳотларини амалга ошириш бўйича етакчи давлат ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қозогистон ҳукумати бундай ислоҳотнинг муҳимлигини тушуниб етди ва Чили моделига асосланган ислоҳотлар бошлаб юборилди. Агар ислоҳотлар моделига эътибор берадиган бўлсак, у давлат корхоналарини хусусийлаштиришни тезлаштириш ва капитал бозорларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқлигини кўриш мумкин. МДҲ давлатларида яқин вақтларгача Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари томонидан худудий бандлик хизмати органлари фаолиятларининг самарали ёки самарасиз эканлиги қўйидаги иккита кўрсаткич билан баҳоланаарди:

- аҳолини иш билан таъминлаш жамғармасига йигилган сугурта ажратмалари ва бу маблағларнинг ишсизларга нафақа тўловлари учун етарлилиги;
- ишсизлик даражаси, меҳнат органлари рўйхатидан ўтган жами ишсизлар сонининг жами иқтисодий фаол аҳолига нисбати. Бу кўрсаткичлар ва натижалар бандлик хизмати фаолиятининг самарали ёки самарасиз эканлигини баҳолаш учун етарли ҳисобланган. Шунингдек, худудий бандлик хизмати органлари ички фаолиятларида;
- ишсизлар сони; битта ишсизга тўғри келадиган бўш иш жойлари сони; ўз вақтида ва тўлиқ ишсизлик нафакаларининг тўлови, жами ишсизлардан ҳисобга олинганлар ва ҳисобдан чиқарилганлар ҳиссалари; жами ишсизлар ичida нафақа олувчилар ҳиссаси ва бошқалардан фойдаланилган.

9.5. Россия Федерациисининг бюджетдан ташқари фондлари

Россия Федерацияси ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилган бўлиб, давлатнинг асосий вазифаси ижтимоий хукуқларни таъминлашдан иборат. Ижтимоий кафолатлар негизида бутун мамлакат худудида ягона ижтимоий стандартга риоя этиш, худудларни ягона қоидалар бўйича молиявий таъминлаш тамойили ётади.

«Бюджетдан ташқари фондлар ёрдамида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

« молиялаштириш, субсидиялаш, давлат корхоналарини кредитлаш орқали ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиш;

« атроф-муҳитни ифлослантиргани учун тўланган солик ва жарималардан табиатни муҳофаза этиш тадбирларини ўtkазиш;

« аҳолига нафақа, пенсиялар субсидиялар бериш орқали ижтимоий хизмат кўрсатиш;

« чет эл мамлакатларига қарзлар бериш»¹.

Россия Федерациисининг Конституциясига мувофиқ, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун негиз яратади.

«Фуқароларнинг ижтимоий таъминот бўйича – ёшга доир нафақа, ногиронлик, бокувчисини йўқотиши, бола туғиши ва боқиши, ишлизлик, шунингдек, бепул тиббий хизмат каби конституциявий хукуқларини таъминлашда нафақат бюджет маблағларидан, балки, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан фойдаланилади»².

Бюджетдан молиялаштиришнинг чекланиши ижтимоий соҳалардаги муассасаларда бозор фаолиятини кенгайтириш заруриятини шакллантирди. Бюджетдан ташқари манбаларнинг кўпайтирилиши иқтисодий манбаатдорликнинг пайдо бўлиши билан боғлик, чунки уларнинг асосий қисми иш хақини кўпайтиришга ва меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилган. Россия Федерациисининг қонунчилигига мувофиқ, муассасанинг бюджет томонидан молиялаштириладиган асосий фаолиятидан ташқари бажариладиган ижтимоий хизматларигина пуллик бўлиши мумкин. Ижтимоий ёрдамга сарфланадиган харажатларга мақсадли ижтимоий дастурларни, масалан, "Ногирон болалар", "Россия ёшлари", "Катта ёшдаги авлод" дастурларини амалга ошириш учун кетадиган харажатлар

¹ Ковалева В.М. Финансы. - Учебник. М.: ПРОСПЕКТ, 2006. - 282 стр.

² Мыслеева И.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. Москва. ИНФРА-М. 2003. 211стр.

киради. Бу турдаги дастурларни амалга ошириш натижасыда маблағларни ақолининг у ёки бу тоифаси фойдасига таксимлаш муаммоси ҳал қилинади. «Россияда давлат пенсия тизими ишловчилар билан меҳнат қилишга лаёкатли бўлмаган фуқароларнинг бирдамилиги тамойили асосида фаолият кўрсатади. Бундай шароитда давлат минимал турмуш даражасига етказиш учун пенсия миқдорини оширишга ҳаракат килмоқда. Россиядаги демографик ҳолат эса пенсия таъминотида ишлайдиган аҳоли зиммасига тушадиган юкни оширмоқда»¹.

Жаҳонда вужудга келган ушбу тенденция пенсия таъминоти тизимида молиявий мустақиллик ва самарадорлик тўғрисидаги масалани долзарб муаммога айлантириди. Пенсия тизими ўз бошидан кечираётган молиявий инқизоз жиддий макроқитисодий ва таркибий хавф-хатарларни келтириб чиқаради. Аҳолининг кексайиши иқтисодий, молиявий ва ижтимоий оқибатлар билан бир қаторда сиёсий жиҳатларга ҳам эгадир. Зеро, пенсионерлар аҳолининг мухим қисмини ташкил этиб, аҳолининг қариялардан иборат қатламини сиёсий кучлар нисбатидаги салмоғи ортмоқда. Шундай қилиб, 80-йиллардан бошлаб жаҳон пенсия тизимида ислоҳотларни амалга ошириш объектив заруратга айланди. Таҳлил маълумотларининг кўрсатишича, жаҳонда пенсия жамғармасига иш ҳақидан тўланадиган бадаллар даражаси 5 фоиздан (Канада) 27 фоизгacha тебранади. АҚШ, Япония, Германия ва Канада каби мамлакатларда бадалларни ишловчилар ва иш берувчилар тенг нисбатда тўлагани ҳолда, Франция, Италия, Швецияда иш берувчилар солиқ юкининг катта қисмини ўз зиммаларига олишган.

«Федерал бюджетдан ташқари фондлар давлат мулки ҳисобланади. Унинг ижтимоий, иқтисодий, ҳомийлик ва бошқа йўналишлари мавжуд. Давлат бюджетдан ташқари фондлар орқали миллий даромаднинг маълум қисмини аҳолининг айrim ижтимоий қатламлари ҳисобига таксимлайди. Давлатнинг бюджетдан ташқари ижтимоий фондлари – марказлашган, мақсадли молия ресурслари бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий ажратмалари ва бадаллари ҳисобига шаклланади»¹.

Россия Федерациясида давлатнинг қўйидаги бюджетдан ташқари ижтимоий фондлари мавжуд:

1. Россия Федерацииси Пенсия фонди.

¹ Ковалева М. Финансы: Учебник.– Москва: ПРОСПЕКТ, 2006. -287стр.

¹ Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. – Москва: ЮНИТИ. 2001. -254 стр.

2. Россия Федерацииси Ижтимоий сұғурта фонди.
3. Россия Федерацииси мажбурий тиббий сұғурта фонди.
4. Россия Федерацииси ақоли бандлиги фонди.

Махсус нафақа бадаллари сұғурта фондида жамланиб, ижтимоий сұғурталаш доирасыда махсус мүлжалланган маблағ ва тушумларға күшилиб кетмайды. Россия сұғурта фонди Россия Федерацииси Олий Кенгашың ҳисобот беради; нафақа жамғармаси фаялияти натижалари ҳақидаги ахборот ҳар йили күриб чиқиши учун мамлакат парламентига тақдим этилади.

Фонд федерал миқёсда ва республикаларда, ўлка ва вилояттарда шакллантирилиб, бу барча фуқароларни уларнинг илгари яшаган ва ишлаган жойидан қатъий назар, жумладан, жамоа хўжаликлари аъзолари ва турли сабабларга кўра меҳнат нафақаси хукукига эга бўлмаган шахсларни ҳам нафақа тўловлари билан қамраб олишга имкон беради. Шу билан бирга, фонднинг мазкур тузилмаси жорий тўловлар ҳамда айрим минтақаларда ёки бутун мамлакат миқёсида турли ўзгаришлар сабабли вужудга келган фавқулодда тўловларни кафолатлади. Бунга мисол қилиб, табиий оғат туфайли нафақа олувчи сонининг, нарх ўзгариши сабабли нафақалар миқдорининг ортиши кабиларни келтириш мумкин.

Сұғурта фондининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- нафақа ва болалар пули учун маблағларни мақсадли жамғарыш ва уларни молиялаштиришни ташкил қилиш;
- ахолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий ва республика дастурларини узок муддатли асосда молиялаштирища иштирок этиш;
- тижорат фаолияти ва ўзини-ўзи молиялаштириш асосида жамғарма маблағларини кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқариш.

Фонд нафақа таъминоти молиясини бошқариш тизими сифатида қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- давлат ижтимоий сұғурта бадали миқдорини белгилаш, уларни меҳнат шароитларидан келиб чиккан ҳолда корхона ва ташкилотлар бўйича тақсимлашни асослаб беришда иштирок этади;
- сұғурта бадалларининг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушиши ҳамда маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан назоратни таъминлайди;
- нафақа таъминотини такомиллаштириш ва ижтимоий дастур-

ларни ишлаб чиқиши бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

• жамғарма ваколатларига доир масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Фонд маблағлари куйидаги манбалардан шакллантирилади:

❖ иш берувчилар — мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш туридан қатъий назар, барча корхона, ташкилот, муассаса ва ширкатларнинг суғурта бадаллари;

❖ якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, жумладан, фермерлар ва адвокатларнинг суғурта бадаллари;

❖ фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари;

❖ ҳарбий хизматчилар ва нафақа таъминоти бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга тўланувчи давлат нафақалари ва тўловлар, ойлик иш ҳақининг ўсиши муносабати билан нафақалар ҳажмининг ошириш, шунингдек, конунчиликда белгиланган бошқа тўловлар учун мўлжалланган республика бюджетидан ажратилувчи маблағлар;

❖ Давлат аҳолининг бандлик қўмитаси томонидан ишсизларга муддатидан аввал нафақа белгиланиши муносабати билан нафақа жамғармасига ажратилувчи маблағлар;

❖ фуқаролар, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг кўнгилли бадаллари;

❖ тижорат, молия кредит операцияларидан олинувчи даромадлар.

Фондни шакллантиришда суғурта усулидан фойдаланиш олдинда турган тўловларни кўплаб иштирокчилар ўртасида нисбатан узоқ муддатга таксимлаш имконини беради. Корхона ва ташкилотларнинг нафақа жамғармасига киритувчи бадаллари миқдори ҳар йили нафақа Бошқармасининг тақдимоти бўйича Россия Федерацияси Олий Кенгаши томонидан белгиланади. Суғурта тарифи меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг фоизи ҳисобида белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашга ходимларнинг барча ишлаб топган пуллари, бир марталик характердаги тўловлар (фойдаланилмаган меҳнат таътили учун тўлов, ишдан бўшатилганда тўланувчи тўлов, моддий ёрдам) ва бошқалар киради.

Корхона ва ташкилотлар ижтимоий-иктисодий фаолиятининг доимий ўзгариб турувчи шароитлари техника ва технологияларнинг ривожланиши билан асосланувчи суғурта риски ҳақидаги мъълумотларни ҳисобга олган ҳолда тарифларни вақти —вақти билан кайта кўриб чиқиши талаб қиласди. Тарифлар асосида белгила-

нувчи максадли нафақа бадаллари маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига киритилади.

Ходимлари имтиёзли шартларда нафақага чиқиш ҳукуқига эга бўлган корхона ва ташкилотлар учун давлат ижтимоий сугурта бадали тарифларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланувчи бадаллардан ташқари нафақа жамғармасига қўшимча бадаллар белгиланган. Бюджет томонидан молиялаштирилувчи муассасалар сугурта бадалларини, уларга ойнинг иккинчи ярми учун ойлик маош беришга бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига ушлаб қолинади. Бошқа ташкилотлар мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш туридан қатъий назар, сугурта бадалларини ойнинг биринчи ярми учун ҳам, иккинчи ярми учун ҳам берилувчи ойлик маош муддатида тўлайди.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, жумладан, якка тартибда (жамоавий) ижара асосида ёки шахсий деҳқон хўжалигида меҳнат қилувчи шахсларнинг давлат ижтимоий сугуртаси кўнгилли асосда амалга оширилади. Улар нафақа жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган тақдирда меҳнат нафақаси олиш ҳукуқига, бошқа турдаги сугурта бадалларига эса ижтимоий сугурталаш жамғармасига сугурта бадалларини тўлаган тақдирда эга бўлади. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар томонидан нафақа жамғармасига тўланувчи бадаллар уларнинг даромадидан ишчи, ходим ва ширкат аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун сугурта бадаллари ҳисобланувчи тарифлар бўйича тўланади. Мазкур гурухга киравчии сугурталанувчилар бундан олдинги йил учун ҳисобланган сугурта бадалларидан, биринчи бор тўловчилар эса жорий йил учун кутилаётган даромад бўйича фоиз Киритадилар. Йил тугаган ёки якка тартибда меҳнат фаолияти якунлангандан сўнг, амалда олинган даромад бўйича қайта ҳисоб — китоб қилинади. Аниқланган фарқ сугурталанувчилардан олиниши ёки уларга тўланиши лозим.

Ўз хўжалигида деҳқончилик билан шуғулланувчи шахслар сугурта тўловларини нафақа жамғармасига йилига бир марта деҳқон хўжалигининг ҳар бир аъзосига тўғри келувчи йиллик ўртача даромад аниқлангандан сўнг, киритадилар. Амалдаги қонунчиликка кўра давлат ижтимоий сугурта тўловлари тўлаши лозим бўлган барча тоифадаги фуқаролар нафақа жамғармасига мажбурий сугурта бадалларини ойлик иш ҳақидан, белгиланган фоиз ҳисобида тўлайдилар. Ишчи ва хизматчилар нафақа жамғармасига сугурта ба-

далларини ойлик маош ҳисобидан, ширкат аъзолари олинган барча даромадлардан, диний ташкилотларда меҳнат қилувчи шахслар олган даромадларидан, ижтимоий сугурталаниши лозим бўлган бошқа шахслар эса ўз даромадларидан тўлайди.

Фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан корхона ва муассасаларнинг ижтимоий сугурта бадаллари каби ойлик маош (даромад) тўланувчи жойлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва ушлаб қолинади. Фондга давлат бюджетидан ажратилувчи маблағлар ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ҳодимлари ва уларнинг оила аъзоларига нафақа тўлашга, шунингдек, бир ярим ёшдан олти ёшгача бўлган болали, кам таъминланган оиласларга болаларга қараш учун тўланувчи тўловларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

Бозор муносабатлари шароитларида аҳоли миграцияси тенденциялари кучайиб, у ёки бу сабабга кўра оғир молиявий аҳволга тушиб қолган ҳудудларга маблағларни тезда ажратиш эҳтиёжи вужудга келади. Шунингдек, ойлик иш ҳақининг ўзгариши сабабли нафақалар микдорини доимий тартибга солиб бориш заруратини ҳам ҳисобга олиш зарур. Мазкур омиллар нафақа жамғармасининг катта захираларини шакллантиришни асослаб беради. Шу мақсадда жамғармага ўз тижорат фаолияти ҳисобига қўшимча маблағлар излаб топишга рухсат этилган. Хусусан, келиб тушувчи бадаллар дарров кўзда тутилган тўловларга йўналтирилмаслиги сабабли, қисқа ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозларига, кўчмас мулкка киритилиши, тижорат фаолиятининг бошқа турларида фойдаланилиши мумкин. Фонд маблағлари давлат банкининг маҳаллий бўлинмалари ҳисобракамларида жамғарилиб, марказдан фақат зарур тўлов топширикларигина келиб туради.

Сугурта фонди маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

➤ Россия ҳудудида амалдаги қонунчиликка асосан давлат нафақалари (ёш бўйича меҳнат нафақаси, ногиронлик бўйича, бокувчинини йўқотганлик учун нафақа), жумладан, давлатларо ва халқаро шартномаларга мувофиқ Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига чикиб кетувчи фуқаролар учун тўловлар;

➤ бир ярим ёшдан катта бўлган болаларга қараганлик учун тўловлар;

➤ кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш;

➤ ойлик маошнинг ўзгариши ва ўсиши сабабли нафақаларни ошириш;

➤ шартнома асосида нафака олувчилар, ногиронлар, болаларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича миңтақавий ва республика дастурларини молиялаштиришда иштирок этиш;

➤ захираларни қисқа ва узоқ муддатли давлат қимматли қозозларига жойлаштириш, шунингдек, бошқа тижорат операциялари ўтказиш;

➤ жорий фаолиятни молиялаштириш, бошқарув органлари харажатларини қоплаш, жамғарманинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

➤ нафақа жамғармаси фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа чора-тадбирлар.

Бошқарма, ижроия дирекцияси, тафтиш комиссияси, Россия таркибидаги республика, ўлка, вилоят ва йирик шаҳарлардаги филиалларга эга бўлинмалар нафака жамғармасининг бошқарув органлари ҳисобланади. Бошқарма таркибига ижтимоий таъминот органлари раҳбарлари даражасида барча республикалар вакиллари, шунингдек, бир қатор давлат қўмита ва идоралари вакиллари Киради. Бошқарма жамғарма фаолиятининг тезкор-услубий раҳбарлигини амалга оширади. Давлат, жамоат, хорижий, халқаро ташкилот ва муассасалар билан ўзаро муносабатларда унинг манфатларини ифодалайди.

Фонднинг шаклланиш манбалари бўйича бюджет лойиҳаси Ижроия дирекцияси томонидан Молия вазирлиги иштирокида ишлаб чиқилади ва нафақа жамғармаси Бошқармаси томонидан тасдиқланади. Нафақа жамғармаси бўлинмалари бюджет лойиҳалари шаклланиш манбалари ва харажатлар моддалари бўйича республика ижтимоий органлари иштирокида бўлинмалар томонидан тайёрланади ва нафақа жамғармаси Бошқармаси томонидан тасдиқланади. Маблағларни сарфлаш режалаштирилган йўналишлар бўйича амалга оширилади ва жамғарма Бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Асосий таянч тушунчалар

Бюджетдан ташқари фонdlар, Халқаро Мехнат Ташкилоти, ижтимоий неъматлар, жисмоний шахсларнинг бадаллари, хайрия улушлари, нотижорат ташкилотлар, халқаро донорлар, акция,

облигация, молиявий корпорация, ижтимоий жамгармалар, халқаро андозалар, кредит жамгармалари, модернизация фонди, мажбурий сугурта бадаллари, халқаро молия институтлари.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар

1. Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондлар қандай хусусиятларга эга?
2. Францияда «Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш фонди» қақон шакллантирилди?
3. Чилида давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш қандай амалга оширилди?
4. Хорижий мамлакатларда давлат мақсадли фондлари қандай таснифланади?
5. Буюк Британияда бюджетдан ташқари қандай фондлар фаолият кўрсатади?
6. Қозоғистон Республикаси пенсия тизими ислоҳотлари тўуғрисида нима дея оласиз?
7. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг фаолияти нималардан иборат?
8. Германиянинг пенсия тизимига оид қонун хужжатларида пенсия миқдорининг ҳисобланишига эътибор бериладими?
9. Россия Федерациясида қандай ижтимоий фондлар мавжуд?
10. Гурухларда «Пенсия таъминоти тизими соҳасидаги ислоҳотлар» мавзусида давра сұхбати ўтказинг.

Х БОБ. АХОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАЛАРИ

10.1. "Маҳалла" хайрия жамғармаси

«Маҳалланинг ҳалқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккilanmasdan айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз»¹.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам таянч, уларнинг муқаррарлиги гарови бўлиб хизмат қиласди. Энг аввало, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар камайтириш, биринчи галда ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳоли тоифалари — кўп болали ва кам таъминланган оиласлар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз. Республикаизда кейинги йиллар «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр-мурувват йили» деб эълон қилинганлиги ва бу борада қатор чора-тадбирларнинг ўтказилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий начор табакаларини аниқ тарзда қўллаб-куватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, қабул қилинган дастурларни амалга ошириш асосида аҳоли фаровонлигини орттиришга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008. - 1056.

кувватлашни кучайтириш лозим. Шу мақсадда, масалан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан таҳминан бир ярим баробар кўп маблағ ажратилди. Капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлангани бажарилган ишлар кўламини яққол кўрсатиб турибди. Ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ташаббуси билан, хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, тугма нуксонлари мавжуд бўлган болаларни мураккаб жарроҳлик йўли билан даволаш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатишнинг асосий қоидалари ва йўллари ишлаб чиқилган. Шу боис жамиятни демократиялаш тизи-мида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало, ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг аҳамияти катта. Оиласарнинг моддий ахволини, уларнинг маънавий ва маданий кизиқишилари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ. Маҳалла халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий кўллаб-кувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши лозим. Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зурур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш зарур. Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бутун чора-тадбирлар билан кўмаклашиши ва ёрдам кўрсатиши лозим. Демак, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқий ваколатларини ошириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ижтимоий йўналишларни кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрда «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 17 октябрдаги «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг юкори органи таъсис конференцияси ҳисобланади. Таъсис конференцияси жамғарма Бошқаруви ва тафтиш комиссиясини сайлайди, аппарат тузилмасини, ходимлар сони ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилайди. Бошқарув аппаратини сақлаш "Маҳалла" жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бошқарув аппарати ходимларининг сони 20 кишидан иборат.

Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида ушбу Жамғарма ўз бўлимларига зга бўлади. Улар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини таъминлайдилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ходимлари (раҳбар, унинг ўринбосари ва масъул котиб) меҳнатига ҳақ тўлаш Республика жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. "Маҳалла" жамғармаси устави таъсис конференцияси томонидан тасдиқланади.

"Маҳалла" жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- ✓ тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, республика аҳолиси ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш;
- ✓ инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, кишилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва яхши қўшничилик ғояларини тушунтириш бўйича фаол ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш;
- ✓ аник ҳудудда яшовчи ҳар бир камхарж оиласлар, ногиронлар, кексалар ва болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш;
- ✓ ҳар хил анъанавий маросимлар ўтказиш;
- ✓ жуда муҳтоҷ оиласлар ва алоҳида шахсларга текин моддий ёрдам кўрсатиш;
- ✓ маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш;
- ✓ республика маҳаллий маҳалла қўмиталари фаолиятини яхшилашга доир ишларни мувофиқлаштириб бориш.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, концернлари, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар "Маҳалла" хайрия жамғармаси қуи бўлинмалари фаолиятига, улар томонидан устав вазифаларининг амалга оширилишида молиявий ва амалий ёрдам кўрсатадилар. Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддат ичida

Жамғарма худудий бўлимларининг бир маромдаги фаолиятини таъминлиш учун зарур майший шароитлар яратадилар.

10.2. «Сиҳат-саломатлик» дастури бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбик этиш, тиббиёт соҳасида жаҳон муаммоларига айланган касалликларга даво топишда республикамиз соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаол қатнаша олишига имконият яратиш мазкур соҳани маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш масаласини кун тартибига кўймокда. Шу нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш муассасаларини етарли миқдордаги маблағ билан таъминлаш, бюджетдан ташқари кўшимча молиявий манбаларни топиш учун имкониятлар яратиб бериш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқи чида долзарб мавзу хисобланади.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг ёйишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатидан бой ёш авлодни тарбиялаш учун шартшароит яратиш мақсадида, мамлакатимизда 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилингандиги муносабати билан 2004 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини шакллантиришда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

❖ одамларда ўз соғлигини сақлашга тўғри ва маъсулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилюна ташкил қилиш, саломатлик учун заарли одатлардан воз кешиш - соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш. Ҳаётга, ўз сиҳат-саломатлигига худди мана шундай муносабат умум эътироф этилган норма бўлиб қолиши ва уни болаликдан, шахснинг камол топа бошлиш давриданоқ сингдириш;

❖ оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она - соғлом бола

мақсадли вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли яшаш пунктлари, энг аввало, қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш борасида бошланган ишларни давом эттириш. Лойиха ва тадбирларни тўла-тўкис ниҳоясига етказиши:

❖ репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга оширишни давом эттириш, оиласа васийлик қилиш, ёшларни оиласавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш ва оиласа турмуш тарзини согломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилиши ва уларни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган ишларни такомиллаштириш бўйича чораталдирларни амалга ошириш;

❖ аҳоли, айиқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қондадарининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиши зарурлигини ёш авлод чукур англаб етишида ота-она ва педагогларнинг ролини кучайтириш;

❖ гиёхвандликка, чекишга, юкумли касалликлар, шу жумладан, сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш;

❖ пенсионер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санатория-курорт ва коммунал-майний хизмат кўрсатишини яхшилаш, кексаларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш;

❖ аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало, қишлоқ жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишини таъминлаш;

❖ Тошкент Техник ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетларида, республиканинг бошқа олий ўкув юртларида замонавий ташхис ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналарида ишлайдиган, уларга техник ва дастурий хизмат кўрсата оладиган маҳсус кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

❖ атроф-мухитни муҳофаза қилиш, экология нормаларини татбик қилишга, ҳар бир аҳоли пунктини сифатли ичимлик суви билан

тъминлашга, ичимлик сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиши;

❖ аҳоли кенг қатламлари орасида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишни авж олдириш, айниқса, болаларни спортга жалб этиш, республика ҳамда минтақавий мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил килиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича илгор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, телевидение орқали маҳсус согломлаштриш дастурларини кенг на мойиш этиш, шунингдек, жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний согломлаштириш машқлари билан оммавий равища шугулланиш учун турли клублар, секциялар, машқ заллари тизими ни жадал ривожлантириш;

❖ тибиёт кадрлари, биринчи навбатда ўрта тибиёт ходимлари ва олий малакали ҳамширалар, (реаниматологлар, анестезиологлар, операция ҳамширалари. туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ни такомиллаштириш;

❖ тибиёт ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жихатдан рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиш, кичик тибиёт ходимлари ва ҳамшираларниг меҳнат хақини оширишга, соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнатига тиббий хизматларнинг мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш, тармок тариф сеткасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

❖ мамлакатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, соғломлаштириш ва даволаш бўйича тегишли мактаблар ҳамда йўналишларни шакллантириш мақсадида, биринчи навбатда кардиохирургия, нейрохирургия, реаниматология, неонатология, микрохирургия, интенцив кардиология, эндовидеохирургия каби ва бошқа энг мухим замонавий тибиёт йўналишлари бўйича юқори малакали ва атоқли мутахассис врачларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида зарур шартшароитларни яратиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳукуқларини тъминлаш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш

учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Лекин, соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирлари бўйича қуидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган соғлиқни сақлаш муассасаларига турли имтиёзлар бериш;

- тиббиёт муассасаларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш;

- хорижий етакчи клиникалар негизида юқори технологияли даволаш услубларини ўзлаштириш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни молиялаштириш масалаларини ташкил этиш;

- тиббий сугуртанинг ҳуқуқий ва услубий меъёрларини ишлаб чиқиш ва нодавлат мулк асосида фаолият кўрсатаётган муассасаларда молиялаштиришни ўзгартириш;

- пуллик, бепул ва аралаш молиялаштиришни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва услубий меъёрлари асосларини аниқлаш;

- тиббиёт тизимиға халқаро ташкилотлар, чет эл инвесторларининг жамоатчилик ташкилотлари ва жамғармалари маблағларини жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

- қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш соҳасининг бошланғич бўғинини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш;

- соғлиқни сақлаш соҳасининг фаолияти йўналишлари ва ушбу тармоқ бажараётган функцияларга бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари мос келишини таъминлаш.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга бюджетдан ташқари манбалардан маблағларни жалб этилиши, бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти туфайли келиб чиқмаган, балки у умумжаҳон таж-рибаларига асосланади. Шу муносабат билан давлат бозор талаблари асосида, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш жараённида мазкур соҳага ресурслар кўйиш масъулиятини ўз зиммасида сақлаган ҳолда, тармоқни молиялаштиришда шерикликка интилади.

Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларнинг чуқурлашуви даврида соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирлари

бўйича давлат Дастури ишлаб чиқилди. Аҳолига пулли асосда юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тартиб ва тарифлари, беморларнинг имтиёзли тоифасини бепул даволаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойилларига босқичма-босқич ўтиш тартиби белгиланган. Жумладан, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастури бўйича 2005 йилда фельдшер-акушерлик пунктлари ва кишлоқ врачлик амбулаторияларининг янгидан қурилиши ва жиҳозланишига эътибор қаратилди. Шу тариқа республиканинг қишлоқ ва туманларида икки даражали соғлиқни сақлаш муассасаларидан иборат тармоқ ташкил этилди.

Лойиҳанинг асосий мақсади, хукуматнинг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган маблағларини оширмай туриб, соғлиқни сақлашнинг бирламчи даражасини кучайтириш, қишлоқда тиббий муассасаларнинг бошқариш ва молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш ходимларини умумий амалиёт соҳасида ўқитиш кабилар ҳисобига қишлоқ аҳолисини саломатлигини яхшилашдир. Эндиликда қишлоқ муассасаларига мустақил юридик шахс мақоми берилмоқда. Муассасаларни молиялашда аҳоли жон бошига ҳисоблаш тамойилига асосланган янги механизmlар, шунингдек, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилади ва жорий этилади, тиббиёт ва иқтисодий масалалар бўйича янги ахборот тизимлари жорий қилинади.

10.3. «Ҳомийлар ва шифокорлар иили» дастури

Молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш, одатда давлат тиббий муассасаларига бошқарувнинг иқтисодий шаклларини кўллаш заруратига келиб тақалади. Халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг хукуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламларини, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларни аҳолининг ижтимоий начор қатламларини моддий ва маънавий кўллаб-кувватлаш борасидаги ҳиссасини кўпайтириш мақсадида 2006 йилда «Ҳомийлар ва шифокорлар иили» дастури қабул қилинди. Мазкур дастурда кўзда тутилган вазифалар жуда турли-туман. Куйида соғлиқни сақлаш тизимини молиявий таъминоти масаласини кўриб чиқайлик.

Республикамизда тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табакалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимни хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига янада мукаммалаштириш ва ундан самарали фойдаланиш масалалари белгилаб олинди. Нодавлат ташкилотлар, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, фирмалар, компаниялар, ҳалқаро ташкилотларни ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастан доирасида, балки мамлакат ижтиёмий муносабатлар тизимида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Барча ёлғиз фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни диспансер кўргидан ўтказиш, ёлғиз пенсионер ва ногиронларни стационар ва амбулатория шароитларида ҳамда уйда аниқ мақсадли тарзда даволаш ва соғломлаштириш учун касалликларни ўз вактида аниқлаш ва асоратларининг олдини олиш учун Давлат бюджетидан 236,0 млн. сўм ажратилди.

Республиканинг чекка, экологик жиҳатдан нокулай туманларида яшаётган кишиларни чукур тиббий кўрикдан ўтказиши ташкил этиш ва ёрдам бериш ҳамда Оролбўи минтақасига ва экологик ахвол мураккаб бўлган бошқа туманларга мурувват юклари билан «Экосан» саломатлик поездлари ва автопоездлари жўнатиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 50,0 млн. сўм, «Экосан» жамғармаси томонидан 440,0 млн. сўм ажратилди. 2006 йилда аёллар ва болалардаги темир моддаси етишмовчилиги ва камқонлик касаллигининг олдини олишга ва уни камайтиришга йўналтирилган «Унни фортификациялаш миллий дастури» амалга оширилди. Мазкур дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 376,2 минг доллар, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси 302,0 минг доллар, БМТ Болалар жамғармаси 15,0 минг доллар, Овқатланишни яхшилаш глобал альянси 633,2 минг сўм грант ажратди.

Юқорида айтилганлардан хulosа чиқариш мумкинки, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбаларини ривожлантириш тиббий хизматга эҳтиёжнинг алоҳидалигини ҳисобга олишга асосланган, тармоқни молиялашнинг энг ихчам, кўп йўналишли тизимини яратишга умумий йўналишли интилиш мавжуд. Тиббий ёрдамни

молиялаштиришни ташкил этишда юзага келган йўналиш мамлакатда соғлиқни сақлашнинг миллӣй концепциясини яратишда ҳисобга олиниши лозим. Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш ва бошқариш тизимини ўзгартириш, молиявий захираларни тақсимлашнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқишни назарда тутади.

Асосий таянч тушунчалар

Аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш, хайрия жамғармалари, Бюджетдан ташқари фонdlар, Ҳалқаро Меҳнат Ташкилоти, ижтимоий неъматлар, ижтимоий муаммолар, жисмоний шахсларнинг бадаллари, хайрия улувлари, нотижорат ташкилотлар, молиявий корпорация, ижтимоий жамғармалар, мажбурий сугурта бадаллари, ҳалқаро молия институтлари, ҳомийлик.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. "Маҳалла" жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
2. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини шакллантиришда нималарга эътибор қаратилган?
3. «Нуроний» жамғармасининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. 2006 йилда қабул қилинган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кандай чора-тадбирлар кўзда тутилган?
5. "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолияти қачон бошланган?
6. Ҳомийлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунириинг.
7. Давлат бюджети таркибига киритилмайдиган бюджетдан ташқари жамғармалар фаолияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларингизни айтинг.

ХІ БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ

11.1. Ижтимоий-иктисодий, молия-кредит масалаларини ҳал этишда халқаро молия институтларининг ўрни ва аҳамияти

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро хўжаликни бошқаришда халқаро молия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Валюта-кредит муносабатларини такомиллаштириш ҳозирги кундаги муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шу сабабли, кредит сиёсати, валюта тизими ҳамда ташқи савдони янада эркинлаштириш валюта-кредит муносабатларини тартибга солишнинг барча унсурларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларнинг институционал тузилмаси кўпгина халқаро ташкилотларни ўз ичига олади. Улардан айримлари халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларнинг назоратини амалга оширишда каттагина ваколат ва ресурсларга эга. Бошқалари эса ўзида хукуматлараро валюта ва молия-кредит сиёсати бўйича маслаҳат бериш ва такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш каби фаолиятни олиб боради. Шунингдек, айримлари валюта-кредит ва молиянинг долзарб масалалари билан шуғулланади ва умуман, иқтисодиёт бўйича маълумотларни жамлайди, давлатларни статистик ва илмий-изланиш нашрлари билан таъминлайди. Халқаро молиявий институтларнинг аксарияти эса юқорида келтириб ўтилган барча функцияларни амалга оширади.

Халқаро валюта-кредит ва молиявий ташкилотларни шартли равишда халқаро молиявий институтлар деб айтишимиз мумкин. Бу ташкилотларни ҳамкорликни ривожлантириш, мураккаб ва ўзаро қарама-қарши бўлган жаҳон хўжалигининг борқарорлиги ҳамда мақсаддилигини таъминлаш каби умумий мақсад бирлаштириб туради. Жаҳон аҳамиятига эга бўлган ташкилотларга биринчи навбатда БМТнинг ХВФ (Халқаро валюта фонди) ва ЖТТБ (Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки) гуруҳи, Жаҳон савдо ташкилоти ма-

қомини олган мақсадли институтларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Худудий интеграция ва халқаро глобаллашувнинг жуда тез суратларда ўсиб бориши, мамлакатлар ҳукуматлари олдига иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим шарти бўлган молиявий барқарорликни таъминлашнинг замонавий, кўпгина ривожланган давлатларда иқтисодиётни янада тақомиллаштириш мақсадида қўлланиб келинаётган модел ва усуслардан фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлашкинг асосий кўрсаткичлари бўлган инфляцияни бошқариш ва валютани тартибга солиш, бюджет такчиллиги ҳамда халқаро ҳўжаликка интеграциялашувнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланадиган мамлакат тўлов балансини самарали бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари - Иқтисодий кенгаш Европа, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси учун тўрут худудий комиссия тузган. Охирги иккитасининг ташкил топишида Осиё Тараққиёт банки ва Америкааро тараққиёт банкининг хизматлари катта. Бу ташкилотларни махсус фонdlар тўлдириб туради. Кредитор мамлакатларнинг Париж клуби - саноати ривожланган давлатларнинг ҳукумат қарзлари бўйича муддати ўтган тўловларини тартибга солиш масалаларини мухокама қилувчи норасмий ташкилот ҳисобланади.

Халқаро молиявий институтлар, Халқаро ҳисоб-китоблар банкidan ташқари (ХҲКБ 1930 йил ташкил топган), асосан иккинчи жаҳон урушидан сўнг ташкил топган. Бу институтлар мамлакатларга кредитлар тақдим этади, жаҳон валюта тизимининг фаолияти тамоилларини ишлаб чиқади, ҳукуматлараро халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларни тартибга солади.

Халқаро молиявий институтларнинг ташкил топиш сабаблари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиши;
- жаҳон ҳўжалик алоқалари, халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларни ҳукуматлараро тартибга солиш зарурийлиги;
- кредит тизими, валюта тизимини тақомиллаштириш, қимматли қофзлар, олтин нархининг дунё бозорларида барқарорлашуви каби муаммоларниҳамкорликда ҳал қилишнинг зарурийлиги.

Халқаро молиявий институтларнинг асосий мақсадлари сифатида қўйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- ❖ халқаро молия ва жаҳон иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида дунё мамлакатларини бирлаштиришга ҳаракат қилиш;
- ❖ халқаро валюта ва кредит-молия муносабатларини тартибга солиш;
- ❖ жаҳон валюта ва кредит-молия сиёсатининг стратегия ва тактикасини ҳамкорликда ишлаб чиқиши.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳудудий тараққиёт банклари ни ташкил қилишдан мақсади мамлакатларда сиёсий мустақилликка эришиш, дунё ривожланишида уларнинг ролини ошириш, миллий иқтисодиёт муаммоларини ҳал қилиш учун иқтисодий интеграция ва ҳудудий ҳамкорликка интилишдан иборат. Энг илғор ташкилотлардан бири - Халқаро валюта фонди алоҳида аҳамиятта эга.

11.2. Халқаро валюта фондининг мақсади ва вазифалари

Халқаро валюта фонди (ХВФ; International Monetary Fund) БМТ-нинг мақсадли ташкилот мақомига эга бўлган халқаро валюта муассасасидир. ХВФ Бреттон-Вудсдаги 44 мамлакат ҳамкорлигига ўтказилган валюта-молиявий конференцияда қабул қилинган қарорга биноан 1944 йили ташкил топган. ХВФ операцияларни 1947 йилнинг март ойидан бошлаган. ХВФга 1947 йилда 49 мамлакат аъзо ҳисобланиб, ташкилотнинг асосий капитали 7,7 млрд. долларни ташкил килган.

Фонд кўшимча ликвидиликнинг кенг кўламли манбаидир. У ўз аъзо мамлакатлари орасида халқаро келишув асосида юзага келган маҳсус захира маблағлари (СДР)ни тақсимлайди. Фонд битим моддаларига мувофик, СДРни халқаро валюта тизимининг асосий захира маблағларига айланишини таъминлайди. Шу билан бирга, у ўз аъзоларининг халқаро ликвидилик захираларини сальдо шаклида ташкилотларнинг захира ва қарз талаблари кафолати асосида сақлаб, газна вазифасини ўтайди. Фонд алмашув курслари мустаҳкамлигини рағбатлантириш ҳисобига халқаро жаҳон савдоси мусстахкамлигини ва мувозанатлашган ўсишни таъминлайди.

Халқаро валюта фонди ўзинг бутун тарихи давомида валюта-кредит муносабатларини ҳукуматлараро тартибга солища мухим вазифани бажариб келган. Бреттон-Вудсдаги келишув натижасида Фонд олдига валюта курсларини тартибга келтириш; аъзо мамлакатлар олтин ёки АҚШ долларидаги валюта паритетининг барқа-

порлигини таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва назоратни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа қўйилган.

Халқаро валюта фонди ташкилотга аъзо бўлаётган мамлакатлар ўз миллий валюталарининг алмашиб турувчи қийматини ҳисобкитоб қилишнинг ягона услубини қўллаш мажбуриятини олган. Бу валюта паритети деб аталувчи тизим ҳисобланади.

XBФнинг бошқарув органи АҚШ пойтахти - Вашингтон шаҳрида жойлашган бўлиб, Парижда бўлимлари мавжуд. Бу эса аъзо мамлакатлар учун анчагина қулайлик яратади, мажлислар ва учрашувларни тез-тез олиб борилишига кўмаклашади. XBФнинг амалдаги фаолияти унда етакчи ўринни эгаллаган ва дунёда асосий валюта сифатида Америка долларининг ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида АҚШ хукумати назорати олиб борилади.

XBФ халқаро савдо ва валютавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қўйида келтирилган йўллар орқали ташкил этилган:

- халқаро савдонинг ҳажмига ва жадал равишда ривожланишига ёрдамлашиш;
- аъзо мамлакатлар ўртасида валюта соҳасидаги тартибли муносабатларни таъминлаш ва валютанинг қадрсизланишига йўл кўймаслик;
- валюта курсларини тартибга солиш ва уларнинг амал қилиниши устидан назорат олиб бориш;
- кўп томонлама тўлов тизимлари устидан назорат қилиш ва валютавий чекланишларни бартараф этиш;
- тўлов баланси мувозанатсизлиги ҳолатида валютавий қиинчиликларни бартараф этиш учун аъзо мамлакатларга кредит ресурсларини тақдим этиш;
- валютавий паритетнинг барқарорлигини ушлаб туриш;
- аъзо мамлакатлар ўртасида тўловлар ва жорий операцияларни ўtkазишда такомиллаштирилган тизим яратишга ёрдам бериш ва валюта чекловларини бартараф этиш.

XBФ яратилган кундан бошлаб ҳозиргacha унинг аҳамияти, зарурлиги ва роли янада ошиб бормоқда. Фонд доирасидаги муҳим масалалар 10 та энг ривожланган мамлакатлар билан биргаликда кўриб чиқилади ва керакли тўлдиришлар ёки ўзгаришлар киритилади. Буларга Бельгия, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, АҚШ, Франция ва Япония давлатлари киради.

XBФнинг таркибини кўрадиган бўлсак, биринчи навбатда Бошқарув Кенгаши – Олий органи таркибида ҳар бир аъзо мамлакат-

ларнинг вакили, бошқарувчиси ва унинг ёрдамчиси тайинланади. Бошқарув Кенгаши қабул қилинган қарорларни татбиқ этишини ижро этувчи Кенгашга топширади. Низом бўйича ижро этувчи Кенгаш Фонднинг ишларини бажарилишига жавобгар бўлади ва доимий равишда ХВФнинг Вашингтондаги қароргоҳида фаолият олиб боради. Ижро этувчи Кенгаш таркибида 24 та директор иш олиб боради. Ҳар икки йилда 1 марта сайлов ўtkазилади ва бунда директорлар сайланади. Ижро этувчи Кенгаш бир қатор сиёсий, тезкор ва маъмурый масалалар билан шуғулланади. Бундай масалалар куйидагилардан иборат:

- ◆ аъзо мамлакатлар томонидан олиб борилаётган сиёsatни кузатиш;
- ◆ аъзо мамлакатларнинг валюта курсини шакллантириш механизмини кузатиш;
- ◆ аъзо мамлакатларга молиявий ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ◆ ҳар йили Бошқарув Кенгашига ҳисобот тайёрлаш;
- ◆ халқаро молия соҳасига оид бўлган глобал муаммоларни ҳал қилиш.

ХВФнинг таркибий структураси доимий равишда ўзгариб туради. Бу эса ХВФнинг функциялари ва жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

ХВФнинг мамлакатлараро муносабатларида ёки алоқалар ўрнатишида ҳудудий бўлимлар ёрдам беради. Ҳозирги кунда ХВФнинг Африка, Европа I, Европа II, Фарб, Ўрта Осиё, Марказий Осиё ва Тинч Океан ҳудудлари бўлими мавжуд. Бундан ташқари, ХВФнинг яна битта бўлими ташкил қилинган. Бу бўлим Марказий банк, банк, валюта ва савдо муносабатлари, бюджет, солиқ масалалари, қонун, меъёрий ҳужжатлар ва бошқалардан қисмлардан иборат. Шу билан бирга маъмурый, Ташки иқтисодий муносабатлар бўлимлари, статистика, ғазна, компьютер хизматлари, ички аудит ва ревизия бюроси ва барча ХВФнинг институтлари ҳам мавжуд. Фонднинг аппаратида 2300 дан ортиқ иқтисодчилар, бухгалтерлар ва юристлар иш олиб боради.

ХВФ маблағларни қўйидагича йўллар билан жалб қиласди.

1. Умумий ресурслар ҳисоб-раками. Мазкур маблағлар барча аъзо мамлакатлар тўлов балансининг молиявий таъминоти учун ишлатилади ва уларнинг бадаллари ҳамда ХВФ заёмлари ҳисобига шаклланади.

2. Максус тўловлар ҳисоб-рақами. Мазкур маблаглар паст даражада ривожланаётган мамлакатларга тўлов балансини солишга имтиёзли асосда ёрдам бериш учун тизимий қайта кўришни молиялаштириш механизмини (ТҚКММ) ва тизимий қайта кўришни кенгайтирилган молиялаштириш механизми (ТҚККММ) доирасида ишлатилади ва ТРАСТ фонднинг қайтарилиган ресурлар ҳисобидан шаклланади.

3. ТҚКММ ТРАСТ фонди. Мазкур маблаглар паст даражали даромадга эга ривожланаётган мамлакатларга тўлов балансини тартибга солиш учун имтиёзли асосда хайрия тариқасида берилган ёрдамлар ва ссуда ҳисобидан ташкил қилинади.

ХВФ иқтисодий статистик маълумотларни чоп этиш бўйича Марказий банк агентликларини, соликка тортиш тизимини қайта ташкил қилиш ва шакллантиришда техник ёрдамлар ҳам кўрсатади. Фонд ўз фаолиятига тайинланган овозлар асосида раҳбарлик килаади. Ҳар бир аъзо мамлакат 250 та овозга эга (квоталар ҳажмидан қатъий назар) ва Фонд капитали хиссасидаги ҳар бир 100 минг СДР учун бир овоздан қўшимча ҳамда ХВФдаги унинг бадалига тенг бўлган СДРда ўз аксини топган квота аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётдаги ўрнини, унинг молиявий ташкилотчилик имкониятларини, ХВФнинг молиявий ресурларига эришиши ва унинг СДР тақсимотидаги ҳиссасини белгилайди. ХВФ аъзо мамлакатларнинг мазкур ташкилот сиёсатига таъсир қилиш даражаси имкониятлари-ни акс эттирган овозлар сонини аниқлади.

Шундай қилиб, ХВФ нафақат айrim мамлакатлар муаммолари билан шугулланибгина қолмай, ҳалқаро валюта тизимини ҳам тартибга солади. Унинг фаолияти Фонд аъзоларини бирлаштириш, уз-луксиз иқтисодий ривожланиш ва жаҳонда валютанинг барқарорлигини таъминлаш ишларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Аъзо мамлакатлар ўз миллий валюта курс режимлари назоратини амалга оширишда ХВФнинг самара-сиз валюта режимларини аниқлади ва уларни тўғрилайдиган услубларни кўллади. Бундай назорат учун ҳар бир иштирокчи давлат ХВФга керакли ахборотларни тақдим қиласи. ХВФ ҳалқаро валюта ва тўлов тизимиға масъул сифатида кенг кўламли ликвидлигига, яъни аъзо мамлакатлар савдо ва тўлов эҳтиёжларини қондириш учун керакли бўлган заҳиралар даражаси ва таркибига асосий эътиборни қаратади. Шунингдек, ХВФ Низомда келтирилган жаҳон валюта тизимининг асосий тамойилларига аъзо мамла-

катлар томонидан амал қилиниши устидан кузатиш ва бошқарувни олиб боради.

ХВФ ўз фаолияти давомида универсал ташкилотга, халқаро дара-жадаги кредитлаш марказига айланган, халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солади, шунингдек, мамлакатлараро кредитлар оқимини таъминловчи ва қарздор мамлакатларнинг тўловга қобилият-лилигини кафолатлаши туфайли етакчи ташкилот сифатида тан олинди. ХВФ Farb мамлакатларининг етакчи “еттилик” масалаларини ҳал қилинишида, жаҳон иқтисодиётини тартибга солиш тизими, халқаро координация сифатида шаклланишида, миллий макроиктисодий сиёсатни муҳокама қилиниши каби юқори даражадаги масалаларнинг ечимини топишида муҳим рол ўйнамокда. ХВФ ўзини актив фаолият юритаётган молия институти сифатида намоён қилмокда.

Халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш жараёнида ХВФ дунё ҳамжамиятида келишилган жаҳон валюта тизимининг амалга ошириш қоидаларини ўзида акс эттирувчи «Битимлар моддаси»га аъзо мамлакатлар томонидан риоя қилинишини кузатиш орқали жаҳон валюта тизимиға ўзгартиришлар киритади. Аъзо мамлакатларнинг барчаси ўзларининг валютавий паритетларини умумий ўлчов қиймати сифатида аниқланган олтин миқдорида акс эттиришлари шарт (IV модда, 1-бўлимнинг “а” банди), СДР бирлиги ҳам белгиланган олтин қийматига эга. Бу тартиб аъзо мамлакатларга “олтинни паритетнинг юқори нуқтаси плюс белгиланган чегаравий фаркланиш баҳосида сотиб олиш ва олтинни паритетнинг қуий нуқтасидаги минус белгиланган чегаравий фаркланиш баҳосида сотиш” имконини бермайди, бу эса ўз навбатида расмий даражада қабул қилинган олтиннинг доллардаги бозор баҳосини ушлаб туришга имкон беради.

1969 йилдан бошлаб ХВФга “халқаро ликвид захираларга глобал миқёсда узоқ муддатли эҳтиёж туғилган шароитда” “қарздор-ликнинг маҳсус ҳукуқлари” (Special Drawing Rights, SDR)ни босиб чиқариш билан ликвид маблағларни яратиш ваколатлари юкланди. 1974 йилнинг июлидан бошлаб СДРнинг қиймати олтинда, 1991 йилдан эса бешта валютадан иборат “сават” асосида ҳар куни аниқланади. 1979-1981 йилларда 21,4 млрд. (34 млрд. АҚШ долларига тенг) СДР босиб чиқарилган. 1997 йилда ХВФ келишув моддаларига бир марта чиқариладиган 21,4 млрд. (29,4 млрд. АҚШ доллари) маҳсус СДРни муомалага киритишига имкон берувчи янги ўзгартириш киритилди. Натижада босиб чиқарилган СДРнинг

умумий суммаси икки баробар ошиди ва 42,9 млрд. (таксиминан 59 млрд. АҚШ долларни) ташкил этди. Хусусан, Россия Федерациясининг СДР да улуши 1,2 млрд. (59 млрд. АҚШ долларни) ёки умумий сумманинг 5,9 % ини ташкил қиласди. ХВФ аъзоларини қўшимча ликвидлилик билан таъминлаш учун маҳсус пул бирлиги – СДРни чиқариш хукуқига эга. СДР аъзо мамлакатларда уларнинг миллый валюта захираларининг бир қисми сифатида сақланиши ёки бошқа аъзолар билан тузиладиган шартномаларда миллый валюта ўрнида фойдаланилиши мумкин.

ХВФнинг барча аъзо мамлакатлари ундан молиявий ёрдам олиш хукуқига эга. Бу ташкилотга аъзолик чет эл валютаси етишмовчилигига дучор бўлган, яъни ўз мажбуриятларини бажаришда қийинчиликларни, валютавий инқизорларни бошидан кечираётган ҳар бир давлатга тўлов баланси муаммосини ҳал этиш учун ХВФнинг бирлаштирилган молиявий ресурсларидан фойдаланиш имкониятини беради. Бу муаммога турли даврларда ХВФнинг деярли барча аъзолари дуч келишган. Одатда, ХВФ кредитлари 3-5 йилда тўланиши керак.

Аъзо мамлакатларга Фонд томонидан бериладиган кредитлар маълум бир сиёсий-иктисодий шартларнинг бажарилиши билан боғлиқ. Бундай тартиб “келишилган” (conditionally) номини олган. ХВФда бу амалиётни қўллашнинг зарурияти, аъзо мамлакатлар ХВФнинг ресурслар обороти узлуксизлигини таъминлаш билан бирга ўз қарзларини тўлай олиш ҳолатида бўлишига ишонч ҳосил қилишdir. Шунинг учун ҳам ХВФ давлат унинг кредитлари зва-зига тўлов балансининг дефицитини қоплаш билан бирга, унинг кисқариши тўғрисида кайғуриши ҳам керак. Кредитларнинг келишилганлиги тамоили қарздор мамлакат билан Фонд томонидан кредитланадиган аниқ иктисодий сиёсат дастури шартномасида ўз аксини топади. У “иктисодий ислоҳотлар дастури” деб номланади, бошқача қилиб айтганда, у макроиктисодий чоралар тўпламидир. ХВФ фикрига кўра, тўлов баланси мувозанатининг тикланишини таъминлаши ҳамда ўз вақтида қарзнинг тўланишини кафолатлаши керак.

ХВФ низомига кўра унинг кредит фаолиятини идентификациялаш мақсадида икки турга ажратиш мумкин:

♦ шартнома (transaction) – давлатларга валюта маблағларини ўз ресурслари хисобидан бериш;

♦ операция (operation) – қарз маблағлари ҳисобидан молиявий ёки техник хизмат күрсатиш.

ХВФ кредит операцияларини фақат расмий органлар билан ғазначилик, марказий банклар, барқарорлаштириш фондлари каби амалга оширади. Кредитлар түлов баланси дефицитини қопладыган ва аъзо мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини қайта тиклаш ишларини кўллаб-куvvatлайдиган кредитларга бўлинади.

СДР - аъзо мамлакатларнинг валюта захираларини тўлдириш, тўлов балансининг пассив сальдосини қоплаш, Фонд билан ҳисобкитоблар учун мўлжалланган. СДРда ҳисобга эга мамлакат ўзига керакли конвертацияланадиган валютани бошқа мамлакатлар билан алмаштириши мумкин. ХВФнинг назорат қилувчи роли мамлакатларга керакли валютани тақдим этилган СДРга алмаштиришнинг кафолатланган имкониятини тақдим этишдан иборат. Фонд бундай пайтда кредитор мамлакатнинг тўлов баланси ва валютавий захираларининг ҳолатини ҳисобга олади. ХВФ СДРдаги операциялар лимити белгиланишида Битимлар моддасида келтирилган меъёрий нормаларга амал қилинишини назорат қилади. ХВФ аъзо мамлакатларининг валютавий курс режимини ҳукуматлараро тартибга солишни амалга оширади. ХВФ Бреттонвудс валюта тизими орқали аъзо мамлакатлар томонидан қабул қилинган ва Фонд орқали тасдиқланган расмий олтин ва доллар паритетларига аъзо мамлакатларнинг амал қилиши, содир бўлган ўзгаришларга чора қўллашни назорат қилади.

ХВФ кредитлар тақдим этиш ва айниқса, кредитор мамлакатлар билан қарздорларга халқаро кредитлаш ва қарздор мамлакатларнинг тўловга қобилиятлилигини кафолатлаш бўйича координаторлик функцияларини бажарган ҳолда воситачилик хизматларини кўрсатиш орқали халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солишда иштирок этади. Хусусий тижорат банклари ХВФни уларнинг кредит фаолиятини кенгайтиришга ва максимал даражада юқори фойда олишга имкон берувчи воситачи сифатида билади. Фонд томонидан кредит тақдим этиш бўйича келишув, у ёки бу давлатнинг иқтисодий сиёсати ва тўловга қобилиятлилиги тўғрисидаги ХВФнинг хulosаси ҳукумат, марказий ва тижорат банклари учун қарздор мамлакатнинг тўловга қобилиятлилиги ва унга халқаро даражадаги ишончнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ХВФ томонидан тақдим этилган унча катта бўлмаган кредит, қарзларни ўз вақтида тўлаш ва шу билан бирга жаҳон ссуда

капитал бозоридан анчагина катта маблағларни жалб этиш имкониятини беради. Аксинча, ХВФ томонидан мамлакатга кредит ёрдамини кўрсатишдан воз кечилиши унинг ссуда бозорига кириш имкониятини ёлади.

ХВФ аъзо мамлакатларининг макроиқтисодий ва валютавий сиёсатлари, жаҳон иқтисодиётининг ҳолати устидан доимий равиша назоратни амалга оширади. Бунинг учун иккита асосий ахборат каналидан фойдаланади. Булардан бирни келишув Битимларининг IV моддасида келтириб ўтилган аъзо мамлакатларнинг ҳукумат органлари билан валютавий курс соҳасидаги сиёсати тўғрисида доимий (ҳар йили) маслаҳатлашишлар хисобланади. Аъзо мамлакатлар ўзларининг макроиқтисодий ва валютавий сиёсатлари масалалари бўйича Фонд билан маслаҳатлашишлари зарур. Битимлар келишувининг IV моддасида келтирилган бошқа йўл Ижрочи Кенгаш томонидан ўtkазилган кузатув натижаси бўйича кўп томонлама муҳокама (йилига икки маротаба) хисобланади, бундай муҳокамалар глобал иқтисодий вазиятнинг кўп томонлама таҳлилини ифода этади.

11.3. Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгashi 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро валюта фонди (ХВФ)га аъзолик тўғрисида"ги қонунни қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлиб, Швейцария, Польша, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари гурухига кирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 мартағи 93-сонли Фармойишига мувофиқ республиканинг ХВФ имзо квотасига тўлов амалга оширилди.

Ўзбекистонда 1993 йил сентябрдан ХВФнинг ваколатхонаси фаолият юрита бошлади. ХВФнинг Ўзбекистон бўйича эксперклари ишини ХВФ 2-Европа департаментининг Шарқий сектори бошқармоқда. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, ХВФнинг алоқа агентлиги ва авуарлар депозитарийси хисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур муассасага аъзолиги билан болжик операцияларни амалга ошириш ваколатига эга. Ўзбекистон Республикасидан ХВФ бошқарувчиси - Ўзбекистон Марказий Банки раиси Ф.Муллажонов, бошқарувчи ўринбосари – Молия вазирининг

1-ўринбосари Т.Гускова тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг ХВФнинг ҳамкорлиги билан амалга ошириладиган молия муносабатларини такомиллаштириш ва жаҳон хўжалигидаги ўзига хос ўринга эга бўлиши, ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштиришида қўйидагиларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга:

1. ХВФ билан халқаро молия муносабатларини амалга ошириш нинг ахборот ва илмий-услубий таъминотини яратиш.

2. ХВФ билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятнинг савдо алоқаларини эркинлаштиришда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилган тадбирлар натижасида очик иқтисодиётни шакллантириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш учун мустаҳкам хукукий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Чет эл инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатлар ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда халқаро молия институтлари, хусусан, ХФВ билан бўлган муносабатларини тартибга солиб туради. Чет эл инвестицияларини жалб килиш ва рағбатлантириш тартибини белгилаб беради. Хусусан, ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва тартиблари “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган. Халқаро хукукнинг умумзътироф этилган меъёларига мувофиқ, мулкчилик шаклларидан катъий назар, ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг хукуқлари, манфаатлари ва мол-мулклари ҳимоя килинади. Бу эса Ўзбекистон Республикасида ХВФнинг фаолият юритиши учун яхшигина хукукий асослар яратилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг хукумати билан келишган ҳолда Молия вазирлиги ва Марказий банк ХВФ олдидаги қарз маблағлар олиш, тўлов фоизларини бериш ва республика номидан қарз мажбуриятларини жойлаштириш билан боғлик молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди. ХВФнинг миссияси ҳукуматга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида консультациялар ўтказиш мақсадида мамлакатимизга мунтазам келиб туради. Миссиянинг фаолияти иқтисод, молия ва статистика соҳасидаги ишнинг ахволини ўрга-

нишга, шунингдек, кейинги иқтисодий ислоҳотлар йўналишини аниқлашга қаратилган.

ХВФ эксперталарининг ўрганишлари натижаси бўйича тавсия ва аналитик материаллар ишлаб чиқилади, макроиқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида тавсиялар тайёрланади. Булар Марказий банк томонидан амалиётга киритилади. Бундан ташқари, ХВФ билан битимнинг "Валюта тартибига нисбатан мажбуриятлар" моддасига мувофиқ, Фонд миссияси бир йилда камида бир марта Ўзбекистондаги жорий макроиқтисодий ва валюта сиёсатининг тақдимотини ўтказади. Миссия иши натижалари бўйича тегишли ҳисобот тайёрлаш билан бирга ХВФ ижрочи директорлари кенгashi муҳокамасига олиб чиқилади. Ҳалқаро Валюта Фонди эксперталари билан биргаликдаги ҳамкорлик муайян ижобий натижалар берди.

ХВФ банк қонунчилигини, бухгалтериянинг ҳисобга олиш ракамлари янги режасини ҳалқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқишига, шунингдек, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг янги тизимини жорий этишга кўмаклашди, бу банк назорати самараси ва унинг меъёрий негизи даражасини ошириш имконини берди. ХВФнинг техникавий кўмаги электрон тўловлар тизимини жорий этиш ва статистика маълумотларини йиғиш тизимини яхшилашга олиб келди. Бундан ташқари, ХВФнинг ўқув муассасаларида ёки унинг молиявий кўмагида етакчи иқтисодий муассасалар (Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк) ходимларини ўқитиши амалга оширилмоқда. ХВФ кредитлари миллий валютани қўллаб-куватлаш, тўлов балансини мустаҳкамлашга ажратилди ва бевосита Ўзбекистон ҳукуматига берилди.

ХВФ Ўзбекистон Республикасига тизимли қайта куриш ҳукумат дастури доирасида 1995 йил 25 январда биринчи маблағ ажратишни тасдиқлади, уни республика 1995 йил 1 февралда олди ва Ўзбекистон Республикаси валюта биржасидаги сотув йўли билан миллий валютани қўллаб-куватлашга йўналтирилди, асосий қарзни узиш (1999-2005) 5,5 йилга мўлжалланган эди. Иккинчи транш бўйича маблағ 1995 йил декабрда олинди, у ҳам миллий валютани қўллаб-куватлашга йўналтирилди, 1995 йил 18 декабрда ХВФ Ўзбекистон Республикасига "Сенд-бай" кредитини берди, у 1995 - 1996 йиллардаги иқтисодий ислоҳотлар ҳукумат дастурини қўллаб-куватлаш учун ХВФдаги Ўзбекистон Республикаси квотасининг 62,5% миқдорида 15 ойга мўлжалланди. Маблағнинг қолган қисми

хар уч ойликда 5 та тенг улушларда 1996 йил ва 1997 йил биринчи уч ойлигига ажратилди.

ХВФ дан Ўзбекистон Республикасига берилган қарзларнинг умумий миқдори 165,2 млн. СДР (225,2 млн. АҚШ долл. яқин) ни ташкил этди, бундан 99,75 млн. СДР (135,9 млн. АҚШ долл. яқин) тизим механизмларини қайта ташкил этиш (STF) доирасида ва "Стенд-бай" кредити 65,45 млн. СДР ҳажмида (89,2 млн. АҚШ долл.) тақдим этилган.

ХВФдан олинган қарзларни ёпиш 1999 йилдан амалга оширила бошланди. Ҳозирги вақтда берилган муддатга мувофиқ ҳаммаси бўлиб 123,6 млн. СДР (168,5 млн. АҚШ долл. яқин) қарз тўланди ва 2003 йил 1 апрелигача – бўлган қарзлар 41,6 млн. СДР (56,7 млн. АҚШ долл. яқин)ни ташкил этади. "Стенд-бай" қарзларини ёпиш бўйича охирги тўлов 2001 йил 25 сентябрда амалга оширилди ва натижада республиканинг ушбу карз бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилди. ХВФ раҳбарияти ва эксперталари техник ёрдам бериш ҳамда Марказий банкда маслаҳатлар ўtkазиш максадида бир неча бор Ўзбекистон Республикасига келди.

Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ томонидан иктиносидий ва молиявий масалалар бўйича имзоланган меморандумда республика иктиносидиёти ислохотини давом эттириш, валюта бозорини эркинлаштириш, халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютани айирбошлишни тъминлаш учун зарур шароитларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўrsatilgan. Жамғарманинг ижрочи директорлар Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматининг макроиктисодий ва юритилаётган тизимга хос ислоҳотлар дастурини ўtkазишдаги қатъият ва садоқатини кутлади ва Меморандумда кўrsatilgan шартларни бажариш бўйича Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолади.

Ўзбекистонга Меморандум шартлари бажарилишини тахдил қилиш ва баҳолаш учун ХВФ экспертлари 2002 йил 12-26 июн кунлари ташриф буюрдилар. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Марказий банки ва ХВФ ушбу ташриф натижалари бўйича Меморандумни амалга ошириш жараённида эришилган сезиларли ўсишлар, миқдорий кўrsatichlarning бажарилиши тўғрисида қўшимча мурожаат қабул қилди. Ушбу мурожаат Ўзбекистон оммавий ахборат воситаларида чоп этилди.

ХВФнинг миссияси 2006 йил 30 ноябрдан 13 декабргача Ўзбекистонда бўлиб, IV мoddага мувофиқ маслаҳатлашувлар доирасида

Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама ўтказди. Муҳокама чоғида 2005-2006 йилларда иқтисодиётнинг ривожланиши, 2007 йилга доир истиқболлар ва ўрта муддатли истиқболлар, шунингдек, ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳотлар дастури дикқат марказида бўлди. Миссия сўнгги икки йил мобайнида умумий иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлганлигини эътироф этди. Бу ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари юқори бўлиб, расмий маълумотларга кўра камида 7 фоизни ташкил этгани, асосан экспорт ҳажми ортганлиги туфайли савдо баланси ва жорий операциялар ҳисобида сезиларли профицит мавжудлиги, олтин-валюта захираси кескин ошиб, айни пайтда унинг микдори 12 ойлик импорт қийматига тенг эканлиги билан изоҳланди.

Иқтисодий сиёсат соҳасида пухта ўйланган солик-бюджет сиёсати олиб борилди; натижада солик ставкалари пасайтирилганига қарамай, бюджет профицитига эришилди. Солик-бюджет ислоҳотларида кўзда тутилган ривожланиш билан бир қаторда тузилмавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш давом эттирилди. Миссия иқтисодий ўсиш ва тўлов балансининг кўрсаткичлари аввалгидай юқори бўлиши прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, 2007 йилнинг иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини қайд этади.

Миссия, ҳукумат бундан бўён ҳам инфляцияни пасайтириб боришга қаратилган сайд-харакатларни, шу мақсадда пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни ва пухта ўйланган солик-бюджет сиёсати ўтказишни давом эттиради, деб қайд этди. Молиявий барқарорлик шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўшишнинг юксак суръатларини таъминлаш учун, иқтисодий сиёсат олдида турган вазифаларни ҳал этиш лозим. Инфляцияни пасайтириш, банк тизимини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ва ташқи савдо соҳасидаги тўсиқларни олиб ташлаш зарур. Бу мақсадларга эришиш учун миссия қатор тавсиялар киритди. Булар янада мослашувчан курс сиёсатини олиб бориш, банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан халос этиш, ташқи савдо билан боғлиқ солик ва маъмурий тўловларни камайтиришдан иборат. Мазкур тавсиялар ҳукумат томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш жараёнида дикқат билан кўриб чиқилди. Миссия ХВФ ислоҳотларини давом эттиришда Ўзбекистонга ёрдам беришга, шу жумладан, техник кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум килди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро

валюта фонди билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида"ги 1998 йил 18 мартағи 118 - Қарори билан иқтисодий ислохотларни ривожлантириш мақсадида валюта ва савдо тизимини янада эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишга атрофлича ёндашибни ишлаб чиқувчи ишчи гурӯҳи тузилди. Унинг зиммасига ташқари савдоси тартибга келтиришни янада яхшилаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш, валюта тизимини эркинлаштириш ва жорий операциялар бўйича миллий валютанинг алмаштиришга эришиш ҳамда бир маромдаги алмашинув курсини белгилаш, шунингдек, ХВФ билан бундан буён ҳамкорликни кучайтириш ва унинг тамойиллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юклатилди.

Ишчи гурӯҳ томонидан ишлаб чиқилган таҳлилий таклифларда хозирги вақтда амал қиласётган валюта ва савдо тартибларининг ўзига хос томонлари таъкидланди. Шу билан бирга, эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш қисқа муддатлар ичida бир қатор ноҳуш вазиятлар, жумладан, инфляциянинг ўсиши, пул-кредит ва бюджет тизимиға тазийқ бўлиши, баъзи корхоналарда вактинчалик молиявий қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкинлиги маъқулланади. Буларни минималлаштириш мақсадида эркинлаштириш ва расмийлаштириш курсини тўғрилаш билан бир вақтда, келишиб олинган тартибда пул-кредит ва бюджет сиёсатини ўtkазиш керак бўлади. Республикада юритилётган макроиқтисодий, валюта бозорларини босқичма-босқич эркинлаштириш сиёсатлари маъқул кўрилди.

11.4. Ўзбекистоннинг Ҳалқаро валюта фонди билан муносабатларини кенгайтириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаган нутқида биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорат банкларнинг роли ва масъулиятини ошириш ҳисобидан миллий валютамизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир, деб таъкидлаган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқти-

содий алокаларида валюта муносабатларини янада ривожлантириш ҳакида гап боргандা, асосий масала, албатта, Халқаро Валюта фонди битимлар келишувининг VIII моддасида кўзда тутилган мажбуриятларни қабул қилиш ёки ушбу моддани имзолаш масаласига бориб тақалади. Чунки, мазкур битимнинг айнан мана шу моддаси валюта муносабатлари эркинлигини таъминловчи асосий хукуқий омиллардан бири хисобланади.

ХВФ Битимлар келишувининг VIII моддасида жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини назарда тутади ва бошқа бир қатор хукуқ ва мажбуриятлар ҳам ўз ифодасини топган. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси ХВФ Битимлар келишувининг VIII моддасида кўзда тутилган мажбуриятларни қабул қилишни кўриб чиқди. ХВФ Битимлар келишувининг VIII моддаси «Аъзо давлатларнинг умумий мажбуриятлари» деб номланиб, у ўз ичига 7 та бўлимдан иборат бўлган йирик моддани қамраб олади. Модданинг нозик ва ўта масъулиятли жиҳатларни ўзида мужассам этганлиги ҳамда унинг бошқа халқаро хукуқий меъёrlар билан ўзаро уйғунлигини таъминловчи асосий хукуқий хужжат сифатидаги аҳамияти валюта муносабатларини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирларни ҳаракатлантирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган ХВФ томонидан тақдим этилган кредитлар хисобига юзага келган қарзлар микдорини иқтисодиётда баланс бузилишининг олдини олиш учун зарур ўзгаришлар даражаси белгилайди. Бинобарин, ХВФ томонидан тақдим этилган кредитлар хисобига юзага келган қарзларни бошқариш сиёсати молиявий дастурларни тузишда фоят муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон банкининг таърифига кўра, ташки қарзнинг салмокли қисми ХВФ кредитларидан фойдаланиш натижасида юзага келган мажбуриятлар йиғиндисидир. Ташки қарз мажбуриятларининг туркумланиши қарз хизмати ва уни самарали башқариш тушунчалари билан узвий боғлик. Баъзи давлатларда ХВФ томонидан тақдим этилган кредитлар иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатса-да, экспорт ҳажми ўсишига олиб келмади ва маблаглар ўз вақтида қарзларни қоплаш учун қайтарилмади. Бу мамлакатларда қисқа вақтда ташки қарз бўйича мажбуриятларнинг жиддий равишда ошишига олиб келди, лекин валюта резервлари эски тарзда колиши аъзо мамлакатлардаги сиёсий-иктисодий вазиятнинг янада кескинлаштириди. Шунинг учун ташки қарзларни бошқариш ва уларнинг мо-

ниторингини ХВФ билан бамаслаҳат олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланәтган мамлакатлар тўлов балансларини давлатлараро тартибга солиш ХВФ орқали амалга оширилади. У макроиктисодий агрегатлар чоракларга бўлинадиган миқдорий мўлжаллар шаклидаги барқарорлаштирувчи дастурларни ишлаб чиқади.

Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки дастурларига мослаштириб тузилган, ХВФнинг барқарорлаштирувчи дастурлари, факат талабга таъсир килувчи чорааларни эмас, балки иқтисодиётнинг тармоқ таркибини замонавийлаштириш чизиги бўйича, ялпи таклифнинг камчилкларига иқтисодий ўсиш, капитал кўйилмалар стратегияси билан боғлиқ тузатишларни киритишни ўз ичига олади. ХВФ томонидан тавсия қилинган тўлов балансини тартибга солиш чораалари тўпламини кенгайтириш, қарздор мамлакат иқтисодиёти тармоқ таркибидаги мувозанатсизликларни йўқотиш йўли орқали барқарорлаштирувчи дастурлар ишлаб чиқилди.

11.5. ХВФ фаолиятини таомиллаштириш йўллари

Аъзо мамлакатларга ХВФ кредит ресурсларининг берилиши маълум шартлар билан чегараланган. Низомга кўра, унга 12 ойга аъзо бўлган мамлакат томонидан валюта суммаси мамлакат квотаси катталигининг 25%дан ошмаслиги керак. Иккинчидан, бу давлатнинг умумий валюта суммаси ХВФ активларида унинг валюта катталигининг 20% дан ошмаслиги керак (Фондга бадал сифатида киритилган 75% квотани ўз ичига олган ҳолда), яъни бошқача қилиб айтганда, аъзо мамлакатнинг миллий валютаси йил давомида квотанинг 25%идан ошмаслиги керак. Кредитлар бўйича фоиз ставкалари даромадлар ва харажатлар баҳоси асосида ҳар бир молиявий йил давомида аниқланади.

Аъзо мамлакатнинг ХВФда кўлга киритилган биринчи порция, квотанинг 25% гача бўлган ҳажмдаги хорижий валютаси 1978 йилдан бўён захира улуши деб аталади (Ямайка шартномасига қадар у олтин улуши деб аталган). У аъзо мамлакатнинг Фонд миллий валюта захирасида сакланадиган суммасидан квота катталиги суммасининг ўсиши каби аниқланади.

Агар ХВФ мамлакат кредитдан Фонд максадларига зид равишида фойдаланмоқда деб топса ёки ўз мажбуриятларини бажармаганликда айбласа, у мамлакатни кредитлаш сиёсатини қисқартириши ёки умуман тўлиқ тўхтатиши мумкин. Дастрлабки кредит улусидан

фойдаланиш түғридан-түғри хорижий валютаны харид қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Бунда мамлакат сўраётган кредитни талаб қилган заҳоти олади ва шу тарзда ХВФ билан захира кредити түғрисида шартнома тузади.

Захира түғрисидаги шартнома ёки “стэнд-бай” шартномаси (Stand-by Arrangements) – мамлакат белгиланган барча шартларга риоя килган ҳолда, хоҳлаган вақтда, ХВФдан миллий валютаси ўрнига хорижий валютаны олиш кафолатини беради. Кредитларни тақдим этишнинг бундай амалиёти кредит линиясини очишни талаб қиласди. Захира кредитлари биринчи навбатда ХВФ аъзо мамлакатларининг барқарорлаштириш дастурини кредитлаш учун белгиланган. Фонд тақдим этадиган валюта миқдори юқорида айтиб ўтилган кредит улушлари доирасида, захира кредити тарзида, белгиланган вақт оралигига сўндириш муддати тугагунга қадар маълум бир порция (транш)ларда берилади.

Мамлакатнинг ХВФга кенгайтирилган кредитлаш тизими доирасида кредит сўрашига тўлов баланси мувозанатининг жиддий бузилиши, ишлаб чиқариш, савдо ёки нарх механизми соҳаларидаги туркибий бузилишлар асос бўлиши мумкин. Кенгайтирилган кредитлар түғрисидаги келишув одатда уч йил, аъзо мамлакатнинг илтимоси ёки зарурият туғилганда тўрт йилгача белгиланган.

ХВФ ўз кредит имкониятларини кенгайтириш мақсадида маҳсус фондлар тузади. Маҳсус фондлар кредитлаш мақсади, шартлари ва кийматига кўра куйидагича турланади:

1. Компенсацион ва кўзда тутилмаган ҳолатларда кредитлаш тўлов баланси ташқи омилларга боғлиқ бўлган ХВФнинг аъзо давлатларига берилади. Улар қаторига стихияли камбагаллик, жаҳон нархларининг фавқулодда тушиб кетиши, саноатнинг инқизози, товар ўрнини босувчиларнинг пайдо бўлиши. Бу фонд уч таркибий қисмни ўз ичига олади:

а) хом ашёга нисбатан жаҳон нархларининг тушиши натижасида валюта кириб келиши қисқарадиган хом ашё экспорти билан шугулланадиган мамлакатларни кредитлаш (ҳозирги кунда квотанинг 30% гача);

б) буғдоига нисбатан жаҳон нархларининг ўсиши билан боғлиқ кийинчиликларни бошдан кечираётган буғдоий импорти билан шугулланувчи мамлакатларни, шунингдек, табиий газ, нефт ва нефт маҳсулотларини импорт қилувчи мамлакатларни кредитлаш (квотанинг 15% гача);

с) ташқи омиллар таъсирида қолган мамлакатларнинг фавқулодда йўқотишларини молиялаштириш (аъзо мамлакат квотасининг 30%гача).

Бундан ташқари, мамлакат, юкорида санаб ўтилган уч турдаги кредитлашнинг ихтиёрий биттасига қўшимча тарзда ишлатиши мумкин бўлган маҳсус кредит улуши (квотанинг 20%гача) ҳисобига маблағлар яратиш илтимоси билан ХВФга мурожаат қилиш имкониятига эга. Агар тўлов балансидаги қийинчиликлар экспорт тушумининг пасайиши ва импорт харажатларининг ошиб кетиши билан юзага келган бўлса, компенсацион кредитлар лимити мамлакат квотасининг 65% билан чегараланади. Буғдой импорти харажатларининг ошииши ва экспорт тушумининг пасайиши билан бир вақтда содир бўлган заарларни қоплаш мақсадида Фонднинг кредитларидан фойдаланишда мамлакат учун квотанинг 85% миқдорида лимит ўрнатилади. Компенсацион, валютавий инқироз ва фавкулодда кредитлашда Фонднинг кредитларига бўлган умумий лимит унинг барча компонентларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат квотасининг 95% ни ташкил этади.

2. Халқаро шартномаларга мос равишда хом ашё товарларидан захиралар ташкил қилишда катнашувчи мамлакатга ёрдам бериш учун захира маблағларини кредитлаш фонди ташкил этилган. Кредитнинг лимити эса аъзо мамлакат квотасининг 30% қилиб белгиланган.

3. Ташки қарзни қисқартириш ва хизмат қилиш бўйича операцияларни молиявий қўллаб-куватлаш фонди. Қарздор мамлакатларга захира ёки кенгайтирилган кредитларни беришда бу кредитларнинг бир қисми (25%гача) асосий қарзни қисқартириш мақсадида захирага олиб қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, фоиз тўловларни қисман конпенсациялаш ёки энг кам фоиз ставкасидаги облигацияларга қарз мажбуриятларининг паритет қиймати бўйича алмаштиришда асосий қарзни қўшимча таъминлаш мақсадида ХВФ захира ёки кенгайтирилган кредитлардан ташқари қўшимча маблағлар ҳам ажратиши мумкин. Кредитларнинг лимити мамлакат квотасининг 30% ни ташкил қиласди. Қўшимча кредит қиймати Фонд томонидан ҳар бир валютавий инқирозни кўриб чикиш натижасида аниқланади, бунда мамлакатнинг макроиктисодий барқарорлик дастурлари ва қайта тиклаш структуралари ҳисобга олиниади.

4. Структуравий шакллантиришни қўллаб-куватлаш фонди. Бу

фонд бозор иқтисодиётiga радикал иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар орқали ўтаётган ва ўз навбатида катта валютавий инқирозларга дучор бўлган мамлакатларга мўлжалланган, бундан фойдаланиш сабаблари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, бозор нархларига асосланган, кўп тармоқли савдога ўтиш натижасида экспорт тушумининг бирданига тушиб кетиши. Иккинчидан, ҳар куни тебраниб турувчи жаҳон нархлари туфайли импорт қийматининг сезиларли ва барқарор ошиши. Учинчидан, бу икки ҳолатнинг бирлашуви натижасида аъзо-мамлакат томонидан жуда катта валютавий инқирознинг вужудга келишидир.

Бундай ҳолатларда кредит бериш қарздор мамлакат томонидан стандарт кенг миқёсли захира кредитларини олиш билан боғлик бўлган мажбуриятларга қараганда “юмшокроқ” мажбуриятларни бажаришга асосланади. Аъзо мамлакатлар маблағларни ўз квоталарининг 50% гача олишлари мумкин.

ХВФга аъзо мамлакатларнинг валютавий инқирозлар пайтида маҳсус фондлардан маблағлар олиши уларнинг кредит улушларига қўшимчадир. Яъни, мамлакатларнинг маҳсус фонд ресурсларидан фойдаланиши ХВФнинг қўлида турган аъзо мамлакат миллий валюта захирасининг ошишига олиб келади.

Амалда валютавий инқирозларни бартараф этишга қаратилган маҳсус фондлардан ташқари ХВФ халқаро валюта муносабатларидаги кескин муаммоларни ҳал қилиш мақсадида вақтнчалик кредит фондларини ташкил қилади. Уларни шакллантириш учун турли расмий манбалардан қарз маблағлари жалб қилинади. Вақтнчалик маҳсус фондларга қуидагилар киради:

1. Нефть фондлари – СДРнинг 6,9 млрд. ҳажмида. Бу фонд ХВФнинг аъзо мамлакатларига нефть ва нефть маҳсулотлари импортининг ошиши натижасида юзага келган қўшимча харажатларни қоплаш учун кредитлар беради.

2. Ишонч фонди – СДРнинг 4 млрд. ҳажмида, асосан ХВФнинг олтин захирасини бир қисмини аукционда сотишдан келган даромад ҳисобига ташкил қилинган. Бу фонддан кредит олувчилар сеқин ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланади.

3. Қўшимча кредитлаш фонди. Бу фонднинг мақсади қарз маблағлари ҳисобига тўлов балансининг кескин ва узок муддатли валютавий инқирозга учраган мамлакатларга кредитлар бериш.

4. ХВФ ресурсларига кенгайтирилган имкониятлар фонди. Бу фонд мамлакат катта миқдордаги валютага муҳтоҷ бўлганда, икти-

содий чора-тадбирларни амалга ошириш учун узайтирилган муддатга кредит олиш керак бўлган ҳолларда ёрдам беради. Фонд ресурсларининг манбай ХВФнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ҳамда бошқа давлат ва ташкилотлардан олинган қарз маблағлари ҳисобланади. Бу фонднинг мақсади квота ҳажмига нисбатан валютавий инқироз пайтида тўлов балансининг мувозанатсизлиги анча катта бўлган аъзо-мамлакатларга қўшимча кредит беришдир.

5. Структуравий қайта тиклаш фонди. Бу фонд томонидан тўлов балансининг доимий инқирозини бошдан кечираётган энг камбағал ривожланаётган мамлакатларга қарз берилади, мақсади, ўрта муддатли структуравий қайта тиклаш ва макроиктисодий дастурларни амалга ошириш. Ресурслар ишонч фонди тақдим этган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобланади.

ХВФ доирасида бошқа аъзо мамлакатларнинг ресурсларини қарзга олиш йўли билан қўшимча маҳсус фондларнинг ташкил этилиши жаҳон иқтисодиёти шартларига алмашинувчи, валютани бошқариш ва давлатлараро кредитлаш тизимининг адаптацияси жараёнининг бир кўринишидир. ХВФга аъзо мамлакат ҳудудида валютавий инқироз бўлиб, кредитга эҳтиёж туғилса, бошқа анча барқарор кредитор мамлакатнинг ссуда капиталини қайта тақсимлашда воситачи ролини ўйнайди. Шу билан бир қаторда, қарздор мамлакатнинг иқтисодий сиёсатига кучли таъсир қўрсатади, бу маблағларнинг қайтарилишига кафил бўлиб ҳам чиқади.

ХВФнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан бўлган операциялари кўлламининг кенгайтирилиши соҳаларида эришилаётган ютукларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Шу билан бирга бевосита Ўзбекистон Республикаси қизиқишлиарига тегишли бўлган, қуйида келтирилган муаммолар ҳамон ҳал қилинмай келинмоқда:

- ишончли молиявий ахборотлар билан ўз вақтида таъминлашишга эришиш;
- молиявий тизимни барқарорлаштириш услубларини ишлаб чиқиш;
- капитал ҳаракати устидан назорат қилиш;
- валюта курслари режимини танлаш;
- инқирозларнинг олдини олиш ва тартибга солишга ҳусусий секторни жалб қилиш.

Ҳозирги пайтида янги халқаро молиявий тузилманинг шаклланиши амалда қўлланиш босқичига кирди. Бунда ахборотларнинг

ошкоралигини ошириш, Фонднинг стандартларини яхшилаш ва назорат ролини кучайтириш каби бир қатор соҳалардаги сезиларли ўсишларни таъкидлаб ўтиш зарур. Банк-молия секторини барқарорлаштириш бўйича фаолиятнинг фаоллаштирилганлиги, молиявий сектор соҳа (Financial Sector Liaison Committee ёки FSLC) қўмита доирасида ҳамкорлик бўйича ХВФ ва бошқа халқаро молия институтлари билан муносабатларнинг яхшиланишини ҳам қўшимча қилиш мумкин.

ХВФ бошқа бир қатор институтлар билан ҳамкорлик қилиш орқали ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатларда содир бўлиши мумкин бўлган инқирозларнинг “олдиндан огоҳлантириш тизими”ни ишлаб чиқмоқда. Валюта захираларининг янада аникроқ баҳолаш тизимини қайта ишлаб чиқиш сиёсатини олиб бормоқда.

ХВФ стратегияси бизнинг кўз олдимизда ўзгариб бормоқда ва фақат иқтисоди ривожланган мамлакатларнигина эмас, балки, ривожланаётган мамлакатлар қизиқишишларини ҳам ҳисобга олувичи янада кенгайган характерга эга бўлмоқда. ХВФ аъзо мамлакатларнинг ички ишларига чукур араласиш хукуқига эга эмас. Фақат истисно сифатида, аъзо мамлакатлар валютавий инқироз туфайли ёрдам сўраб, мурожаат қилган ҳоллардагина ХВФ ўз мутахассисларини жўнатиш ва муҳокамалар ўтказиш хукуқига эга. ХВФнинг вазифаси аъзо мамлакатларни инқироз ҳақида огоҳлантириш эмас, балки инқирозни бошқариш ҳисобланади. ХВФнинг яна муҳим вазифаларидан бири сифатида дунё валюта бозорларидағи малиявий таваккалчиликни максимал даражада камайтирувчи бошқарув механизмини ишлаб чиқишидир.

Асосий таянч тушунчалар

Халқаро валюта фонди, СДР бирлиги, жаҳон иқтисодиёти, халқаро хўжалик, халқаро молиявий ташкилотлар, ҳудудий интеграция, халқаро глобаллашув, кредит тизими, валюта тизими, қимматли қоғозлар, валюта паритети, ликвидлилик, тўлов баланси, халқаро савдо, қарздорлик, кредит фаолиятини идентификациялаш, “стэнд-бай” шартномаси, қарз мажбурияtlари.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Халқаро молия институтлари кандай вазифаларни бажаради?
2. Халқаро молия институтларининг ташкил топиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
3. Халқаро валюта фонди қачон ташкил топган?
4. Халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш жараёнида Халқаро валюта фондининг ўрнини кўрсатинг.
5. Халқаро валюта фондининг маҳсус пул бирлиги – СДРни чиқаришининг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
6. Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишини тушунтиргинг.
7. Халқаро валюта фонди фаолиятини такомиллаштириш йўлларини кўрсатинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., Ўзбекистон 1992.-326.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. 1998. 5-сон. 17-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети газна ижроси. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007. -56.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети газна ижроси. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007. -356.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 15-бет.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамгариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 19-бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети газна ижроси. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007. -56 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 744-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил, декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори. Давлат молияси тизими. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. 1-жилд.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсionерлар ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори. Давлат молияси тизими. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. 1-жилд.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакидаги Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 2-сон. 12-бет.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги 498-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007 йил. 2-сон. 18-бет.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташкари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2008 йил. 2-сон. 31-бет.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакидаги Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007 йил. 11-сон. 17-бет.

16. Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳоддифаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 20 мартдаги карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972 сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта хисоблаш тартиби тўғрисидаги Йўрикнома. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2008 йил. 5-сон. -56.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланмана. – Т.: Иктисолёт, 2009. – 120 б.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

18. Каримов И. Ўзбекистон иктисолий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. -2576.

19. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997.-252 б.

20. Каримов И. Ўзбекистон иктисолий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон. 1995. -1196.

21. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т., Ўзбекистон. 2005. -5266.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифа. 2006 йил 8 декабрь.

23. Каримов И. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисолий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иктисолий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2008, февраль.

24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисолий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

IV. Дарсликлар, ўкув кўлланмалар, илмий мақолалар ва монографиялар

25. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент. Мехнат. 2004. -670 б.
26. Абдураҳмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б. Аҳоли даромадлари ва уларни давлат томонидан тартибга солиш. Ўкув кўлланма. –Т.: ТДИУ. 2007. -746.
27. Аудрюс Битинас. Причины реформ пенсионной системы современной Литвы. // Социальный вестник. Москва. 2007. №5. -13стр.
28. Арабов Н. Давлат бандлик хизмати фаолиятини баҳолаш. // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №3. -56 б.
29. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. – Москва: ЮНИТИ. 2001. -687стр.
30. Бурнашева Х. Аҳолини кредитлаш: долзарблик ва истиқбол. // Бозор, пул ва кредит. Тошкент. 2002.6-сон. 35-376.
31. Бекмуродов А.Ш., Гофуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўкув кўлланма. Т. ТДИУ. 2007. -1196.
32. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Дарслик. “Янги аср авлоди”. 2003. -3446.
33. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Ҳалқаро молия муносабатлари. Дарслик. – Тошкент. “Шарқ”. 2003. 400б.
34. Ваҳобов А.А., Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н., Бюджет-солик сиёсати яхлитлиги. Ўкув кўлланма. – Т., «IQTISOD-MOLIYA». 2004. 296 б.
35. Ваҳобов А.А. Қосимова. Г.А. Давлат молиясини бошқариш. Ўкув кўлланма. – Т., «IQTISOD-MOLIYA». 2008. -287 б.
36. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. Ўкув кўлланма. – Т.: “Молия”. 2005. -1976.
37. Ваҳобов А. Бюджетдан ташкари ижтимоий фондлар. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2001. №10/11. 16-206.
38. Ваҳобов А. Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва ижтимоий фондлар. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2000. №9. 32-35 б.
39. Ваҳобов А. Ўзбекистонда ижтимоий фондларнинг ривожланиши истиқболлари. //Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2001. №7 36 б.
40. Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: Шарқ. 2003. -320 б.
41. Дробозина Л.А. Финансы: Учебное пособие. – Москва: ЮНИТИ. 1999. -387стр.
42. Зотов И. Роль НПФ в реализации новой модели пенсионного обеспечения. // Человек и Труд. Москва. 2002. №11. -20стр.

43. Ковалева М. Финансы: Учебник.– М.: ПРОСПЕКТ, 2006. - 620стр.
44. Калдыбекова К., Мика Т., Родионова Н. Пенсии переселенцам в Германии: вчера и сегодня. // Социальный вестник. Москва. 2008. №1. - 52стр.
45. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. Тошкент. Мехнат. 2004. -210 б.
46. Исаимиддинова Д. Социальные фонды: их роль в условиях экономических реформ. // Экономическое обозрение. 1998. №4. -13стр.
47. Мысляева И.Н. Государственные и муниципальные финансы: Учебник. Москва. ИНФРА.-М. 2003. -268стр.
48. Михайлов А., Мудраков В. Все, что вы хотите знать о негосударственных пенсионных фондах. Москва. ГРАЛИЯ. 2001. №11. - - 42стр.
49. Маликов Т.С., Ҳайдаров Ҳ.Н. Давлат бюджети. Ўкув кўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2007. -85 б.
50. Маликов Т.С., Ҳайдаров Ҳ.Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари.Ўкув кўлланма. – Т.:«IQTISOD-MOLIYA». Т. 2007. -245 б.
51. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 февраль.
52. Максадов М. Максадли фондлардан самарали фойдаланиш (хориж тажрибалари). //Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №9. 45-476.
53. Павлов С. Финансово-экономическая политика Казахстана в условиях трансформации экономики. // Вестник Казахстана. Алматы.2005. №7. -3стр.
54. Поляк Г.Б. ТERRITORIALНЫЕ ФИНАНСЫ. Учебное пособие. – Москва. ЮНИТИ. 2003. -479 стр.
55. Плотицына Л.А. Социальная политика – объективная необходимость и условие дальнейшего развития. // Финансы и кредит. 2005. №11 -33стр.
56. Попов В.С. Региональные аспекты эффективного функционирование пенсионной системы. // Финансы. 2002. №10 -70стр.
57. Сажина М.А., Конышева А.Н. Пенсионная реформа в России: страхование или социальная помощь? // Финансы. 2001. №3. -54 стр.
58. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. “Шарқ”. 2006. - 4806.
59. Ҳайдаров Ҳ.Н. Давлат молиясини бошқариш. Ўкув кўлланма. – Т.: "Академия", 2005. -1186.

60. Қаюмов А. Минтақаларнинг демографик салоҳияти ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши. «Иктисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. Молия. 2008 йил. 30 май. – 37 б.
61. Қосимова Г.А. Ўзбекистонда кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоялаш. // Бозор, пул ва кредит. 2001. 7-сон. 69-71 б.
62. Қосимова Г.А. Фазначилик фаолиятини ташкил килиш. Ўқув қўлланма. «IQTISOD-MOLIYA». Т., 2005. -305 б.
63. Қосимова Г. А. Реформа пенсионных систем: Цели и перспективы. // Российский страховой бюллетень. Москва. 2000. август. 44-45стр.
64. Қосимова. Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. Монография. Молия. Т., 2004. -152 б.
65. Қосимова Г. А., Муроджӯжаева Т. Мақсадли жамгарма: унинг жамиятдаги ижтимоий ахамияти нимада// Биржа. 2006. №2. -56.
66. Қосимова Г.А. Бюджетдан ташқари фонdlар. Ўқув қўлланма. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA». 2007. -148 б.
67. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Фан ва технологиялар. Молия. 2007. -396б.
68. Қосимова Г.А. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш долзарб масала. // Бозор, пул ва кредит. 2007. №3. 30-32 б.
69. Қосимова Г.А. Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари. Монография. «IQTISOD-MOLIYA». 2008 йил. 118 б.
70. Kosimova Gulyora Ahmatovna. Functioning of the United treasury count in execution of state budjet. // Ахолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолат, таркиби ва ислоҳ этиш йўналишлари. Илмий ишлар тўплами. 2007. №1. 37-38 б.
71. Международное право. Учебник для вузов / Под. ред. Г. В. Игнатенко. -М., 1999. -420стр.
72. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения: Учебное пособие. – М.: Изд-во «Дело и сервис», 2003. – 576 с.
73. Ослунд А. Россия: Рождение рыночной экономики. - М.: Республика. 1996. - 430 с.
74. Семенов К.А. Международные экономические отношения: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 544 с.
75. Сидоров А. А. Трудный путь в Бреттон Вудс: Соединенные Штаты и создание международной валютной системы. // США и внешний мир. Материалы IV научной конференции ассоциации изучения США. М., 1997.

76. Стиглиц Дж. Глобализация: тревожные тенденции. М.: Мысль, 2003. -302 стр.
77. Akira Uegaki. Russia in World Capitalist Economy // Abstracts of the VI ICCEES World Congress, Tam-pere, Finland, 29 July - 3 August 2000. P.444.
78. Ellman M., Scharrenborg R. The Russian Financial Panic and the IMF // Problems of Post-Communism. 1998. Vol. 45. # 5. P.20.
79. Gould-Davis N., Woods N. Russia and the IMF // International Affairs. 1999. Vol.75. # 1. P.3-4.

«Internet»тармоғи бүйича тавсия этиладиган веб-сайтлар

80. <http://www.review.uz>
81. <http://www.nalog.ru>
82. <http://www.finansy.ru>
83. <http://www.finance.rambler.ru>
84. <http://www.federalreserve.gov.com>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. «БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	
1.1. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида бюджетдан ташқари фондлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.....	5
1.2. «Бюджетдан ташқари фондлар» фанининг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги.....	13
1.3. Давлат бюджети таркибида мақсадли жамғармаларининг шаклланиши.....	14
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ	
2.1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг аҳамияти.....	22
2.2. Бозор иқтисодиёти шароитида Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари.....	31
2.3. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва шаклланиш механизми.....	34
2.4. Пенсия жамғармаси харажатларининг таркиби.....	44
III БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ	
3.1. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш йўллари.....	48
3.2. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг заруриятлиги.....	58
3.3. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги конунининг аҳамияти.....	64

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИ

4.1. Йўл жамғармасининг аҳамияти.....	68
4.2. Йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш манбалари.....	75
4.3. Харажатларни Йўл жамғармаси маблағларидан молиялаштириш.....	83
4.4. Йўл жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш	93

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ

5.1. Ўзбекистон Республикасида фукаролар бандлигини таъминлаш сиёсатининг стратегияси ва тактикаси.....	98
5.2. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва иш ўринларини яратиш муаммолари.....	108
5.3. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг аҳамияти.....	111
5.4. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этишнинг асосий мақсади ва даромадлари.....	113
5.5. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма фаолиятининг молиявий муаммолари.....	115
5.6. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш йўллари.....	121

VI БОБ. МАКТАБ ТАЪЛИМИ ЖАМҒАРМАСИ

6.1. Ўзбекистон Республикасида миллий таълим тараққиёти ва кадрлар тайёрлаш тизими истиқболлари.....	124
6.2. "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг аҳамияти.....	128
6.3. "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг даромадлари ва харажатлари.....	129
6.4. Ўзбекистон Республикасида халқаро молия институтлари иштирокида ижтимоий дастурларни молиялаштириш	132

VII БОБ. ДАВЛАТ МУЛК КЎМИТАСИНИНГ МАХСУС ХИСОБ РАҚАМИ

7.1. Давлат Мулк кўмитаси маҳсус ҳисоб рақамининг даромад манбалари.....	139
7.2. Давлат Мулк кўмитаси маҳсус ҳисоб рақами маблағларининг таксимланиши.....	140

VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ

8.1. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармасининг мақсади ва вазифалари.....	143
8.2. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт Жамғармасининг даромадлари ва харажатлари.....	143

IX БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

9.1 Хорижий мамлакатларда бюджетдан ташқари фондларнинг ўзига хос ҳусусиятлари.....	149
9.2. Бюджетдан ташқари фондларнинг турлари.....	153
9.3. Бюджетдан ташқари фондларнинг шаклланиш механизmlари.....	156
9.4. Бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш	157
9.5. Россия Федерациясининг бюджетдан ташқари фондлари.....	160

X БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАЛАРИ

10.1. "Махалла" хайрия жамғармаси.....	168
10.2. «Сиҳат-саломатлик йили» дастури бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш	171
10.3. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури.....	175

XI БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ

11.1. Ижтимоий-иктисодий, молия-кредит масалаларини ҳал этишда халқаро молия институтларининг ўрни ва аҳамияти.....	178
11.2. Халқаро валюта фондининг мақсади ва вазифалари.....	180
11.3. Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши.....	187
11.4. Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди билан муносабатларини кенгайтириш йўналишлари.....	192
11.5. ХВФ фаолиятини такомиллаштириш йўллари.....	194
Фойдаланилган адабиётлар	201

**ГУЛЁРА ҚОСИМОВА АХМАТОВНА
ЗАМИРА КАРИМОВА ҲАКИМОВНА**

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
ФОНДЛАР**

Ўкув қўлланма

Мухаррир
Саҳифаловчи

**Ш. Худойбердиева
Б. Гафурова**

Босишга рухсат этилди 10.05.2009. Ҳисоб-нашр табоги 12,75 б.т.
Қоғоз бичими 60x84_{1/8} Адади 200. Буюртма № 65

«IQTISOD-MOLIYA» нашриёти,
100084, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-й

Тошкен Молия институти босмахонасида ризография
усулида чоп этилади.

100084, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-й

